M.G.Popov jiyda turlarini o'rganib O'rta dengiz mintaqasida uchraydigan jiyda turlari *E.angustifolia* oid degan ma'lumotlar keltirilgan [11].

D.T.Zabramniy O'rta Osiyoda jiydaning uchta turi (*E.hortensis*, *E.angustifolia*, *E.orientalis*) borligini va gerbariy namunalari Amudaryo, Sirdaryo to'qayzorlaridan yig'ilganligi bo'yicha ma'lumotlar mavjud. Farg'ona vodiysida o'suvchi madaniy jiydalar *E.oxycarpa* dan, Evropa va Kavkaz orti mamlakatlarida uchraydigan madaniy jiydalar esa *E.orientalis*, va *E.angustifolia* turlarining formalaridan kelib chiqqan degan farazlar mavjud [20].

Q.Z.Zokirov [5], Zarafshon vodiysi uchun jiydaning *E.orientalis* va *E.angustifolia* turini, M.V.Kultiasov, M.G.Popov, O.A. Fedchenko, V.L. Komarov va o'zlari tergan gerbariyilariga asoslangan holda keltiradi.

Umuman olganda O'zbekiston florasida *E.angustifolia* va *E.orientalis*ning turlari uchraydi [16,19,20].

Botanik tasnifi va morfologiyasi: ELAEAGNACEAE – JIYDADOSHLAR, Gen. Pl.: 74 (1789); nom. cons. Tip: *Elaeagnus* L., Sp. Pl. 1: 121 (1753).

Gullari to'g'ri, ikki jinsli yoki ayrim jinsli, ikki uyli; changchi gullar ikki bo'lakli gulqo'rg'onli va 4 ta erkin changchilar joy olgan. Urug'chi va ikki jinsli gullari trubkasimon yoki qo'ng'iroqsimon, ikki yoki to'rt bo'lakli, ikki jinsli gullarda 4 ta changchilari gulqo'rg'onining ostki qismiga birikkan; urug'chisi 1 ta, bir uyali urug'kurtakdan (mevabargchadan) tashkil topgan, ustunchasi bitta va silindrsimon, uzunchoq changdondan iborat; mevasi danakli, mevasi och jigarrangda, sarg'ish yoki qizg'ish tusli. Mevaning seret qismi gul o'rnidan rivojlanadi. Daraxt yoki buta, barglari oddiy, novdada

qarama-qarshi yoki ketma-ket joylashgan, barg yaprog‘i yaxlit, yonbargsiz.

Elaeagnus angustifolia L. - ingichkabargli jiyda. Sp. Pl. 1: 121 (1753); Fl. SSSRda Gorshkova 15: 522 (1949); Fl. Uzbekistana da Sumnevich, 4: 229 (1959); Opr. rast. Sr. Az. da Vinogradova, 7: 144 (1983).

Buta yoki kichikroq daraxt. Balandligi 3-7 m, qizg‘ish-qo‘ng‘ir qobiqli, tikansiz yoki o‘tkir tikanli, uzunligi 0,7-3 sm, yosh novdalari va barglarining ikki tomoni kumushsimon-oq, yulduzsimon tuklar bilan qalin qoplangan yoki barglarining ustki qismi kulrang-yashil yoki yashil, deyarli tuksiz; barglari lansetsimon, ovalsimon yoki uzunchoq tuxumsimon, uzunligi 2,5-7 sm, eni 0,4-1,5 sm, to‘mtoq yoki o‘tkirlashgan, bandining uzunligi 0,5 sm, plastinkasidan 4-5 marta kichik yoki yirik barglarining uzunligi 6,5-10 sm, eni 2-4 sm. Gullari xushbo‘y, 1-3 tadan bo‘lib, barglarining qo‘ltig‘ida joylashgan, kalta, uzunligi 2 mm, gulbandda o‘rnashgan; gulqo‘rg‘oni qo‘ng‘iroqsimon yoki keng qo‘ng‘iroqsimon, kumushsimon-oq, oq va mayda sarg‘ish tuklar bilan qoplangan, kam sonli bezchali; gulqo‘rg‘on trubkasining uzunligi 5-6 mm, eni 2,5-3 mm, gulqo‘rg‘on bo‘laklari lansetsimon, tuxumsimon yoki uchburchak lansetsimon, o‘tkirlashgan, ichki qismi silliq, sariq, kam sonli qo‘ng‘ir mayda bezchali, uchta tomiri aniq bilinib turadi, gulqo‘rg‘on trubkasidan biroz kaltaroq; changchisi 4 ta, kalta ipli, uzunchoq changdonli, ustunchasi biroz uzaygan, gulqo‘rg‘on bilan deyarli teng, yuqori qismi egilgan; danakchasi yumaloq, ovalsimon yoki deyarli sharsimon, uzunligi 0,7-1,4 sm, eni 0,5-1 sm yoki danakchasi yirik zaytunsimon, uzunligi 1,7-2 sm, eni 1,3 sm, etilmaganlari kumushsimon, tuklar bilan qalin qoplangan, etilganlari sariq-qo‘ng‘ir, kam sonli qo‘ng‘ir tuklar bilan qoplangan, deyarli silliq; danagi uzunchoq, uzunchoq tuxumsimon yoki qisqa silindrsimon, ikkala tomoni to‘mtoq yoki o‘tkirlashgan (3-rasm).



3-rasm. *E.angustifolia* o‘simligini umumiy ko‘rinishi.

E.angustifolianting generativ novdalaridagi bahorgi barglari kumush rang, uzunchoq-nashtarsimon, vegetativ novdalardagi barglar och yashil, uzunligi eniga ko'ra 2-3 marta ortiqroq bo'lib, keng nashtarsimon ko'rinishga ega. Kuzgi generativ hamda vegetativ novdalardagi barglar rangi, o'lchami va barg yaproqlarida joylashgan yulduzsimon tukchalar boshqacha ko'rinishga ega. Kuzgi barglarning ustki tomoni ko'k, bargining ostki tomoni kumush rangli yulduzsimon tukchalardan iborat, barg o'lchami kattaroq bo'lib, keng nashtarsimon ba'zan ovalsimon ko'rinishga ega.

Ba'zi ilmiy adabiyotlarda [30] jiyda gullarini ikki jinsli deb ma'lumotlar keltirilgan. Lekin, jiyda o'simligi nafaqat ikki jinsli balki ayrim jinsli gullar (changchi va urug'chi gullar) ham uchraydi (poligam jinsli).

May-iyun oylari gullab, iyun-avgust oylari mevasi pishib etiladi.

Respublikamizda E.angustifolia asosan daryo qirg'oqlari atrofida, to'qayzorlarda, cho'l, adir, tog' mintaqalarida, tekisliklardan tortib to o'rta tog' tizmasigacha dengiz satxidan 300-2200 m balandlikda uchraydi.

Tog' mintaqasida o'simlik populyastiyasi ingichka o'zan-tarmoq hosil qilsa, adir mintaqasidagi ancha katta-katta maydonlarda, cho'l mintaqada jiydazorlar faqat daryo qirg'oqlariga yaqin joyda uchraydi. To'qay o'simliklarning orasida edifikator va subedifikator rolini bajaradi.

Jiydazorlarning xarakterli tomonlari shundaki ular gidrotermik sharoitda yashashga moslashuvi. K.Z.Zokirov va P.K.Zokirov larning O'rta Osiyo o'simliklar klassifikatsiyasida Termomesophytia o'simliklari tipiga kiritilgan [5].

Termomesophytia tipiga xos jiydalarning yana bir xususiyati ildizlarining baquvat va gorizontal holda joylashuvidir. Bu ham moslashuv belgilaridan biri, chunki suv bosganda yoki suv toshqinlari vaqtida o'simlik ildizlarida aeratsiya jarayoni yomonlashadi natijada yuqori tana organlaridan qo'shimcha bachki ildizlar hosil bo'ladi.

Quyida Zarafshon daryosining o'zaniga yaqin joylarida, yuqori Zarafshonda esa jiydalar daryo o'zanidan ancha uzoqlikda (300-700 m) uchratish mumkin. E.angustifolia har xil ekologik sharoitlarda o'sa olish xususiyatiga ega bo'lib respublikamiz va unga yaqin hududlarda keng tarqalgan o'simlik hisoblanadi.

Hozirgi vaqtda O'zbekiston to'qaylarida asosan to'rang'il, tol, jiyda va chakanda formatsiyalari shakllangan. Jiydalar formatsiyasida E.angustifolia qatnashib, bir qancha assotsiatsyalarni hosil qilgan.

Turkum turlari morfologik tuzilish jihatidan to'liq o'rganilmagan [3]. Shuning uchun ham yuqorida ta'kidlanganidek

jiyda taksonomiyasi adabiyotlarda turli xil farazlar jixatidan yoritilgan. O‘simliklarni sistematikasini o‘rganishda morfologik belgilari va tuzilish muxim axamiyatga ega.

X.Q.Xaydarovning ilmiy izlanishlari shuni ko‘rsatadiki respublikamizda jiyda populyasiyalari Sirdaryoda, Zarafshonda, Qashqadaryoda, Surxondaryoda va Amudaryoda keng maydonlarda mavjudligi xamda jiydalarni morfologik jixatdan to‘liq tavsiflagan [20].

Jiydaning ilmiy nomi grekcha elaie-zaytun va agnos-sof, so‘zlardan tashkil topgan bo‘lib, musaffolik ma‘nosini anglatadi. Markaziy Osiyo va boshqa mamlakatlarda jiyda turlari o‘zgacha mahalliy nomlar bilan ataladi. Qozog‘istonda – jida, Turkmanistonda – sandjid, cho‘bdona, igde, Tojikistonda – djigda. O‘zbekiston va unga yaqin hududlarda jiydaning madaniy turlari non jiyda, qandak jiyda, kelin barmoq jiyda, yovvoyi turlari kaptarjiyda va qarg‘ajiyda deb ataladi [14,15,17,18,19,20].

I. Azimov tomonidan jiydaning 18 ta yaniy, qizil jiyda, Toshkent disserti, Ra‘no, Urg‘anch, Xurmoyi, Gau-qandak, Cho‘li qandak, Qizil qandak va boshqa navi yaratilgan [20].

Jiyda mevalarini uzoq vaqt yangi uzilganidek saqlash va uzoq joylarga olib borish, mevasi parranda va to‘qay hayvonlarining sevimli ozuqasi ham hisoblanadi.

Jiyda xalq xo‘jaligi uchun muhim ahamiyatga ega. Mevasi tarkibida 40-65% qand(shu jumladan glyukoza (taxminan 20%) va fruktoza (10% dan ortiq), 11,0% oqsil, 40%gacha bog‘langan va erkin tanin, rang beruvchi moddalar shuningdek ma‘lum miqdorda kletchatka, yog‘, oshlovchi moddalar, organik kislotalar bor. Meva qobig‘ida taninlar va bo‘yoqlar, alkaloidlar mavjud; barglarda askorbin kislotasi (0,1-0,3%). Bundan tashqari, jiyda mevasining etida kaliy va fosfor tuzlari hamda V1, V2, RR, va E vitaminlari borligi aniqlangan [20,24].

Jiydadan dorivor o‘simlik sifatida juda qadimdan xalq tabobatida foydalanib Abu Ali Ibn Sino qonni tozalash, ich ketish, ruhni tetik qilish, ishtaha ochishda jiydadan keng foydalangan. Jiyda mevasi servitamin bo‘lganligi tufayli ilmiy meditsinada kamqonlik, teri qazg‘oqlanishi, bo‘y o‘smasligida, organizmda tuz-suv mutanosibligini saqlashda, fikrlash qobiliyatini oshirishda va yurak faoliyatini kuchaytirish maqsadida iste‘mol qilish tavsiya etilgan [1,27]. Shuningdek, xalq tabobatida jiyda mevasining xususiyatlaridan yana biri bolalarda uchraydigan ich ketish kasalligiga qarshi yaxshi davo hisoblangan. Uning damlamasi nafas yo‘llari shamollaganda, oshqozon-ichak va radikulit kasalliklarini davolashda foyda beradi [1,23,26,31,32,33,].

O‘simlikning yangi barglari revmatizm, podagra, radikulit, yallig‘lanishni va tez davolanishni yengillashtirish uchun yiringli

va davolanmaydigan yaralarga qo'llaniladi. Maydalangan so'rg'ich mevalari va barglari gemoroy uchun yaxshi vositadir. Meva qobiqning damlamasi qon ketishini to'xtatish, bezgak va gipertenziya uchun sharbatlari samarali bo'ladi. Terapevtik maqsadlarda barglar, mevalar, gullar ishlatiladi. Jiyda mevasidan oziq-ovqat sanoatida kisel, vino va totimli sharbatlar tayyorlanadi. Yog'ochi mustahkam, qattiq hamda zichlik yuqori bo'lganligi tufayli u o'ymakor naqqoshlikda va musiqa asboblari tayyorlashda ishlatiladi. Bundan tashqari jiyda poyasi suvda tezlikda chirimaydi, shuning uchun uning poyasidan ko'prik yasashda ham foydalaniladi. Daraxtning elimi noyob arab yelimi o'rmini bosa oladi. Bu elim lak, sifatli elim, bo'yoqlar olishda foydalaniladi.

Jiyda asal shirasiga ham juda boy o'simlik. U ko'p tarqalgan tumanlarda aholi asalarichilik bilan shug'ullanadi. Jiyda gulidan olingan asal juda sifatli, xushbo'y hisoblanadi. Gulidan 0,3% efir moylari olinadi [7,22,25,]. Bular konditer mahsulotlarida, ichimlik va parfyumeriyada ishlatiladi [9,12,13,14,15,16,17,18,19].

P.S.Massagetov ma'lumotlariga ko'ra jiyda daraxti po'stlog'ida va bargida eleagnin-alkaloidi, mevasining tarkibida 0,57-1,08% tannin barg va daraxt po'stlog'idan jigarrang va qora rangli bo'yoqlar olinishi va ular to'qimachilik sanoatida ishlatilishi takidlangan.

A.G.Sedleskiy tomonidan olib borilgan tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, to'qaylarda o'suvchi jiydalarning 100 kg mevasidan 15% namlikda, oson bijg'itish yo'li bilan, 12-13 litr spirt olish mumkin. Madaniy jiyda mevalarining 100 kg mevasidan 23% namlikda, 27-28 litr spirt olish mumkinligi aniqlangan [8].

XULOSA

E. angustifolia o'simliklar dunyosida keng tarqalgan bo'lib, nafaqat yurtimizda balki O'rta Osiyoning Qozog'iston, Qig'iziston, Turkmaniston, Tojikiston Respublikalarining tog' va tog'oldi daryo bo'ylarida, ko'llari atroflarida, daryo vohalarida hamda Yevropa, O'rta Yer dengizi, Kichik Osiyo, Kavkaz, Sibir, Eron, Afg'oniston, Hindiston, Pokiston, Mo'g'iliston, Yaponiya, Xitoy kabi davlatlarda keng tarqalgan to'qay o'simligi hisoblanadi. Jiyda o'simligi vitaminlarga boy bo'lib, tibbiyotda, xalq xo'jaligida katta ahamiyat kasb etib keladi va xalq xo'jaligida turli sohalarda asalarichilik, parfyumeriya, ichimlik tayyorlash, turli alkaloidlarni tayyorlash, organik kislotalarga boyligi, rang beruvchilik xususiyatlaridan keng foydalaniladi. Tahlil natijalariga ko'ra jiyda o'simligini ahamiyati, uning xususiyatlari, tarqalishi, dorivorlik xususiyatlari inobatga olinadigan bo'lsa, bu o'simlik ustida ko'pgina ishlarni amalga oshirish kerakligidan dalolat beradi. Hozirgi kunga qadar bu

o'simlikni biologiyasi, ekologiyasi, tarqalishi, populyatsiyasi sistematikasi, fitokimyosi, xalq tabobati va tibbiyotda qo'llanilishi o'rganilgan bo'lib, o'simlikning fiziologiyasi to'la qonli o'rganilmagan. Shuning uchun bu o'simlikni fiziologik xususiyatlarini o'rganish zarur deb hisoblaymiz va tadqiqotlar olib borish kerakligini takidlab o'tamiz.

REFERENCES

1. Абу Али Ибн Сина (Авиценна) Канон врачебной науки. 2-е изд-е: В 5 кн.: Пер. с арабского. Ташкент: «Фан», 1981. - Книга II. - С. 674-675.
2. Багиров И.М., Иващенко Н.В., Потанина О.Г. Разработка характеристик подлинности плодов лоха узколистного // Фармация. 2007. - № 4. - С. 15-17.
3. Бондарцев А.С. Шкала цветов. - Л.: ЛГУ 1954. - 27 с.
4. Виноградова Р.М. Сем. Лоховые-Elaeagnaceae // Опред. раст. Ср. Азии. Т. 7. - Ташкент: Фан. 1983. -С. 143-146.
5. Закиров К.З. Флора и растительность бассейна р. Зарафшан. - Ташкент. Изд. АН УзССР 1955. Часть 1. – С. 10-189.; 1961. Часть 2. – С. 245-265.
6. Козловская Н.В. Обзор видов рода *Elaeagnus* L., встречающихся на территории СССР // Флора и систематика высших растений. -М., Л.: Изд. АН СССР. 1958. Вып. 12. -С. 84-131.
7. Кузьмина Ж.В. Методика определения и оценки нарушений пойменных экосистем при гидротехническом воздействии / Кузьмина Ж.В., Трешкин С.Е. Аридные экосистемы. 2008. Т. 14. №35-36. – С. 94-110.
8. Майлун З.А. Тугайная растительность // Растительный покров Узбекистана и пути его рационального использования - Ташкент. Фан. 1973. Т.2. - С. 326-372.
9. Мокрушин В.С., Вавилов Г.А. Основы химии и технологии биоорганических и синтетических лекарственных веществ. СПб.: Проспект Науки, 2009. - 496 с.
10. Пантелеева, Е.И. Облепиха крушиновая (*Hipporhae rhamnoides* L.): монография / Е.И. Пантелеева. – Барнаул: СО РАСХН, 2006. – 249 с.
11. Попов М.Г. О применение ботанико-географического метода в систематике. //Проблема ботаники. – М.: 1950. Вып. 1. -С. 70-108.
12. Федоров Ал.А., Артюшенко З.Т. Атлас по описательной морфологии высших растений (Плод). - Л.: Изд. АН СССР. 1967. -С. 28-29.
13. Федченко Б.А. Очерки растительности Туркестана. - Л.: Изд. АН СССР. 1925. -С. 225-227.
14. Флора Казахстана. Т.6. - Алма-Ата: Изд. АН Казах ССР. 1963. -С. 220-227.



15. Флора Киргизский ССР. Т.7.- Фрунзе: Изд. АН Кир.ССР. 1957. -С. 604-607.
16. Флора СССР. Т. 15. -М., Л.: Изд. АН СССР 1949. -С. 515-525.
17. Флора Таджикистана. Т.6. - Л.: Наука. 1981. -С. 625-635.
18. Флора Туркмении. Т. 5. – Ашхабад: Изд. АН СССР. 1950. - С. 158-161.
19. Флора Узбекистана. Т.4. - Ташкент: Изд. АН Уз ССР. 1959. - С. 229-230.
20. Ҳайдаров Х.Қ. Ўзбекистон флорасида *Elaeagnaceae* Juss. Оиласи. Автореф. дис. док.биол. наук. Т., 2018. – 175 б.
21. Шаин С.С. Биорегуляция продуктивности растений М.: Изд-во «Оверлей», 2005. - 228 с.
22. Шенников А.П. Введение в геоботанику. - Л.: ЛГУ. 1964. – С. 224-348.
23. Шиков А.Н., Макаров В.Г., Рыженков В.Е. Растительные масла и масляные экстракты: технология, стандартизация, свойства. М.: «Русский врач» 2004. - 264 с.
24. Xojimatov O.K., Haydarov X.Q., Xamrayeva D.T., Imomova D.A., Xujanov A.N. O‘zbekiston dorivor o‘simliklar atlasi. O‘quv qo‘llanma. – Samarqand. SamDU nashryoti, 2021. – 219 bet.
25. Asadiar L.S., Rahmani F., Siami A. Assessment of genetic diversity in the Russian olive (*Elaeagnus angustifolia*) based on ISSR genetic markers. *Rev Cienc Agron* 44: 2012 - P. 310–316.
26. Linnaeus C. *Mantissa plantarum. Holmiae*, 1767. -pp. 123-127.
27. Olim K. Khojimatov, Dilovar T. Khamraeva, Alisher N. Khujanov and Rainer W. Bussmann An overview of Ethnomedicinal plants of Uzbekistan. *Ethnobotany Research & Applications*. 2020. Pp. 1-19 <http://dx.doi.org/10.32859/era.20.08.1-19>.
28. Pallas P.S. *Flora Rossica. // Francofurti et Lipsiae*. 1789. P. -167.
29. Richard A. *Monographie de la famille des Elaeagnees*. - Paris,1823. - P. 375-408.
30. Ramezani M., Hoseinzadeh H., Daneshmand N. Antinociceptive effect of *Elaeagnus angustifolia* fruit seeds in mice. *Fitoterapia*, №72: 2001. - P. 255-262.
31. Servettaz M.C. *Monographic des Elaeagnaceae*. - Dresden. 1911. - P. 217.
32. Wang Y., Qin Y., Du Z., Yan G. Genetic diversity and differentiation of the endangered tree *Elaeagnus mollis* Diels (*Elaeagnus* L.) as revealed by simple sequence repeat (SSR) markers. 2012. *Biochem Syst Ecol* 40: - P. 25-33.
33. Stannard, Mark; Ogle, Dan; Holzworth, Larry; Scianna, Joe; Sunleaf, Emmy. History, biology, ecology, suppression and revegetation of Russian-olive sites (*Elaeagnus angustifolia* L.). *Technical Notes. Plant Materials* No. 47.
34. www.gbif.org/search

ИССЛЕДОВАНИЕ ВЛИЯНИЯ ОБЪЕМА ВСКРЫШНЫХ ПОРОД И УГЛА СКЛОНА ГОРЫ НА ХАРАКТЕР РАСПРЕДЕЛЕНИЯ ВСКРЫШИ, РАЗМЕШЕННОЙ НА СКЛОН КОСОГОРА

Илхом Туйчибаевич Мислибаев

д.т.н., проф. Навоийский государственный горно-технологический университет
mislibaev65@mail.ru

Гули Миржановна Самадова

к.т.н., доц. Таджикистанский государственный горный институт
guli1964@list.ru

Захриддин Илхом угли Туйчибоев

ассистент, Навоийский государственный горно-технологический университет

АННОТАЦИЯ

В работе проанализированы технологические и организационные аспекты ведения вскрышных работ и моделировано процесс формирования отвала. Характер распределения породы на каждой позиции горных работ фиксируется фотографированием или непосредственными замерами на модели. Изменение угла склона β и объема вскрыши ΔV^0 приводит к изменению геометрических параметров отвала. По данным первых опытов с увеличением угла склона β на 5° высота увеличивается на 35-40 % одновременно ширина верхней площадки $\Delta\beta^0$ уменьшалась на 20-25%.

Ключевые слова: распределения породы, вскрыша, склон горы, угля склона косогора, моделирование, углов оснований, отвал, формы отвала, порода, геометрических параметры отвала.

ВВЕДЕНИЕ

Изучение характера распределения породы вскрыши, наваливаемой на склон горы в зависимости от объема вскрышных пород и угла склона косогора, по которому производится перевалка вскрыши, осуществлено нами моделированием на эквивалентных материалах для различных объемов вскрыши (эквивалентного материала) и перемены углов оснований ($10-35^\circ$).

В отличии от существующих моделируемая система собирается из двух частей, целиковая, строящая под углом склона горы к горизонту, эквивалентный материал выбирают

подобно породам целика и закатывают на стенде в плотном состоянии с определенным числом укатки. Вторая часть отвальной сторона забоя с переменными параметрами, которая моделируется при помощи раздробленного эквивалентного материала с прочностными характеристиками, подобными породам во временных отвалах.

МАТЕРИАЛЫ И МЕТОДЫ

Развитие горных работ воспроизводится путем последовательного моделирования на целиковой части модельной системы отвальной части забоя, при этом должны соблюдаться следующие условия:

- объем отвальной части на каждой стадии развития горных работ равен соответствующему объему обрабатываемой вскрыши в разрыхленном состоянии;
- загрузка модели раздробленным материалом производится порциями с соблюдением технологии отсыпки в натуре;
- формы отвала должны соответствовать принятой технологической схеме отработки и средствам механизации, удельное давление на временный отвал выбирают, как в натуре, с учетом масштаба моделирования.

Характер распределения породы на каждой позиции горных работ фиксируется фотографированием или непосредственными замерами на модели. Ниже приводим подробно порядок проведения эксперимента.

Порода, сыпаемая под действием собственного веса, совершает свободное движение по поверхности откоса и останавливается у нижней подошвы уступа. Дальность перемещения породы по наклонной поверхности зависит от многих факторов и определяется коэффициентом сопротивления движению. Расположение отдельных кусков материала в отвальном откосе зависит от соотношения гравитационных сил и сопротивления движению. Оработка первых моделей с углом склона $\beta=11,3-20^{\circ}$ и возрастающими объемами вскрыши $\Delta V^0=3600-29000 \text{ см}^3$ показала, что в таких условиях отвальный откос устойчивый, и лишь в последнем опыте, где высота отвала достигла 46,5 см, наблюдались мелкие трещины у верхней бровки уступа.

Благодаря отсутствию деформаций отвальный откос имеет форму, близкую прямолинейной, общее поперечное сечение отвала треугольное или четырехугольное, а свеженасыпанная часто раздробленного материала образует, как в натуре, призму навала с основанием (уширением отвальной площадки) $\Delta\beta^0$ и высотой H . Угол откоса отвала равен углу естественного откоса породы.

Получение относительно правильного сечения отвала и призмы навала объясняется тем, что хотя угол склона увеличен, но еще меньше, чем угол внутреннего трения по поверхности контакта, и высота отвального откоса еще меньше чем предельно-допустимая, то есть необходимыми условиями сохранения такого состояния (такой формы) распределения вскрыши, сброшенной на склон горы являются:

$$\beta < \rho_k \text{ и } H^0 < H_{np}^0$$

где H_{np}^0 - предельная высота отвала.

Изменение, угла склона β и объема вскрыши ΔV^0 приводит к изменению геометрических параметров отвала. По данным первых опытов с увеличением угла склона β на 5° высота увеличивается на 35-40 % одновременно ширина верхней площадки $\Delta \beta^0$ уменьшалась на 20-25%. Но такой же закономерности изменилось отношение $\Delta \beta^0 : H^0$, то есть чем круче угол, тем меньше это отношение, величиной которого характеризуется объем породы вскрыши, подлежащей к повторной переэкскавации. Замечено некоторое изменение угла откоса отвала.

С увеличением угла склона β процесс рассортировать дробленой массы резко возрос, значительная часть материала после сталкивания за верхнюю бровку отвала (10-20 %) откатывается дальше основной массы угол естественного откоса после обрушения также выполаживался, что не совпадает с предположением о постоянстве данной величины. Направление формирования отвала еще сохраняется прежним.

В общем, данная форма распределения вскрышных пород, сброшенных на склон, в отличие от предыдущего характеризуется некоторыми ограничительными условиями:

$$\beta < \rho_k \text{ и } H^0 > H_{np}^0$$

Последние модели данной серии опытов были построены с углом склона основания β более 35° , тогда второе условие $H^0 < H_{np}^0$ нарушалось, то есть значение угла склона превышает угол трения между основанием и отвальным массивом.




Дальнейшее увеличение угла склона β приводит только к интенсивному движению засыпанной массы раздробленного материала по склону вниз. Процесс формирования отвала и ее поперечное сечение однотипное. Направление формирования сначала снизу-вверх, а потом по склону.

На основании приведенных результатов экспериментов

можно выделить три основные формы распределения породы вскрыши, размещенной по склону горы при бестранспортной обработке нагорных месторождений, в зависимости от условий устойчивости отвального откоса и угла склона горы (табл.1). Каждая форма распределения вскрыши соответствует определенным ограничивающим условиям, определенному сечению отвала и призмы навала.

Таблица 1.

Формы распределения породы вскрыши, в зависимости от условий устойчивости отвального откоса и угла склона горы.

Формы распределения породы в отвале	Характерные условия	Поперечное сечение отвала и призмы навала.	
Отсутствие деформации отвального откоса.	$\beta < \beta_{кр}$ $H^0 < H^0_{кр}$		Геометрически правильное треугольное или четырехугольное. Призма навала трапециoidalного сечения.
С частичной деформацией отвального откоса.	$\beta < \beta_{кр}$ $H^0 > H^0_{кр}$		Отвал геометрически сложного сечения. Призма навала линзообразного сечения.
С полным оползанием породы по склону горы до подножия	$\beta > \beta_{кр}$		Отвал геометрически правильного сечения призмы навала трапециoidalного сечения.

Разделение характера распределения вскрыши на три формы позволяет правильно прогнозировать изменение параметров временных отвалов и выбрать подходящий метод определения характера распределения породы в отвале для конкретных условий и также подобрать целесообразную и безопасную технологическую схему ведения вскрышных работ.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Из вышеизложенного можно сделать некоторые частные выводы.

1. Характер распределения вскрышных пород, разрешенных на склон горы при бестранспортном способе обработки, зависит от многих факторов, главными из которых

являются угол склона горы, объем вскрыши и угол естественного откоса.

2. В зависимости от угла склона горы, условий устойчивости отвальных откосов, размещенных на склоне, характер распределения породы вскрыши характеризуется тремя кормами, приведенными в табл.1. Такое разделение позволяет правильно выбрать технологическую схему отработки горизонта и выяснить область применения методики определения характера распределения сброшенной породы вскрыши и её точность.

3. Для повышения точности методики определения характера распределения породы вскрыши конкретными случаями нужно установить ее форму распределения и разработать формулы для соответствующей формы распределения породы в отвале.

4. Значение угла естественного откоса породы вскрыши также влияет на характер распределения породы, сброшенной на склон, от его величины зависят фактические и расчетные параметры отвала. Из данных опытов следует, что для всех трех форм распределения вскрыши он неодинаковый и изменяется в некоторых пределах.

5. Сходство графиков, построенных на основании экспериментальных данных в натуре и на моделях $\frac{\Delta\beta^0}{H^0} = f(\beta)$ по изменению параметров призмы навала в зависимости от угла склона горы β , позволяет рекомендовать метод моделирования на эквивалентных материалах для исследования характера распределения породы на склоне при данном способе отработки.

REFERENCES

1. Пермяков Р.С. Особенности разработки нагорных месторождений Заполярья. Л.: Наука, 1969, 234 с.
2. Мислибаев И.Т., Самадова Г.М. Разработка графоаналитической модели поперечного профиля месторождения на косогоре.// Горный вестник Узбекистана. – Навои, 2022. – №4. – С. 39-43.
3. Мислибаев И., Самадова Г.М., Туйчибаев З.И. Особенности открытой разработки нагорных месторождений. Материалы III-международной конференции “Комплексное инновационное развитие зарафшанского региона: достижения, проблемы и перспективы”. г. Навои, Узбекистан 27-28 октября 2022 г. Том.1. –С. 162-173
4. Вологев Б.М., Максимов В.К., Бакшеев А.И. Особенности формирования нагорной части карьеров на крутых склонах. Горный журнал. М.: -1983. -№ 9. С. 61-65.



5. Мислибаев И.Т., Самадова Г.М. Исследование процесса формирования и разноса ступенчатого борта карьера при поэтапной разработке нагорных месторождений. International Journal of Advanced Technology and Natural Sciences. 2022. № 3(3). –С. 4-10.

6. Самадова Г.М., Туйчиева Д.И. Технологические особенности каскадной разработки нагорных месторождений. International Journal of Advanced Technology and Natural Sciences. 2022. № 3(3). –С. 10-16.



TIBBIY TA'LIMDA O'QUVCHILARNING KASBIY MADANIYATINI SHAKLLANTIRISH METODIKASI

Nigora Narimmatovna Akbarova

Professional ta'limni rivojlantirish instituti mustaqil tadqiqotchisi

ANNOTATSIYA

Maqolada tibbiy ta'limda o'quvchilarni kasbiy madaniyatini shakllantirish dolzarb vazifalardan biri ekanligi, shuningdek, bo'lajak hamshiraning kasbiy madaniyati mazmuni va tarkibi, kasbiy madaniyatni shakllantirishda tibbiy ta'limni o'rni, kasbiy madaniyatni shakllantirish bosqichlari yoritib berilgan.

Kalit so'zlar: ta'lim, pedagogika, texnologiya, uzluksiz ta'lim, elektron ta'lim, raqamli ta'lim.

ABSTRACT

In the article, the formation of the professional culture of students in medical education is one of the urgent tasks, as well as the content and structure of the professional culture of the future nurse, the role of medical education in the formation of professional culture, and the stages of professional culture formation.

Keywords: education, pedagogy, technology, continuing education, electronic education, digital education.

KIRISH

Jahonda zamonaviy tibbiy ta'lim amaliyotida o'rta tibbiy xodimlarni, xususan tibbiyot hamshirasining kasbiy maqomiga qo'yiladigan talablar o'zgarishligi bois, ularni kasbiy faoliyatga tayyorlash talablari ham o'zgarib takomillashib bormoqda. Endi ularning kasbiy faoliyati nafaqat kasbiy bilim va kompetensiyalar bilan balki, shaxsning aksiologik xususiyatlari (axloqiy, ma'naviy) bilan belgilana boshladi. Hamshiralarning kasbiy faoliyatiga qo'yiladigan talablar ularning kasbiy o'sish motivatsiyasiga va bemorlar bilan kasbiy munosabatda bo'lishga tayyorligini (bemorlar bilan hamkorlik, hamdardlik, mulohaza asosida aloqalarni o'rnatish qobiliyati) hisobga olgan holda shakllana boshlandi.

Jahon miqyosida sog'liqni saqlash va tibbiy ta'lim sohasidagi rivojlanish tendensiyalari ta'lim sifatini oshirishga alohida e'tibor qaratmoqda. Uzluksiz tibbiy ta'lim akkreditatsiya markazi (Accreditation Council for Continuing Medical Education - ACCME) va Amerika tibbiyot assotsiatsiyasi (American Medical Association) kabi nufuzli



tashkilotlar tomonidan tibbiy ta'limni samarali tashkil etishda innovatsion pedagogik muhitni yaratish, o'qitishning yangi paradigmalarini ishlab chiqish hamda nazariya va amaliyot integratsiyasini rivojlantirish tavsiya qilingan. Bu esa, ta'limda innovatsion axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va vizuallashtirilgan didaktik vositalarning integrativ imkoniyatlaridan samarali foydalanish usullarini tadqiq etish tibbiy ta'lim tizimini modernizatsiyalashga xizmat qilishini ko'rsatadi.

Mamlakatimizda professional ta'lim negizida sifatli tibbiy ta'lim tizimini joriy etishga qaratilgan tub islohotlar natijasida o'rta tibbiy xodimlar tayyorlashning malaka talablari, kasbiy standartlari, o'quv dasturlari takomillashtirildi. Xususan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 5-maydagi «Sog'liqni saqlash tizimida olib borilayotgan islohotlarni izchil davom ettirish va tibbiyot xodimlarining salohiyatini oshirish uchun zarur shart-sharoitlar yaratish to'g'risida»gi PF-6221-sonli Farmonida Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti va yetakchi xorijiy ekspertlarni jalb qilgan holda, o'rta tibbiyot xodimlari maqomini oshirish nuqtai nazaridan ularning malaka talablari, vazifalari, vakolatlari, javobgarligi, ixtisoslik yo'nalishlarini kengaytirish, lavozimlarini, shuningdeq o'quv dasturlari va rejalarini to'liq qayta ko'rib chiqqan holda, o'rta tibbiyot xodimlarini tayyorlash va ularning malakasini oshirish tizimini takomillashtirish masalalari belgilandi.

Shu bois, professional ta'limda tibbiyot texnikumlari va kollejlarda tibbiyot hamshiralarini tayyorlash mazmunini takomillashtirish, ularning, kasbiy madaniyatini shakllantirishga qaratilgan ta'lim-tarbiya berish usullarini tatbiq etish muhim ahamiyat kasb etadi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Respublikamizda mutaxassisning kasbiy madaniyatini rivojlantirish, sog'lom turmush tarzi va uning falsafiy, pedagogik masalalari bir qator olimlar tomonidan o'rganilgan.

O.M.Musurmonova o'z tadqiqotlarida shaxs sog'lom turmush tarzini ma'naviy madaniyatning tarkibiy qismi sifatida ilmiy-pedagogik jihatdan isbotlagan. Shuningdeq sog'lom turmush tarzi qirralari mohiyatini ma'naviy qadriyatlar nuqtai nazaridan asoslab bergan[3].

N.A.Akbarov texnika oliy o'quv yurti talabalarida kasbiy madaniyatni shakllantirishning pedagogik muammolari yuzasidan ilmiy izlanishlar olib borilgan, kasbiy madaniyatni shakllantirishga doir ilmiy-uslubiy tavsiyalar ishlab chiqqan[2].

Q.L.Ishonov tomonidan pedagogika kollejlarda bo'lajak o'qituvchilarning kasbiy madaniyatini shakllantirish texnologiyasi yaratildi, pedagogika kollejlarda bo'lajak o'qituvchilarning



kasbiy madaniyatini shakllantirish jarayonini takomillashtirish yuzasidan tadqiqot ishlari olib borilgan[4].

O.Yo.Ernazarova shaxs faoliyatda kasbiy va axloqiy madaniyat uyg'unligi, shaxsning mehnat bozori o'zgaruvchan sharoitlariga moslashib borishini ta'minlovchi konseptual akmeologik texnologiyalarning innovatsion, differensial, yoshga oid, ijtimoiy va pedagogik ta'sir turlari bo'yicha ilmiy tadqiqot ishlarini olib borgan[6].

M.P.Imomov tomonidan kollej o'quvchilarining kasbiy madaniyatini kompetensiyaviy yondashuv asosida rivojlantirish metodikasi ishlab chiqilib, kollej o'quvchilarida kasbiy madaniyat shakllanganligi holati va uni rivojlantirishning psixologik-pedagogik omillari shart-sharoitlari aniqlangan. Shuningdek "Kollej o'quvchilarida kompetensiyaviy yondashuv asosida kasbiy madaniyatni rivojlantirish" maxsus o'quv kursi va uning dasturi ishlab chiqilgan [5].

Tibbiyot yo'nalishdagi professional ta'lim muassasalarida o'quvchilarni tibbiy faoliyatga tayyorlashning nazariy, konseptual va texnologik asoslari muayyan daraja o'rganilgan bo'lsa-da, tibbiyot texnikumlari va kollejlarda bo'lajak hamshiralarni tayyorlashda ularning kasbiy madaniyatini shakllantirish masalasi maxsus o'rganilmagan.

NATIJALAR

Kasb-hunarlar orasida o'rta tibbiy xodimlar, xususan hamshiralik kasbi eng nozigi hisoblanadi. Chunki ular bevosita inson salomatligi va taqdir ustida ishlaydilar. Binobarin, bu ikki tomon madaniyati yoki nutq odobi bir-biriga chambarchas bog'langanligini ko'ramiz. Biz ko'zda tutgan kasbiy madaniyat nutq-muomala, ma'rifat, ma'naviyat bilan va albatta, tibbiy bilimlar bilan ham bog'liqdir. Shu ma'noda, yuqorida keltirilgan fikrlar tibbiyot xodimlarining kasbga munosabati, axloq-odobi, shuningdek shifokor va bemorlar orasidagi turli munosabatlarni namoyon yetuvchi muhim tushunchalardir.

Yetuk kasbiy madaniyatga ega bo'lgan insongina halollik poklik, iymon, insof, vijdon kabi umuminsoniy qadriyatlarni chuqur egallay olishi mumkin, toki bu qadriyatlar sharqona oqillikka asoslanib shakllanayotgan mustahkam ma'naviy poydevor bo'lib hizmat qiladi. Shuningdek, bo'lajak hamshiralarning kasbiy madaniyatini takomillashtirishga umuminsoniy va milliy qadriyatlarga qiziqish, buyuk ajdodlarga munosib bo'lishga intilish, har bir fuqaroning salomatligini saqlashda o'z o'rni va rolini anglashga intilish hissini shakllanganligi sezilarli ta'sir etadi. Zamonaviy ta'limda bo'lajak hamshiralarni tayyorlashda nafaqat insoniyatning kasbiy sohada erishgan yutuqlari, bu yutuqlardan hayotda qanday foydalanish, professional

malakalarini oshirish, ularda kompetentlikni, umuminsoniy madaniyatni ham takomillashtirish ta'lim tizimi oldida turgan asosiy vazifalardan biridir.

Bo'lajak hamshiralarni kasbiy madaniyati keng qamrovli tushuncha bo'lib, xodim va bemor o'rtasidagi o'zaro munosabatlarga daxldor qadriyatlar, me'yorlar va fe'l-atvor andozalarini o'z ichiga oladi.

Shuning uchun, bo'lajak hamshiralarni tarbiyalashda umumbashariy qadriyatlarga asoslangan o'zbek xalqi milliy qadriyatlari, an'analari, Markaziy Osiyo mutafakkirlari qarashlariga asoslanmoq kerak. Islom dinining asosi bo'lgan Qur'oni karim va Hadisi sharif, Abu Nasr Farobiy, Beruniy, Ibn Sino, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur, Yusuf Xos Xojib, Amir Temur, Abdulla Avloniy va Sharq mutafakkirlarining asarlarida olg'a surilgan g'oyalarni insonparvarlik halolliq pokliq millatni sevish, mehnatsevarlik hurfikrlilik kabi g'oyalarni singdirish lozim.

MUHOKAMA

Kasbiy madaniyat - tushunchasida kasbiy bilimlar va fikrlar uslubi bilan faol ishlab-chiqarish, kasbiy faoliyat o'rtasidagi aloqadorlik omillari namoyon bo'ladi. Kasbiy madaniyat mazmunida madaniyat va kasbning o'zaro ta'siri xususiyatlari mavjud bo'lib, tarkibiga kasbiy ong, kasbiy faoliyat, kasbiy munosabatlar kiradi.

Kasbiy madaniyat biror faoliyat sohasini kasb qilib olgan va odatda unga maxsus tayyorgarlikdan o'tgan kishilar tomonidan yaratiladi.

Bo'lajak hamshiralarning kasbiy madaniyati deganda uning kasbiy faoliyat doirasidagi, uning shaxsiy sifat tavsifining mohiyati - tizimli ta'limdan iborat deb qarashimiz mumkin. Bo'lajak hamshiralarning kasbiy madaniyati tashkil topgan ko'rsatgichlar darajasi va asosiy tizimli komponentlariga quyidagilarni aytishimiz mumkin:

- intellektual rivojlanish darajasi (eng avvalo, tafakkurning rivojlanishi);
- kasbiy faoliyatning har tomonlama tashkil topishi va darajasi;
- asosiy kasbiy etika, ma'naviy karakter va o'dob madaniyati;
- o'zaro munosabat madaniyati;
- so'zlashuv madaniyati;
- tashqi ko'rinish madaniyati.

Ma'lumki, hamma kasblar uchun bir xilda kerak bo'lgan o'dob-axloq qoidalari yoki madaniyati mavjud. Shuningdek har bir kasbga xos madaniyat (kasb madaniyati) ham bor. Masalan, tibbiyot kollejarida ta'lim beruvchi o'qituvchining kasbiy madaniyati ham o'ziga xos xususiyatlarga ham ega.

XULOSA

Shunday qilib, bo'lajak hamshiralarning kasbiy madaniyati uch bosqichda rivojlanadi:

Birinchi bosqich – kasbiy faoliyat bilim, ko'nikma va malakalarini kompetentlik darajasida egallash, kasbiy va umumiy kompetentlikni egallash bosqichi (o'quv rejadagi barcha fanlar bo'yicha shakllanadi).

Ikkinchi bosqich – kasbiy faoliyatda o'z-o'zini rivojlantirish, shuningdeq kasbiy faoliyatda bilim, ko'nikma va malakalarni qo'llash (o'quv va dimlom oldi amaliyotlarida shakllanadi).

Uchinchi bosqich - kasbiy faoliyat va kasbiy rivojlanish qadriyat darajasida qaraladi ya'ni, kasbiy faoliyatni juda yaxshi amalga oshirish, kasbiy mahorat darajasi (bevosita kasbiy faoliyatda shakllanadi).

Kasbiy madaniyatni yaxlit akmeologik hodisa va konsultativ ta'sir sifatida tahlil qilganda qadriyatli yo'naltirilgan jihat dolzarb hisoblanadi. Insonning hamma faoliyati o'zining jarayoni, natijasi bilan qadri, u atrofdagilarning yaxshi munosabatlari, jamiyatda o'z o'rnini belgilashiga imkon beradi.

REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 5-maydagi «Sog'liqni saqlash tizimida olib borilayotgan islohotlarni izchil davom ettirish va tibbiyot xodimlarining salohiyatini oshirish uchun zarur shart-sharoitlar yaratish to'g'risida»gi PF-6221-sonli Farmoni Farmoni. qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi (www.lex.uz).
2. Akbarov N. Texnika oliy o'quv yurti talabalarida kasbiy madaniyatni shakllantirishning pedagogik asoslari: Avtoref. ped.fan.dok. ... dis. – T.: TDPU, 2008. – 45 b.
3. Musurmonova O. Yuqori sinf o'quvchilari ma'naviy madaniyatini rivojlantirishning pedagogik asoslari: Dis. ped. fan. dok. - Toshkent, 1993. – 364 b.
4. Ishonov Q.L. Pedagogika kollejarida bo'lajak o'qituvchilarning kasbiy madaniyatini shakllantirish texnologiyasi. – T.: Avtoref. Diss. ped.fan.nom. – 45 b.
5. Imomov M.P. Professional ta'lim muassasalari o'quvchilarining kasbiy madaniyatini kompetensiyaviy yondashuv asosida rivojlantirish metodikasini takomillashtirish. Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi. – Toshkent., 2021. - 152 b.
6. Ernazarova G.O. Kasb-hunar kollejarida o'quvchilarni akmeologik yondashuv asosida kasbiy faoliyatga tayyorlashni takomillashtirish. Pedagogika fanlari bo'yicha doktorlik (DSc) dissertatsiyasi avtoreferati. 2017 -Toshkent. - 68 b.



SOYANING MAHALLIY SOCHILMAS VA NAFIS NAVLARINING MORFOLOGIK VA QIMMATLI-XO'JALIK BELGILARI

H. X. Matniyazova

O'zR FA Genetika va o'simliklar eksperimental biologiyasi instituti,
Chirchik davlat pedagogika universiteti
matniyazova@mail.ru

D. Z. Sobirova

Toshkent davlat agrar universiteti
yumusobek@gmail.com

D. N. Karshibayeva

O'zR FA Genetika va o'simliklar eksperimental biologiyasi instituti,
Chirchik davlat pedagogika universiteti
dono.karshibayeva.99@bk.ru

O'. X. Yuldashov

O'zR FA Genetika va o'simliklar eksperimental biologiyasi instituti
utkirbekyuldashov_1991@mail.ru

G. Dj. Mavlonova

Chirchik davlat pedagogika universiteti
gulnozamavlyanova21@gmail.com

M. M. Salohiddinova

Genetika va o'simliklar eksperimental biologiyasi instituti
Marifatsalohiddinova91@gmail.com

S. M. Nabiyev

O'zR FA Genetika va o'simliklar eksperimental biologiyasi instituti
m.saydigani@mail.ru

ANNOTASIYA

Morfobiologik belgilar soya ekini uchun muhim ahamiyatga ega ekanligi bois, tadqiqotlarimizda soyaning mahalliy Nafis va Sochilmas navlarining g'unchalash va gullash davrida o'simlik bosh poyasining balandligi, bitta o'simlikdagi barglar soni va bosh poyadagi bo'g'inlar soni belgilari o'rganildi. Olingan natijalarga ko'ra, Nafis navi

Sochilmas naviga nisbatan g'unchalash va gullash davrlarida o'rganilgan morfologik belgilariga ko'ra yuqori ko'rsatkichlarni qayd qildi.

Qimmatli-xo'jalik belgilari bo'yicha olingan natijalarga ko'ra Nafis navi Sochilmas naviga nisbatan ham ustunlik qildishi aniqlandi.

Kalit so'zlar: o'simlik, soya, nav, belgi, hosildorlik, morfologik, don, dukkak

KIRISH

Soyaning turli mamlakatlarda keng maydonlarda yetishtirilishining asosiy sababi, uning doni va yashil massasi to'yimli bo'lib, oziq-ovqat, yem-xashak, texnik va tibbiyot soxalarida ishlatilishi mumkin. Soyaning naviga va yetishtirish sharoitiga bog'liq holda, uning donida 30-55% oqsil va 17-26 % yog' mavjud. Soyaning donida 20-25% uglevodlar, 4-5 % ko'plab elementlar (jumladan Sa, R, K, Na, I, Mo va boshqalar) xamda vitaminlar (Ye, V1, V2, V6) uchraydi. Soyadan mingdan ortiq maxsulotlar olinadi. Ozuqa oqsili, moy, kunjara, omuxta yem ishlab chiqarishda soya asosiy ekinlardan biri xisoblanadi [9], [5], [17].

Soya juda kadimgi ekin turi bo'lib hisoblanadi. Soyaning shakl va turlarining xilma-xilligini olimlar o'rganishib, bu turlar asosan 3 ta markazda shakllanganligini qayd etganlar. Ular: Janubiy- Sharqiy Osiyo, Avstraliya va Sharkiy Afrika. Aksariyat olimlarning fikriga ko'ra, soyaning vatani Osiyoning janubiy-sharkiy rayonlari hisoblanadi. Sharq mamlakatlarida soya qadimdan oziq-ovqat ekini sifatida ekib kelingan [11], [18], [13].

Soya dunyo dehqonchiligida muhim o'rinni egallagan moyli hamda don-dukakli ekindir. Soya ekinining yer yuzida ko'p tarqalishi donining va oqsilining sifatligi bilan bog'liqdir. Doni tarkibidagi oqsil, moy va boshqa muhim organik moddalar hamda turli makro va mikroelementlarning miqdori va nisbati uni har xil tarmoqlarda qo'llashga imkon beradi. Soya donidan moy, margarin, pishloq, sut, un, qandolat mahsulotlari, konservalar ishlab chiqariladi. Yer yuzida ishlab chiqarilayotgan o'simlik moyining 40 % ini soya moyi tashkil etadi [1], [12].

Soya (*Glycine max Merr.*) - tropik, subtropik va mo'tadil iqlim sharoitida yetishtiriladigan eng muhim dukkakli ekinlardan biridir [2]. Soya urug'i tarkibida 18-24% yog', 36-40% oqsil, 26-34% uglevodlar va 5-8% minerallar mavjud [2]. Shu sababli, u butun dunyoda inson va hayvonlarning oziqlanishi uchun iste'mol qilinadigan o'simlik yog'i va yuqori sifatli o'simlik oqsilining muhim manbai hisoblanadi.

2015 yilda dunyoda umumiy yog'li urug'larni ishlab chiqarishdagi soya urug'ining ulushi 60% ni tashkil etdi [6]. Soya dukkakli ekin sifatida atmosferadagi azotni biriktirib, tuproq



unumdorligini yaxshilaydi [2]. Soya o'simligining o'sishi va rivojlanishiga harorat va yorug'lik davri kabi ekologik omillar ta'sir ko'rsatadi.

Soya donida oqsil (30-50%), barcha almashinmaydigan aminokislotalar, yog' (18-25%, xolesterol saqlamaydi), uglevodlar (10-25%), vitaminlar (karotin, tiamin (B1), riboflavin (B2), C, D1, D3, E, K, piridoksin (B6), niatsin (PP), panpotenat kislota (B3), xolin, biotin, folin) hamda har - xil mikro va makroelementlar saqlaydi. Soya o'zining turli - tuman va boy kimyoviy tarkibi tufayli oziq-ovqat, yem-xashak texnik ekin sifatida keng foydalaniladi [14].

Soya donida uglevodlar ham bo'lib, 9-12 % erigan qandlar, 3-9 % kraxmal, 3-6 % kletchatkadan iborat bo'ladi [3].

So'nggi yillarda inson uchun muhim bo'lgan qo'shimcha ozuqa oqsillari va boshqa fiziologik ozuqa manbalari orasida eng ahamiyatli bo'lgan soya doni va uning qayta ishlangan mahsulotlariga tadqiqotchilarning e'tibori ortib bormoqda. Soya doni va undan olingan mahsulotlaridan ko'plab mamlakatlarda, jumladan, AQSh, Kanada, Yevropa Ittifoqining ayrim davlatlari, Yaponiya, Xitoy, Koreya va boshqalarda oziq - ovqat maqsadlari uchun foydalanilmoqda. Ushbu mamlakatlarda soya mahsulotlari nafaqat an'anaviy, balki davolash hamda profilaktika maqsadlarida ham qo'llaniladi [3].

Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti xujjatlarida ta'kidlanganidek, soya oqsillari deyarli hayvonlar oqsilidan kam bo'lmagan noyob aminokislota tarkibiga ega [15], [16].

Soya tarkibida nafaqat almashinmaydigan aminokislotalar, balki, 13-24 % moy, 25 % uglevod, 4,5-5,5 % klechatka, 7 % mineral moddalar (shu jumladan, kalsiy, fosfor, natriy, yod, molibden, nikel), 2 % fosfotidlar hamda vitaminlardan E, B1, B2, B6, pantotenat kislota, niatsin, xolin, folik kislota, biotin kabilar ham mavjuddir [10]

MATERIAL VA USLUBLAR

Tadqiqot ob'ekti sifatida soya o'simligining mahalliy Sochilmas va Nafis navlaridan foydalanildi. Tajribalar 2021-2023 yillarda Genetika va o'simliklar eksperimental biologiyasi institutining Do'rmon tajriba bazasida joylashgan lizimetrlarda olib borildi.

Tadqiqotlarimizda soya o'simliklarida qimmatli - xo'jalik belgilari umumiy qabul qilingan [4] usullarda aniqlandi: Bunda 3 qaytarishda rendomizatsiya usulida ekilgan har bir nav o'simliklaridan 30 tadan olinib, ularda bitta o'simlikdagi don og'irligi, bitta o'simlikdagi dukkaklar soni va 1000 dona don og'irligi kabi muhim ko'rsatkichlari aniqlandi.

TADQIQOT NATIJALARI VA MUHOKAMASI

Morfobiologik belgilar soya ekini uchun muhim ahamiyatga ega ekanligi bois, tadqiqotlarimizda soyaning mahalliy Sochilmas va Nafis navlarining g'unchalash, gullash davrlarida o'simlik bosh poyasining balandligi va bitta o'simlikdagi barglar soni hamda bosh poyadagi bo'g'inlar soni belgilari o'rganildi.

Soyaning g'unchalash davrida olgan natijalarimiz tahliliga ko'ra, o'simlik bosh poyasining balandligi Nafis navida $23,6 \pm 0,8$ sm ni tashkil qilgan bo'lsa, Sochilmas navida esa $17,0 \pm 0,4$ sm ni tashqil qildi (1-jadval).

1-jadval.

Nafis va Sochilmas navlari o'simliklarining g'unchalash va gullash davridagi morfologik ko'rsatkichlari.

No		Belgilar	Nafis	Sochilmas
1	G'unchalash	Bosh poya balandligi, sm	$23,6 \pm 0,8$	$17,0 \pm 0,4$
	Gullash		$55,5 \pm 0,3$	$49,8 \pm 0,9$
2	G'unchalash	Bitta o'simlikdagi barg soni, dona	$6,7 \pm 0,3$	$5,5 \pm 0,2$
	Gullash		$11,5 \pm 0,7$	$7,7 \pm 0,2$
3	G'unchalash	Bosh poyadagi bo'g'inlar soni, dona	$8,5 \pm 0,5$	$7,4 \pm 0,3$
	Gullash		$13,1 \pm 0,2$	$10,5 \pm 0,3$

Tadqiqotlarimizda soya o'simligining g'unchalash davrida barglar soni ham o'rganildi. Ma'lumki, barglar o'simlik uchun muhim organ hisoblanib, fotosintez jarayonlarining asosiy qismi barglarda kechadi. Barg qanchalik ko'p va yuzasi qanchalik katta bo'lsa, o'simlikda fotosintez jarayoni shuncha jadal kechadi. Fotosintez jarayonining jadal kechishi natijasida o'simlik tez o'sadi va generativ organlar ko'proq rivojlanadi. G'unchalash davrida Nafis navida bitta o'simlikdagi barglar soni $6,7 \pm 0,3$ dona bo'lgan bo'lsa, Sochilmas navida $5,5 \pm 0,2$ dona ekanligi aniqlandi.

G'unchalash davrida yana bir morfologik belgi – bosh poyadagi bo'g'inlar soni ham o'rganildi. Belgi ko'rsatkichi Nafis navida $8,5 \pm 0,5$ dona ekanligi aniqlangan bo'lsa, Sochilmas navida esa $7,4 \pm 0,3$ dona ekanligi aniqlandi.

Tajribalarimizda soya navlari o'simliklari morfologik ko'rsatkichlari gullash davrida ham o'rganildi. Gullash davriga kelib soya navlari bosh poya balandligi jadal sur'atda o'sishi aniqlandi. Gullash davrida

Nafis navi bosh poya balandligi $55,5 \pm 0,3$ sm ni tashkil etgan bo'lsa, Sochilmas navida $49,8 \pm 0,9$ sm qayd qilindi. Bitta o'simlikdagi barglar soni aniqlanganda Nafis navida $11,5 \pm 0,7$ dona, Sochilmas navida $7,7 \pm 0,2$ donani tashkil etdi. Bosh poyadagi bo'g'inlar soni Nafis navida $13,1 \pm 0,2$ donani, Sochilmas navida esa $13,1 \pm 0,2$ donani tashkil etdi.

Ba'zi olimlar [8] larning ta'kidlashlaricha, soya o'simligi dukkaklarining soni tashqi muhit ta'siriga unchalik bog'liq emas. Bu olimlarning genetik tahlillari shundan dalolat beradiki, ushbu belgining fenotipik namoyon bo'lishida genotipning ulushi navning genotipik holatiga qarab 45% gachani tashkil etadi. Oziklanish maydonining kengayishi o'simlikda dukkaklar sonining oshishiga olib keladi. Ekish muddatining kechikishi yoki soyani takroriy ekin sifatida ekish o'simlikda dukkaklar sonini qisqa kun hisobiga kamaytiradi.

Izlanishlarimizda soyaning eng muhim qimmatli - xo'jalik belgilaridan bo'lgan bitta o'simlikdagi dukkaklar soni o'rganildi. Nafis navida bitta o'simlikdagi dukkaklar soni $110,2 \pm 4,3$ tani, Sochilmas navida esa $99,3 \pm 1,5$ tani qayd qildi (2-jadval). Bitta o'simlikdagi umumiy don og'irligi bo'yicha Nafis navida $56,8 \pm 4,7$ gramm, Sochilmas navida esa $49,3 \pm 2,9$ grammni tashkil qildi.

2-jadval

Nafis va Sochilmas navlari o'simliklarining qimmatli-xo'jalik belgilari ko'rsatkichlari.

№		Bitta o'simlikdagi dukkaklar soni	Bitta o'simlikdagi umumiy don og'irligi	1000 ta don og'irligi
Because gravity is vertical, $a_x = 0$. If $a_x = 0$, this means the initial velocity in the x direction is equal to the final velocity in the x direction, or $v_x = v_{0x}$. With these conditions on acceleration and velocity, we can write the kinematic (Figure) through (Figure) for motion in a uniform gravitational field, including the rest of the kinematic equations for a constant acceleration from Motion with Constant Acceleration. The kinematic equations for motion in a uniform gravitational field become kinematic equations with $a_x = -g, a_x = 0$:

Horizontal Motion

$$v_{0x} = v_x, x = x_0 + v_x t$$

Vertical Motion

$$y = y_0 + \frac{1}{2}(v_{0y} + v_y)t$$

$$v_y = v_{0y} - gt$$


$$y = y_0 + v_{0y}t - \frac{1}{2}gt^2$$

$$v_y^2 = v_{0y}^2 - 2g(y - y_0)$$

Using this set of equations, we can analyze projectile motion, keeping in mind some important points.



We analyze two-dimensional projectile motion by breaking it into two independent one-dimensional motions along the vertical and horizontal axes. (b) The horizontal motion is simple, because $a_x = 0$ and v_x is a constant. (c) The velocity in the vertical direction begins to decrease as the object rises. At its highest point, the vertical velocity is zero. As the object falls toward Earth again, the vertical velocity increases again in magnitude but points in the opposite direction to the initial vertical velocity. (d) The x and y motions are recombined to give the total velocity at any given point on the trajectory.



3 Conclusion and Discussion

3.1 Discussion

There are two distinct differences in advanced competition. One, dunks are more frequent in the NBA, and two, hook shots are less common than in European basketball. Part of the reason both can be done is that NBA players are more athletic and able to dunk a higher percentage of the time in more situations. However, the hook shot isn't just a really good shot. Difficult to block but also difficult to change (that is, it is also difficult for defenders to interfere with this type of shot), which is enough to allow the shooter to take the shot at ease. Shots have always played an important role in basketball, especially for centers, so they are relatively rare. Shots can also be partially explained by the fact that today's NBA centers are at least less skilled in this area. Observations confirm a common belief that hook shots are disappearing from the NBA. Almost nothing was gained. That said, individual races may have different base preferences for the effect of situational variables on shot selection appears to be consistent across all games. Although this is not the main purpose of the research, the situational changes during the game are a comprehensive evaluation of the players in

the entire game, and it is difficult to estimate the overall team with good variables.

3.2 Conclusion

According to the force effect theory, the basic force effect of twisting should be maintained in the rumba choreography, and the proper integration of other force effect elements will make the rumba dance more charming. If it is necessary to express tender feelings, the gravity factor is weakened, and the extension of the spine and the push of the caudal and thoracic vertebrae are transformed into "pressing" and "twisting". If it is necessary to express dramatic fluctuations or ups and downs of emotions, using the explosive power of the human body can quickly transform into "slashing" and "shocking". This change in time factors can show a strong contrast in competition. If you need to add a sense of spatial extension and variety of movements, use the extension of the spine and the tension of the legs to turn twisting into "sliding" and "floating". This change in spatial factors can increase the control of the site. Show your partner internal space and body control if required. When using the stability of the pelvis and the push and release of the thoracic spine, the twisting gradually transitions to "bounce" and "tap", making the dance partners more intimate and more rhythmic.

REFERENCES

1. Andrews, D. L. (1999). Whither the NBA, whither America? *Peace Review*, 11(4), 505–510. <https://doi.org/10.1080/10402659908426299>
2. Campbell, A., Cosstick, L., Murray, T., & Yates, D. (2014). Design and acoustic performance of a spring isolated outdoor rooftop basketball court. *INTERNOISE 2014 - 43rd International Congress on Noise Control Engineering: Improving the World Through Noise Control*, 1–9.
3. Fox, J. L., Scanlan, A. T., & Stanton, R. (2017). A Review of Player Monitoring Approaches in Basketball: Current Trends and Future Directions. *Journal of Strength and Conditioning Research*, 31(7), 2021–2029. <https://doi.org/10.1519/JSC.0000000000001964>
4. Furley, P., & Memmert, D. (2010). Differences in spatial working memory as a function of team sports expertise: The corsi block-tapping task in sport Psychological assessment. *Perceptual and Motor Skills*, 110(3), 801–808. <https://doi.org/10.2466/pms.110.3.801-808>
5. Gómez, M. Á., Lorenzo, A., Sampaio, J., Ibáñez, S. J., & Ortega, E. (2008). Game-related statistics that discriminated winning and losing teams from the Spanish Men's Professional Basketball Teams. *Collegium Antropologicum*, 32(2), 451–456.



6. Herring, M. (2002). Design Considerations and Analysis of the in-Season Strength Program for a Division II Men ' S Basketball Team. *Power*.
7. Heuzé, J. P., Raimbault, N., & Fontayne, P. (2006). Relationships between cohesion, collective efficacy and performance in professional basketball teams: An examination of mediating effects. *Journal of Sports Sciences*, 24(1), 59–68. <https://doi.org/10.1080/02640410500127736>
8. Ibáñez, S., Sampaio, J., Feu, S., Lorenzo, A., Gomez, M., & Ortega, E. (2008). Basketball game-related statistics that discriminate between teams' season-long success. *European Journal of Sport Science*, 8(6), 369–372. <https://doi.org/10.1080/17461390802261470>
9. Lorenz, S. L., & Murray, R. (2014). “Goodbye to the Gangstas”: The NBA Dress Code, Ray Emery, and the Policing of Blackness in Basketball and Hockey. *Journal of Sport and Social Issues*, 38(1), 23–50. <https://doi.org/10.1177/0193723513491750>
10. Roccatello, D., Martina, G., Coppo, R., Piccoli, G., Sena, L. M., & Cordonnier, D. (1989). Clinical Significance of an Impaired Mononuclear Phagocyte System Immune Clearance in Human Nephritis. *Nephron*, 51(3), 428–429. <https://doi.org/10.1159/000185341>
11. Stroganov, S., Serhiyenko, K., Shynkaruk, O., Byshevets, N., Denysova, L., Yukhno, Y., Stepanenko, O., & Ulan, A. (2019). Features of preventive activity at the initial stage of training of many years standing of young basketball players. *Journal of Physical Education and Sport*, 20(1), 452–455. <https://doi.org/10.7752/jpes.2020.s1066>



SHO‘RLANGAN TUPROQLARDA YETISHTIRILGAN JO‘XORINING QIMMATLI-XO‘JALIK BELGILARI TAHLILI

Islam Polatbay o‘g‘li Ayapov

Qoraqalpog‘iston qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalari instituti magistranti

Laylo Bo‘ranbek qizi Norimmatova

Qoraqalpog‘iston qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalari instituti

3-bosqich talabasi

Hurliman Karim qizi Maqsetbayeva

Qoraqalpog‘iston qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalari instituti assistenti

ANNOTATSIYA

Maqolada Jo‘xoring xalq xo‘jaligidagi ahamiyati, kelib chiqishi, tarqalishi, hosildorligi, sistematikasi, biologiyasi, navlari, yetishtirish texnologiyasi — almashlab ekishdagi urni, yerni asosiy va ekish oldi ishlovi, ekish muddati, usuli, meyori, texnikasi, parvarishlash va hosilni yigib olish muddatlari hamda qimmatli-xo‘jalik belgilari o‘rganilgan.

Kalit so‘zlar: Jo‘xori, tuproq, unumdorlik, azot, qandli, organik va mineral o‘g‘itlar.

ABSTRACT

In the article, the importance of corn in the national economy, its origin, distribution, yield, systematics, biology, varieties, cultivation technology - the place in crop rotation, the main and pre-planting treatment of the land, the planting period, method, rate, technique, maintenance and harvesting periods, as well as valuable - economic signs are studied.

Keywords: corn, soil, fertility, nitrogen, sugarcane, organic and mineral fertilizers.

KIRISH

Jo‘xori Sorgum avlodiga mansub o‘simlik. Bu avlodga donli, qandli va o‘tsimon 50 dan ortiq turlari kiradi. O‘zbekistonda Jo‘xoring har xil turlari ekiladi. Jo‘xori o‘simligi ekvatorial Afrikadan kelib chiqqan bo‘lib, u Misrda, Sharqiy va Janubiy Osiyoda, Manchjuriyada, Xitoyda, Xindistonda qadimdan beri ekilib kelinadi. O‘zbekistonda Jo‘xori



suv bilan kam ta'minlangan va qisman lalmi yerlarda, Qoraqalpog'iston, Xorazm, Buxoro, Samarqand va boshqa viloyatlarda ekiladi. Gektaridan 3-6 t. don va 60-70 t. ko'kat olinadi.

Ekiladigan navlari 3 guruhga bo'linadi — donli, qandli va supurgibop. Shuningdek, Jo'xorini o'tsimon turlari ham bor. Donli Jo'xori o'rtacha 2-3 m bo'ladi. Kam tuplanadi, kam shoxlanadi, ruvagi yuqoriga va pastga qarab o'sadi. Don olish uchun ekiladi, doni oziq-ovqatda, yem sifatida qo'llaniladi, poyasi chorvada ishlatiladi.

Shirin Jo'xori baland buyli bo'ladi (4-7m), yaxshi tuplanadi ham shoxlanadi poya tarkibida 10-14% qand bo'ladi, ko'kati yaxshi siloslanadi, 2-3 marta ko'kat hosil beradi.

Supurgibop Jo'xori past buyli (1-1,5m) ruvagi uzun bo'ladi (40-90sm), poyasining o'zagi quruq bo'lishi bilan farqlanadi. Ruvaging asosiy o'zagi rivojlanganligi tufayli egiluvchan bo'ladi va undan supurgi boylanadi.

Jo'xori maysa hosil qilgandan so'ng boshlangich o'sish davrida juda sekin o'sadi va begona o'tlar ko'payib ketadi. Sekin o'sish davri 30-40 kun davom etishi mumkin, shuning uchun Jo'xori begona o'tlardan toza bo'lgan yerlarni xoxlaydi. Unga o'tmishdosh ekin sifatida kuzgi donli o'simliklar va don dukkakli o'simliklar hisoblanadi. Lekin Jo'xorini har qanday ekindan bo'shagan yerga ekish mumkin. Takroriy ekin sifatida kuzgi donli ekinlardan keyin ekiladi. Jo'xori ekiladigan yerlarga organik va mineral o'g'itlar beriladi. Yerni kuzda shudgorlash oldidan uning har gektariga 15-20 tonnadan chirigan go'ng solinadi. Tuproqni unumdorligiga qarab har gektar oqJo'xori ekiniga yil davomida 120-150 kg azot, 100-120 kg fosfor va 50-60 kg kaliy o'g'itlar beriladi. Kuzda 50-60 kg\ga hisobida fosfor shudgorlash oldidan yerga solinadi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Jo'xori muhim don ekini bo'lib oziq-ovqat, yem-xashak, texnik va agrotexnik ahamiyatiga ega. Donidan un tayyorlanadi, kleykovina tarkibida kam bo'ladi, shuning uchun Jo'xori uniga 30-50 % bug'doy uni qo'shib non yopiladi. Yem sifatida doni, ko'kati silos tayyorlash uchun ishlatiladi. Jo'xori qayta o'sib yangi poyalar hosil qilish xo'so'siyatiga ega, shuning uchun undan 2-3 marta ko'kat hosilini olish mumkin. Jo'xorining donidan spirt, kraxmal olinadi. Qandli navlarining poyasidan shinni (qiyom), supurgisimon navlaridan esa xo'jalik supurgisi tayyorlanadi. Jo'xorining ko'k massasi mollarga beriladi yoki silos bostiriladi. Jo'xori poyasi dag'allashguncha o'rilsa yaxshi pichan bo'ladi. Jo'xorining 100 kg doni 119, ko'k massasi 23,5,



silosi 22 va pichani 49,2 oziq birligiga teng. Doni tarkibida 15% proteyn bo'lib, lizinga boy. Jo'xori qurg'oqchilikka, sho'rga chidamli ekin [1].

Jo'xorining ildiz sistemasi popuk ildiz bo'lib tuproqqa qariyb 2 metr chuqur kirib va atrofiga 60-90 sm gacha tarq aladi. Poyasining 2-2,5 m. Tropik mamlakatlarda 6,7 m gacha yetadi, ichi yumshoq parenxema bilan to'lgan, ko'pincha sershox bo'ladi. Barglari enli, tuksimon g'ubor bilan qoplangan. Har tup o'simlikda 10-25 ta va undan ko'p barg bo'ladi [2].

Tadqiqotlar olib borilgan maydonning tuprog'i tarkibidagi gumus miqdori I.V.Tyurin, umumiy azot va fosfor I.M.Malseva va L.I.Gritsenko uslubida, harakatchan fosfor B.P.Machigin va almashinuvchan kaliy P.V.Protasov uslubida aniqlandi.

NATIJAR VA MUHOKAMA

Izlanishlar davomida olingan natijalarning ma'lumotlariga ko'ra, fenologik kuzatuvlarning tahlilida, Jo'xorining tup guli ruvak, ruvagi har qaysi shoxchani uchida ikkitadan boshqacha joylashganligi, boshqalarining hammasi bir gulli, hosil tugadigan boshqachaning guli ikki jinsli, hosilsiz boshqachalariniki erkak gul va Jo'xori asosan (70%) chetdan changlanadigan o'simlik ekanligi kuzatildi. O'simliklardan tanlab olingan namunalarda Jo'xori o'simligining qimmatli-xo'jalik belgilari o'rganilganda, doni po'stli va po'stsiz, yumaloq tuksimon, oqjigar rang, sariq, ko'ng'ir to'sda bo'lib, 1000 donasining vazni 25-45 kg, har kaysi ruvagida 1600 dan 3500 tagacha don bo'lganligi aniqlandi.

Namunalarning don sifati aniqlandi, ma'lumot sifatida Jo'xorining endosperma qo'ng'ir yoki qizg'ish bo'lgan doni tarkibida tanin gruppasiga kiradigan oshlovchi moddalar mavjud bo'lib, ushbu moddalarning bo'lishi uni oziqliq jihatidan kamchiligi bo'lsa, lekin spirt va maltoza ishlab chiqarish sanoatlari uchun muhim rol uynaydi. Jo'xori issiqsevar o'simlik, uning urug'i tuproq harorati 10-12°S yetganda unib chiqadi. Qulay sharoitda 6-7 kunda maysa beradi. 25-30 kundan keyin to'planadi, 55-60 kundan keyin ruvaklanadi, 5-7 kundan keyin gullaydi. O'suv davri naviga qarab 90-145 kun, sovuqqa chidamsiz. Jo'xori yorug'sevar qisqa kun o'simlik bo'lib, maysasi 1°S sovuqda nobud bo'ladi, qurg'oqchilikka chidamli. Transpiratsiya koeffitsiyenti 200 atrofida, lekin sug'orish natijasida hosili ortadi.

Jo'xori o'simligidan sho'rlangan tuproqlarda mo'l hosil va sifatli don yetishtirish uchun o'suv davrida ikki marta oziqlantirilish, birinchi marta ekinlar yagana qilingandan so'ng, har gektar yerga 60-70 kg azot, 30-40 kg fosfor va 20-30 kg kaliy, ikkinchi martada o'simliklarda o'rtacha 8-10 ta barg paydo bo'lganda 60-70 kg azot, 30-40 kg

kaliy berilishi tavsiya etiladi.

XULOSA

Jo‘xori qanday maqsadlarda foydalanish uchun ekilganligiga qarab azot va fosfor miqdorini ko‘paytirish yoki kamaytirish mumkin. Jo‘xori don uchun ekilgan bo‘lsa, fosfor o‘g‘iti miqdorini ko‘paytirib, azot o‘g‘iti miqdorini kamaytirish, aksincha Jo‘xori ko‘k poya uchun ekilgan bo‘lsa, azot miqdorini ko‘paytirish mumkin.

Jo‘xori ekish uchun yer kuzda 27-30 sm chukurlikda chimqirqarli yoki ikki yarusli plug yordamida shudgor qilinadi, ekishdan oldin ham borona va so‘ngra mola bosiladi. Tuproqqa talabchan emas, sho‘rga chidamli, mexanik tarkibi yengil bo‘lgan tuproqlarda yaxshi o‘sadi.

REFERENCES

1. X.Atabayeva, Z.Umarov, X.Buriyev va bosh.-O‘simlikshunoslik-T.Mehnat, 2000
2. Технологическая производства продукции растениеводства. М., ВО Агрпромиздат,1989 г.



BAHORGİ BUG‘DOY NAVLARINI OROLBO‘YI HUDUDIDA YETISHTIRISH

Jahangir Qonisbay o‘g‘li Jandullayev

Qoraqalpog‘iston qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalari instituti magistranti

Gulayim Kabul qizi Qao‘yenderova

Qoraqalpog‘iston qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalari instituti magistranti

Aygul Niyetulla qizi Amanbayeva

Qoraqalpog‘iston qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalari instituti assistenti

ANNOTATSIYA

Bug‘doyning duvarak navlari bahorgi bug‘doy sifatida bitta xil tuproq iqlim sharoitlarida urganilganda vegetatsiya davri, o‘simlik bo‘yi, boshodagi don soni kabi ko‘rsatkichlarning ortib borishi, ma‘lum bitta darajagacha navlar bitta xilligi ko‘payadi va so‘ng yana kamayib borishi keltirilgan.

Kalit suzlar: bug‘doy, don, hosildorlik, kleykovina, oqsil, nav.

ABSTRACT

When winter varieties of wheat are studied under the same soil and climatic conditions as spring wheat, indicators such as vegetation period, plant height, number of grains in the spike increase, the uniformity of the varieties increases up to a certain level and then decreases again.

Keywords: wheat, grain, productivity, gluten, protein, variety.

KIRISH

Yer yuzida oxirgi yillarda global iqlim o‘zgarishi suv tanqisligini keltirib chiqarmoqda. Aholi oziq-ovqat xavfsizligini ta‘minlash bunday holatlarda yuqori kaloriyaga ega bo‘lgan va qurg‘oqchilikka chidamli bo‘lgan ekin turlarini kengaytirishni talab etadi. Bug‘doy – oziq-ovqat xavfsizligini ta‘minlovchi eng muhim va asosiy ekin turi hisoblanadi. Keyingi yillarda Orolbo‘yi hududida yetishtirilayotgan kuzgi bug‘doy navlari ob-havoning yildan-yilga issiq kelishi natijasida hosildorligining pasayib ketishiga olib kelmoqda. Bunday iqlim o‘zgarishi abiotik va biotik stresslarga chidamli, yuqori hosilli va don sifatiga ega bo‘lgan bug‘doy navlarini yaratish hamda joriy etish zarurligini taqozo etmoqda.

G‘alla ekinlari ekin maydonini kengaytirib borish hisobiga



mahsulot miqdorini oshirish asosan tugallanib bo'ldi. Hozirgi kunning asosiy maqsadi va talabi ekin maydonini kengaytirmasdan har bir gektar yerdan olinadigan hosildorlikni oshirish hisobiga amalga oshirilishi ko'zda tutilgan. Ammo Respublikamiz sug'oriladigan maydonlarining qariyb 50%, ya'ni 4,3 mln gektardan 2.166 mln ga maydon turli darajada sho'rlangan, shundan 1.348 mln ga kuchsiz, 646.7 ming ga o'rtacha, 141 ming ga kuchli darajada sho'rlangan. Yerlarning sho'rlanishi, sizot suvlarining ko'tarilishi qishloq xo'jalik ekinlari hosiliga turli hil, jumladan, bug'doy ekini uchun salbiy ta'sir ko'rsatadi. Oldimizda turgan masalalardan biri yumshoq bug'doyning sho'rga chidamli yangi navlarni topish va birlamchi urug'chiligini tashkil qilishdan iborat.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Hozirgi kunda jahon bozorida sifatli don va nonboplik xususiyatlariga ega bo'lgan bug'doy doniga bo'lgan talab yanada ortib borayotganligi sababli asosiy g'alla yetishtiruvchi AQSH, Avstraliya, Kanada, Rossiya, Qozog'iston va Yevropa mamlakatlarida seleksiya ishlari yanada jadal olib borilmoqda. Orolbo'yi mintaqasida ham don sifati yuqori bug'doy navlarini joriy etish va yangi navlarini yaratishda seleksiya dasturlari orqali don sifatini yanada oshirish imkoniyati mavjud. Shu maqsadda loyiha tadqiqotlarini amalga oshirish uchun tarkibida yuqori oqsil miqdori va kleykovina saqlovchi navlar jalb etilib, don sifatining asosiy ko'rsatkichlari don hajmi, yirikligi, donni tekisligi, shishasimonligi, rangi, un chiqimi, oqsilning va kleykovinaning sifati va miqdori hamda xamir va non sifati kabi eng muhim belgilar baholanadi [1].

Adabiyotlardan ma'lumki, o'simliklar bo'yining 60 sm dan past bo'lishi hosildorlikka salbiy ta'sir ko'rsatadi. Ayniqsa bahorgi bug'doy navlari uchun tez o'sish qobiliyatiga ega bo'lish va 75-80 sm oralig'ida bo'lishi o'ta muhimdir [2].

Hozirgi paytda bug'doy seleksiyasida asosiy e'tibor har bir mintaqa uchun alohida xususiyatga va tashqi muhit sharoitlariga tez moslashadigan, har qanday sharoitda ham hosildorligini pasaytirmaydigan navlar yaratilishiga qaratilgan [3].

Tadqiqot obyekti sifatida yumshoq bug'doyning E'zoz, Oq Marvarid hamda Paxlavon navlari tanlab olindi. Tajribalarni joylashtirish va ekish ishlari 24 mart sanasida, har bir navlar alohida 10 m² maydon hisobida ekildi. O'suv davrining davomiyligiga qarab seleksion materiallar (nav va namunalari) 3 guruhga bo'linadi: tezpishar, o'rtapishar va kechpishar. Bularning ishlab chiqarishda bu belgining ham ahamiyati katta bo'lib, ekinning turi, ekiladigan joyning imkoniyati, xususiyati va ekinning maqsadiga qarab ertapishar, o'rtapishar yoki kechpishar navlar ekilishi mumkin.



NATIJALAR VA MUHOKAMA

Orolbo‘yi mintaqasida yetishtirilayotgan bug‘doy navlari asosan biologik kuzgi intensiv tipga ega bo‘lgan yuqori hosilli navlar bo‘lishiga qaramay ularning biologik kelib chiqishi va respublikaning iqlim sharoitiga to‘liq moslasha olmaganligi sababli ularning nonboplik va don sifat ko‘rsatkichlari bo‘yicha kuchli bug‘doy talabiga javob bermaydi. Shuning uchun aholi Qozog‘iston Respublikasi va Rossiya federatsiyacidan import qilingan bug‘doy iste‘mol qiladi. Chunki, bu davlatlarda asosan bahorgi bug‘doy yetishtiriladi. Demak, aholining oziq-ovqatga bo‘lgan talabini qondirishda hosildorligi, nonbopligi, oqsil va kleykovina miqdori yuqoriligini ta‘minlash uchun biopreparatlardan foydalanish maqsadga muvofiq.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, tadqiqotlar Orolbo‘yi hududi hisoblangan Qoraqalpog‘iston Respublikasi Mo‘ynoq tumanida olib borildi. Tadqiqotlarimizni olib borishimizdan asosiy maqsad, yumshoq bug‘doyning duvarak navlarini bahorgi ekin sifatida Orolbo‘yi hududi tuproq iqlim sharoitida yetishtirish hamda bahorgi bug‘doy navlarining hosildorligini oshirish. Bahorgi bug‘doy navlarining Orolbo‘yi hududi tuproq-iqlim sharoitiga va ob-havoning global isishiga boshqa amaliyotdagi navlarga nisbatan chidamli bo‘lishi, hosildorligi gektariga 25-30 s bo‘lishi kerak. Agrometeorologiya ilmi bo‘yicha aytadigan bo‘lsak, dehqonchilik qilishda 5.10.15.20 gradus temperatura bahorda judayam ahamiyatli. Orolbo‘yi hududida bo‘g‘doy o‘simligi don to‘plash vaqtida effektiv temperatura yig‘indisi 320- 370 gradusni tashkil etadi.

Bahorgi bug‘doy navlari uchun ekinlarning tezpishar navlarini yaratish seleksiyaning asosiy vazifalaridan biridir. Tajribadagi navlarning vegetatsiya davri tahlil qilinganda, Oqmarvarid va Paxlavon navlari 81 kunda pishib yetilgan bo‘lsa, E‘zoz navi 83 kunda to‘liq pishib yetilgani aniqlandi. Bahorgi yumshoq bug‘doy namunalarida boshhoqdagi don soniga may oyining ikkinchi va uchinchi dekadasidagi haroratning keskin ko‘tarilishi juda katta salbiy ta‘sir ko‘rsatadi. Chunki, yuqori harorat natijasida boshhoqchalarda don hosil bo‘lmaydi yoki rivojlanishdan orqada qolib ketadi. Shuning uchun ham bahorgi yumshoq bug‘doy namunalarining boshhoqdagi don soniga seleksiya jarayonlarida katta e‘tibor beriladi. Tajribadagi navlarning bitta boshhoqda don shakllanishi eng ko‘p E‘zoz navida 41 dona, Paxlavon navida 39 donani tashkil qilgan bo‘lsa, eng kam natijani Oqmarvarid navida 37 dona don shakllanganligi aniqlandi.

Tajribada ekib o‘rganilgan navlarning o‘simlik bo‘yi orasidagi farq yaqqol kuzatilib, o‘simlik bo‘yi 89,3 sm dan 96,4 sm gachani tashkil qildi. Tadqiqotlarda o‘rganilgan bahorgi yumshoq bug‘doy namunalarining hosildorligi o‘rganilganda, E‘zoz navida 27,6

s/ga, Paxlavon navida 25,4 s/ga ni tashkil qilgan bo'lsa, Oqmarvarid navida 22,4 s/ga hosildorlikni qayd qilganlingi aniqlandi.

O'rganilgan bahorgi yumshoq bug'doy navlarining vegetatsiya davrida, ayniqsa tuplash bilan sutlash fazalarida namliq miqdori kam, shuningdek, ob-havoning ko'p yillik o'rtacha ko'rsatkichdan yuqori isishi, bizning tajribalarimizga teskari ta'sirlari ko'rsatdi.

XULOSA

Xulosa o'rnida aytish joizki, turli ekotiplarga mansub ko'plab bahorgi bug'doy navlarini bir xil tuproq iqlim sharoitlarida o'rganilganda vegetatsiya davri, o'simlik bo'yi, boshqadagi don soni kabi ko'rsatkichlarning ortib borishi, ma'lum bir darajagacha navlar bir xilligi ko'payib boradi va keyin yana kamayib boradi. Hosildorlik ko'rsatkichlari bo'yicha esa, hosildorlikning ma'lum bir darajada ortib borishi bilan shu hududga moslashgan navlar soni kamayib borishi isbotlandi.

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlarga asoslanib, Orolbo'yi hududi tuproq-iqlim sharoitlariga mos, donida oqsil va kleykovina miqdori hamda hosildorligi yuqori bo'lgan mahalliy bahorgi bug'doy navlarini joriy etish, urug'chiligini yo'lga qo'yish hamda ekin maydonlarini kengaytirish muhim ahamiyatga ega.

REFERENCES

1. Fayzullaevich Z.Z., Mukhtorovich A.A., Ugli F.A.Z., Bobomurodovna, V. M., Okbutaevich, U. G., & Zokhidjonovich, Z. E. // Breeding for early maturity and heat-tolerant spring bread wheat. *Plant Cell Biotechnology and Molecular Biology*, 2021. p -25-34.
2. Tadesse, W., Manes, Y., Singh, R. P., Payne, T., & Braun, H. J. // Adaptation and performance of CIMMYT spring wheat genotypes targeted to high rainfall areas of the world. *Crop science*, 50(6), 2010. p- 2240-2248.
3. Sharma, R. C., Crossa, J., Velu, G., Huerta- Espino, J., Vargas, M., Payne, T. S., & Singh, R. P. // Genetic gains for grain yield in CIMMYT spring bread wheat across international environments. *Crop Science*, 52(4), 2012. p- 1522-1533.

BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA DIQQATNI JAMLASH VA PAST O'ZLASHTIRISHNI OLDINI OLISH

Ikrom Uralbayevich Tajibayev

CHDPU Fizika-matematika fanlari doktori, dotsent

Ra`no Farxod qizi Pardaboyeva

CHDPU boshlang'ich ta'lim fakulteti talabasi

Annotatsiya. Ushbu maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilarini diqqatini jamlash, past o'zlashtirishning oldini olish, hamma o'quvchilarning bilim saviyasini oshirish turlari keltirib o'tilgan.

Kalit so'zlar: metod, rivojlantirish, baholash dasturlari, korreksiyalash, o'qitish.

Аннотация. В данной статье приведены способы концентрации внимания учащихся начальных классов, предупреждения низкой обучаемости, повышения уровня знаний всех учащихся.

Ключевые слова: метод, развитие, оценочные программы, коррекция, обучение.

Abstract. In this article, there are ways to focus the attention of primary school students, prevent low learning, and increase the level of knowledge of all students.

Keywords: method, development, evaluation programs, correction, training

Hozirgi paytda dunyo miqyosida raqobat qanday keskin tus olib borayotganini hammamiz kòrib turibmiz. Bu shiddatli raqobatga faqat zamonaviy ilm-fan ,yuqori texnologiyalar va innovatsiya yutuqlarini keng joriy etish orqali munosib javob bera olamiz. Dunyodagi rivojlangan mamlakatlar òz oldiga nafaqat mahsulot ishlab chiqarishni kòpaytirish va ularni bozorga olib chiqishni , balki chuqur bilim va ilmiy yutuqlarga asoslangan innavotsion iqtisodiyotga òtish vazifasini qòymoqda.[1;224] Shu sababli ham, bu rivojlanishni yanada yuksaltirish uchun yoshlarni kichikligidan ilmga chanqoq bòlib ulg'aytirmoğimiz va Vatanni sevish ruhida tarbiyalamoğimiz joizdir. Bu òrinda eng yuksak ishni albatta boshlang'ich sinf òquvchilari katta qadamni qòygan holda boshlashadi. Respublikamizda boshlang'ich ta'lim sohasi uzluksiz ta'lim tizimining birlamchi bògini xisoblanib , u har tomonlama soğlom va ruhan yetuk bola shaxsni tayyorlashda goyat muhim ahamiyat kasb etadi. Kichik maktab yoshidagi

òquvchilarga diqqatni rivojlantirishning psixologik xususiyatlari bòyicha ta'lim tizimida olib borilayotgan ishlarga yanada ehtiyoj kòpligi aniqlandi. Kichik maktab yoshidagi òquvchilarga diqqatning taqsimlanish xususiyati qiz bolalarga kuchli rivojlanganligi ,diqqatning barqarorligi va kòchuvchanligi òg'il bolalarda qizlarga nisbatan kuchli darajada namayon bòlishi empirik tadqiqotlar asosida aniqlangan ,òquvchilarga diqqatning shakllanishi òqituvchilarga òquvchiga munosabati kabi obyektiv omilga hamda shaxsning individual psixologik xususiyatlardan biri hisoblangan temperamentiga ,òquv motivatsiyasi kabi subyektiv omillarga bo'g'liqligi korrelyatsion tahlillar asosida aniqlangan.[2.] Maktab ta'limiga tayyorlanayotgan bolaga diqqat nisbatan uzoq muddati va shartli barqaror bo'ladi. Bola diqqatining xususiyatlari rolli va syujetli o'yinlarda, rasm chizish va qurish- yashash mashg'ulotlarida, loy hamda plastilindan o'yinchoqlar tayyorlashda, matematik amallarni yeshichda, hikoya tinglash va tuzishda ko'rinadi. Bola o'z diqqatini muayyan obektga yo'naltirish, to'plash taqsimlash bo'yicha ma'lum darajada ko'nikmaga ega bo'lib o'z diqqatini boshqarish va kerakli paytda to'plashga intiladi. Boshlang'ich sinf o'quvchilari ishonuvchan tashqi taasurotlarga beriluvchan bo'ladi. Mazkur davrida o'qituvchining har bir gapi, har bir hatti harakati 198 ta'sir ko'rsatish uning uchun haqiqat me'zoni vazifasini bajaradi. Chunki o'quvchilar o'qituvchilarga qattiq ishonadilar. Uning fikr mulohazalariga quloq soladilar. Pedagogik nazokatidan jiddiy tasirlanadilar[3;]


O'quvchilarni diqqatini jamlash uchun eng kerakli metod bu -turli o'yinlardan foydalanishdir. Bu bilan hammani diqqatini uzimizga jalb qilishimiz mumkin. Metodlar orqali o'quvchilar shunchaki o'yin o'ynashmaydi, balki dars mashg'ulotlaridan turli bilimlarni o'zlariga oladilar. Bolalarni diqqatini tortishda ularni turli guruhlarda bolgan holda mavzularni debat usulda o'tkazish maqsadga muvofiqdir .Har turli metodlarni birglikda ko'rib o'tamiz.

Hozirgi kunda eng ommaviy interfaol ta'lim metodlari quyidagilar sanaladi:
1. Interfaol metodlar: "Keys-stadi" (yoki "O'quv keyslari"), "Blist-so'rov", "Modellashtirish", "Ijodiy ish", "Muammoli ta'lim" va b.

2. Interfaol ta'lim strategiyalari. "Aqliy hujum", "Bumerang", "Galereya", "Zigzag", "Zinama-zina", "Muzyorar", "Rotastiya", "Yumaloqlangan qor" va k. Interfaol ta'lim metodlari tarkibidan interfaol ta'lim strategiyalarini ajratishda guruh ishini tashkil qilishga yondashuv ma'lum ma'noda strategikyondashuvga qiyoslanishiga asoslaniladi. Aslida bu strategiyalar ham ko'proq jihatdan interfaol ta'lim metodlariga tegishli bo'lib, ularning orasida boshqa farqlar yo'q.

3. Interfaol grafik organayzerlar: “Baliq skeleti”, “BBB”, “Konsteptual jadval”, “Venn diagrammasi”, “T-jadval”, “Insert”, “Klaster”, “Nima uchun?”, “Qanday?” Interfaol grafik organayzerlarni ajratishda bunday mashg’ulotlarda asosiy fikrlar turli grafik shakllarda yozma ko’rinishda ifodalanishiga asoslaniladi. Aslida bu grafik organayzerlar bilan ishlash ham ko’proq jihatdan interfaol ta’lim metodlariga tegishli bo’lib, ularning orasida boshqa farqlar yo’q.[4;]

“Venn diagrammasi” metodi. Bu metoddan ona tili, o’qish, tarbiya, tabiiy fanlarda foydalanish mumkin. Ikkita mavzu bir-biriga qiyoslanib, tahlil qilinib, o’xshash va farqli tomonlari aniqlanadi[4]



“Zakovatli zukko” metodi. Mavjud bilimlarni puxta o’zlashtirishda o’quvchilarning fikrlash, tafakkur yuritish layoqatlariga egaliklari muhim ahamiyatga ega. “Zakovatli zukko” metodi o’quvchilarda tezkor fikrlash ko’nikmalarini shakllantirish, shuningdek, ularning tafakkur tezliklarini aniqlashga yordam beradi. Metod o’z xohishlariga ko’ra shaxsiy imkoniyatlarini sinab ko’rish istagida bo’lgan o’quvchilar uchun qulay imkoniyat yaratadi. Ular o’qituvchi tomonidan berilgan savollarga qisqa muddatlarda to’g’ri va aniq javob qaytara olishlari zarur. Savollarning murakkablik darajasiga ko’ra har bir savolga qaytarilgan to’g’ri javob uchun ballar belgilanadi. Yakuniy ballarning o’rtacha arifmetik qiymatini topish asosida tezligi aniqlanadi. Ballarning belgilanishi o’quvchilarning shaxsiy imkoniyatlari to’g’risida aniq tasavvurga ega bo’lishlarini ta’minlaydi. Metod o’quvchilar bilan yakka tartibda, guruhli va ommaviy ishlashda birdek qo’llanilishi mumkin. “Qizil va yashil belgilar” metodi. Mavzuni takrorlash yoki o’tilgan mavzuni mustahkamlash yuzasidan fikr va mulohazalar beriladi. Agar fikr va mulohaza to’g’ri bo’lsa, yashil kartochkalar ko’rsatiladi, noto’g’ri bo’lsa, qizil kartochka ko’rsatiladi[4;]



Boladan bosma matndagi ma'lum harflarni topib, kesib tashlash so'raladi. Bu bolaning "diqqatli bo'lish" nimani anglatishini his qilish va ichki konsentratsiya holatini rivojlantirish imkoniyatiga ega bo'lgan mashqlarning asosiy turi.

Tekshirish topshiriqlarini bajarish talabalar yozma ishlarni bajarishda diqqatni jamlash va o'z-o'zini nazorat qilishni rivojlantirishga yordam beradi.

Ularni o'tkazish uchun sizga har qanday bosma matnlar (eski keraksiz kitoblar, gazetalar va boshqalar), qalam va qalamlar kerak bo'ladi. 6-11 yoshli bolalar uchun katta hajmdagi matnlardan foydalanish tavsiya etiladi.

Tuzatish mashqlari har kuni 5 daqiqa (haftada kamida 5 marta) 2-4 oy davomida amalga oshirilishi kerak. Darslar individual yoki guruh bo'lishi mumkin.

Ko'rsatma. 5 daqiqa ichida siz duch kelgan barcha "A" harflarini topishingiz va kesib tashlashingiz kerak (har qanday harf ko'rsatilishi mumkin): kichik va bosh harflar, matnning sarlavhasida va muallifning familiyasida.

O'yinni o'zlashtirganingiz sayin, qoidalar yanada murakkablashadi: siz izlayotgan harflar o'zgaradi, ular turli yo'llar bilan chiziladi va hokazo.; ikkita harf bir vaqtning o'zida qidiriladi, biri chiziladi, ikkinchisining tagiga chiziladi; bir satrda harflar aylanaga o'ralgan, ikkinchisida ular belgi bilan belgilangan va hokazo. Kiritilgan barcha o'zgarishlar dars boshida berilgan ko'rsatmalarda aks ettirilgan.

Ish natijalariga ko'ra, bo'shliqlar va noto'g'ri chizilgan harflar soni hisoblanadi. Diqqatning normal konsentratsiyasining ko'rsatkichi 4 yoki undan kam bo'shliqdir. 4 dan ortiq o'tish - zaif konsentratsiya.

1. O'yin do'stona muhitda o'tkaziladi. Kichik yoshdagi bolalarni yaxshi haydovchi, uchuvchi, shifokor bo'lish uchun (kim bo'lishni xohlayotganini bilgandan keyin) ehtiyotkor bo'lishga o'rgatish uchun taklif qilish orqali qo'shimcha ravishda ushbu mashg'ulotlarga qiziqish bildirishlari mumkin.

2. Mag'lubiyatdan norozilik hissi paydo bo'lmasligi kerak, shuning uchun siz kulgili "jarimalar" ni kiritishingiz mumkin: qancha xato qilgan bo'lsangiz, shuncha marta miyovlang, qarg'alang, bir oyoqqa sakrab chiqing va hokazo.

3. Bolalar uchun har bir darsda ruxsat etilgan o'tish tezligi o'zgarishi va bolaning haqiqiy o'tish soniga taxminan teng bo'lishi kerak.

4. Dars vaqti hech qanday holatda 5 daqiqadan oshmasligi kerak.[5]

"Hamma narsaga e'tibor bering" o'yini

7-10 ta element ketma-ket joylashtiriladi (siz matn terish tuvaliga narsalarning tasvirlari bilan rasmlarni qo'yishingiz mumkin), ular keyin yopiladi. Ob'ektlarni 10 soniya davomida biroz ochib, ularni yana yoping va bolalarni eslab qolgan barcha ob'ektlarni (yoki rasmlarni) ro'yxatga olishni taklif qiling.

Xuddi shu narsalarni yana ochib, 8-10 soniya davomida bolalardan ular qanday tartibda yotishlarini so'rang.

Har qanday ikkita ob'ektni almashtirgandan so'ng, yana 10 soniya davomida hamma narsani ko'rsating. Bolalarni qaysi narsalar o'tkazilishini aniqlashga taklif qiling.

Ob'ektlarga endi qaramasdan, ularning har biri qanday rangda ekanligini ayting.

Siz ushbu o'yin uchun boshqa variantlarni o'ylab topishingiz mumkin (ob'ektlarni olib tashlang va bolalardan yo'qolgan odamning ismini so'rang; ob'ektlarni ketma-ket emas, balki, masalan, bir-birining ustiga qo'ying, shunda bolalar ularni pastdan boshlab tartib bilan sanab o'tadilar. tepaga, keyin esa yuqoridan pastga va hokazo).[5]

Xulosa òrnida shuni aytishimiz joizki, òquvchilarni diqqatini jamlash òqtuvchining mahoratiga va dars òtish yònalishiga boğliq. Agar u òquvchisi har tomonlama òziga qarata olsa , ularni jamoa bòlib ishlashga olib kela olsa uning barcha òquvchilari bilimga chanqoq va ilm bòlib yuksalishadi. Buning uchun esa kòproq izlanish va òz ustida ishlashlik lozimdir.

REFERENCES

1. Yangi Òzbekiston taraqqiyot strategiyasi. Tòldirilgan ikkinchi nashri .- Toshkent:"Òzbekiston" nashriyoti ,2022.-416 bet. ISBN 978-9943-7951-7-4
- 2.ФИО автора: Худайбергенова Айгул Исаковна- амалиётчи психолог,
- 3.ФИО автора: Odamova O'g'iljon Urganch Davlat universiteti Pedagogika va psixologiya kafedrasida katta o'qituvchisi Название публикации: «Boshlang'ich sinflarda diqqatni korreksiyalash va o'zlashtirmaslikning oldini olish»
4. Usmonova Q.S . Boshlangich sinf o`quvchilarida tankidiy fikrlashni shakllantirishda pedagogic-psixologik integratsiya va uzluksizlik. Муаллим хем узликсиз билимлендири. 2023/3 .370-375-b <https://lib.cspi.uz/index.php?newsid=7951>



5. Usmonova Q.S. Boshlang'ish ta'limda Filandiya ta'lim tizimini imkonoyatlari .
Международный научный журнал № 4 (100), часть 2 «Научный импульс»
Ноябрь, 2022./4. 899-903-b

6. Usmonova Q.S Development of Steam International Assessment Program in
Primary Education. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND
CULTURE. 30th Apr 2023. 242-244 s



ЖАМОАТЧИЛИК ЭКОЛОГИЯ НАЗОРАТЧИСИ–ЭКОЛОГИЯГА ҚАРШИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Мафура Мухтархановна Инагамова

Тошкент давлат транспорт университети доценти, (PhD), доцент

Сухроб Фарход ўғли Ашрабов

Тошкент давлат транспорт университети 2-босқич талабаси

АННОТАЦИЯ

Мақолада атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишда амалга оширилган ишлар ёритилган. Шунингдек, атроф муҳит ҳолатини кузатиб бориш, атроф муҳитнинг ифлосланишига, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлашда жамоатчилик экология назоратчиси фаолияти ёритилган.

Таянч сўзлар: атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар, табиий ресурс, жамоатчилик экология назоратчиси, экологик талаблар, утилизатсия технологиялари, экологик мониторинг механизмини яратиш, экологик маданият.

ABSTRACT

The article describes actions taken to prevent, identify and stop violations of legal requirements in the field of environmental protection and rational use of natural resources. The activities of public environmental supervision to monitor the environment and identify situations that may threaten the environment, life and health of citizens are also covered.

Keywords: environmental protection, offenses in the field of ecology, natural resource, state environmental supervision, environmental requirements, technology of use, creation of an environmental monitoring mechanism, environmental culture.

КИРИШ

Ҳаётимизнинг асосий қисми ҳисобланган табиат, бугунги кунда инсоният учун долзарб муаммоларни туғдирмоқда. Сабаби, инсоният табиатга ва унинг қонунларига қарши ҳаракат қилмоқда ва бунинг натижасида, инсон ва табиат ўртасидаги мувозанат



бузилмоқда. Натижада дунёда табиат ҳодисалари ўзгариб, табиий офатлар хусусан, сув тошқинлари, чангли тўзонлар, анамал совуқ ва зилзилалар сони ошмоқда. Бу каби табиатнинг салбий ҳодисалари мамлакатимизни ҳам чеклаб ўтмаяпти, сўнгги вақтларда Ўзбекистоннинг қатор ҳудудларида, жумладан, Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Бухоро вилоятларида кучли шамол эсиб, қумли бўронлар ҳосил бўлди. Кўриш даражаси 500-1000 метргача пасайди. Бунинг оқибатида тупроқнинг жуда қуруқ устки қатлами кўтарилиб, атмосфера ҳавосидаги чанг миқдори белгиланган меъёрдан 30 баробар ошди. «Ўзгидромет» кузатувларига кўра, сўнгги 150 йил ичида Ўзбекистонда бундай чангли ғубор ҳодисаси кузатилмаган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Шу билан бирга, республикада ҳудуд раҳбарлари, экология ва атроф-муҳитни ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг эътиборсизлиги натижасида соҳада ўтган даврда жиддий камчиликларга йўл қўйилган, айрим ҳолларда эса табиатга ва жамиятга тиклаб бўлмас даражада зарар етказилган.

Хусусан, биринчидан, ҳудудларда, айниқса шаҳарларда ҳаво ифлосланиши бўйича ҳолат тобора ёмонлашиб бормоқда, атмосферага чиқариладиган ташланмаларнинг юқини камайтириш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилмаган;

иккинчидан, дарахтлар ва буталарни кесилишига эълон қилинган мораторий даврида 44 мингга яқин, шундан 9,5 мингга яқин қимматбаҳо дарахтлар ноқонуний кесилиши натижасида табиатга 36 миллиард сўмлик зарар етказилган;

учинчидан, дарахтларнинг илдиз тизимларини бетон ва асфалт билан қоплаш, уларга турли электр чироқ ва реклама мосламаларини илиб қўйиш дарахтларнинг жиддий шикастланишига сабаб бўлмоқда;

тўртинчидан, жамиятда ҳайвонларга, шу жумладан уй ҳайвонлари ва қаровсиз ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда, уларни идентификатсия, чиплаш, вакцинатсия ва стерилизация қилишнинг замонавий тизими мавжуд эмас;

бешинчидан, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда чорва моллари назоратсиз ва тизимсиз боқилиши ҳолатларининг ортиб бориши, ер ости сувларидан илмий асосларсиз фойдаланиш экотизимларнинг бузилишига, катта ер майдонлари деградатсиясининг ортишига ҳамда уларнинг чўлланишига олиб келмоқда, оқибатда иқлим ўзгаришининг

таъсири кучаймоқда, инсонлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилмоқда.

Республика бўйича 2022 йилда экологик ҳуқуқбузарликлар юзасидан 27 та ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилган бўлиб, уларнинг барчаси бўйича енгил молиявий жарима жазоси қўлланилган ҳолос.

Бундан ташқари мавжуд полигонларнинг ҳолати экологик ва санитария талабларига жавоб бермаслиги ҳамда улар фаолиятида қайта ишлаш ва утилизатция технологиялари жорий қилинмаганлиги уларнинг келгусида экологик фожа даражасидаги муаммога айланиш хавфини келтириб чиқармоқда.

Мазкур салбий ҳолатларни олидини олиш мақсадида, сўнгги йилларда мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш, чиқиндиларнинг инсонлар соғлиғига зарарли таъсирини олдини олиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолат сифатини ошириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Бутун мамлакат миқёсида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда, давлат ўрмон фондида кирмайдиган дарахтлар қимматбаҳо навларининг кесилишига муддатсиз мораторий амал қилмоқда.

Рақамли технологиялар асосида замонавий экологик мониторинг механизмини яратиш, экологик маданиятни янада ошириш, биохилма-хилликни асраш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни тартибга солиш, дарахт, буталарни экиш ва яшил ҳудудларни ташкил қилиш ҳамда уларни муҳофаза қилишнинг янги тартибларини жорий қилиш орқали экологик вазиятни тубдан яхшилаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги[1] ПФ-14-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йилнинг 31 майдаги ПФ-81-сонли «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформатция қилиш ва ваколатли органлар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги[1] фармон қабул қилиниб, ижрога қаратилди.

Мазкур фармонга кўра, «Табиат ресурслари вазирлиги» «Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги» деб қайта номланди ва 2023 йил 1 июлдан «Жамоатчилик экология назоратчиси» тизими жорий қилиниши белгилаб қўйилди. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши ва унинг ижроси устидан



назоратга масъул бўлган Бош прокурор ўринбосари лавозими киритилди. Вазирликда алоҳида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Давлат экологик назорат инспекцияси ташкил этилди.

Фармонга кўра, 2023 йил 1 декабрдан туманларда (шаҳарларда) атмосфера ҳавоси ифлосланиши фон мониторингини амалга ошириш учун автоматлашган кичик станциялар ўрнатилиши, 2024 йил якунигача ҳудудларни экологик баҳолаш бўйича индикаторлар асосида “eco-indicator.uz” рейтинги шакллантирилади ва ҳар бир ҳудуднинг экологик паспорти эълон қилиниши ҳамда 2025 йил якунигача республика ҳудуди бўйича атмосфера ҳавосининг табиий ифлосланиши юқори бўлган ҳудудларни прогностлаш ва аҳолини барвақт огоҳлантириш тизими синов тариқасида жорий этилиши белгиланди.

2024 йил 1 январдан давлат ўрмон фонди участкалари фақат “E-auksion” платформаси орқали ижарага берилади. 2023 йил 1 июлдан эса чиқинди полигонларини хусусийлаштириш тақиқланади.

Бундан ташқари, 2023 йил 1 декабрдан қуйидаги ерларда электромобилларни тез қувватлантириш станциялари барпо этилади:

Хусусан, Нукус шаҳри, вилоятлар марказлари ва вилоят бўйсунувида бўлган шаҳарлар ҳудудларидаги автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари, сифими 100 автомобилдан ортиқ бўлган автотураргоҳлар ҳамда бозорлар ҳудудида;

“Ўзбекистон туризм магистрали” туризм транспорт коридори автомагистраль йўлларида жойлашган автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари, савдо ва кўнгилочар марказлари ҳудудида;

“Ўзбекистон туризм магистрали” туризм транспорт коридорининг чўл ва саҳро қисмида қуёш электр станцияларини қурган ҳолда биринчи 50 та электромобилларни тез қувватлантириш станцияларини барпо этиш учун ҳар бир лойиҳага 100 млн сўм субсидия сифатида ажратилади.

Диққатга сазовор ҳолатлардан бири, 2023 йил 1 июлдан “Чиқиндиларни оммавий йиғиш” (ЎзПлоггинг) умуммиллий ҳаракати ташкил этилади. Шунингдек, фармонга кўра: “Табиатга меҳр” инноватсион ва интеллектуал лойиҳалар танлови ўтказилади;

- “Табиат мадҳияси” (мусиқа ва матни) учун танлов эълон қилинади;
- “Ёш экологлар” ҳаракати кўкрак нишони таъсис этилади;
- Мактабларнинг Миллий ўқув дастурига “экосоат” дарслари киритилади.

Яна бир муҳим масала, 2024 йил 1 январдан Нукус шаҳрида: ичимлик сувидан фойдаланиш бўйича кўп қаватли



уйлар ўртасида “Тежамкор уй” ва “Тежамкор хонадон” рейтинг тизими ишга туширилади;

йил якунига кўра, энг кам сув ишлатган 20 та хонадон ҳамда хонадонларининг 50 фоизидан ортиғи белгиланган меъёрлардан кам сув ишлатган 20 та кўп қаватли уйлар рағбатлантирилади;

ғолиб хонадон ва уйларга қуёш панеллари ёки уй атрофини ёритиш мосламалари бепул ўрнатиб берилади. Мазкур тажриба 2025 йилдан Тошкент шаҳри ва барча вилоят марказларида ҳам жорий қилинади.

Фармонга кўра, Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети (Греен Университй) ташкил этилди. 2023 йил 1 июлгача Республикада ташкил этиладиган экологик акциялар махсус платформаси ишга туширилади.

Таҳлил этаётган «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли органлар фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонда ҳайвонлар, жумладан, уй ҳайвонлари ва қаровсиз ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани, уларни идентификация қилиш, чиплаш, эмлаш ва стерилизация қилишнинг замонавий тизими мавжуд эмаслиги ҳам қайд этилган. Шунингдек, фармонда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда назоратсиз ва тизимсиз чорва боқиш, ерости сувларидан илмий асосларсиз фойдаланиш ҳолатларининг кўпайиши экотизимларнинг бузилишига, катта майдонларнинг деградацияси ва чўлланишининг кучайишига олиб келаётганлиги, оқибатда иқлим ўзгаришининг таъсири кучаяётганлиги, инсон ҳаёти ва соғлиғига таҳдид пайдо бўлаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Бундан ташқари ушбу фармонга мувофиқ, Миллий табиий мерос объектлари рўйхати жорий этилиб, 2024 йилдан, жумладан, қуйидагилар учун ҳар йили 500 миллиард сўм ажратилади:

Хусусан, “яшил белбоғ”, “яшил боғ” ва “яшил жамоат парк”лар ҳамда “яшил қопламалар” – химоя ўрмонзорларини барпо этиш ва доимий фойдаланувчига топширилгунга қадар сақлаб туриш; асосий темир йўл ва магистрал автойўллар бўйида дарахт кўчатларини экиш; ҳар бир туман ва шаҳарда 5 гектардан кам бўлмаган майдонларда боғлар барпо этиш.

2023 йил якунигача ҳар бир давлат ташкилоти ва ҳокимликнинг ўз боғлари ташкил этилади ҳамда 3 йил давомида парваришланади. 2024 йил 1 январдан уй шароитида ёки касаначилик асосида дарахт ва бута кўчатларини (ниҳол) етиштириш фаолияти ўзини ўзи

банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49- моддасида ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эгаллиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, аҳоли учун катта ҳуқуқ берилиб унга кўра, давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шахарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, шахарсозлик ҳужжатларининг лойиҳалари қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши, давлат барқарор ривожланиш принципига мувофиқ, атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши ва давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини нуҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўришни янада жадаллаштириш лозим.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Шу ўринда, Орол денгизи ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан берилган маълумотга кўра, агар ХХІ аср охиригача Орол денгизини ҳозирги суръатларни сақлаб қолинадиган бўлса, дунёдаги ўртача ҳарорат 4 даражага, Марказий Осиё давлатларида эса 7 даражача кўтарилишини экспертлар башорат қилмоқда. Глобал иқлим ўзгариши натижасида охириги 50-60 йил ичида музликлар майдони тахминан 30 фоизга камайди. 2050 йилгача сув ресурсларини Сирдарё ҳавзасида 5 фоизгача ва Амударё ҳавзасида 15 фоизгача камайиши кутилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 январдаги «Орол денгизининг суви қуриган тубида ва оролбўйи ҳудудларида «яшил қопламалар» — ҳимоя ўрмонзорларини барпо этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 31-сонли қарори имзоланиб, ижрога қаратилганлиги алоҳида эътиборга молик. Қарорга мувофиқ, мамлакатимизда экологик ҳолатни яхшилаш, Орол денгизининг суви қуриган туби ва Оролбўйи минтақасидан кўтарилаётган кум, туз ва чанг заррачаларининг салбий таъсирини камайтириш, ушбу ҳудудларда чўл ўсимликларидан «яшил қопламалар» — барпо этиш ишларини изчиллик билан давом эттириш ҳамда глобал иқлим ўзгаришларининг салбий таъсирини янада юмшатиш кўзда тутилган.



Экология соҳасидаги жиноятларга тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистонда табиат бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга оид қонунчилик ҳужжатлари ва юридик нормалар ишлаб чиқилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси (1998 йил 30 апрел)[4], “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (1992 йил 9 декабр)[5], “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги (2004 йил 3 декабр)[6], “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги (2002 йил 13 декабр)[7], “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги (1993 йил 6 май) қонунларда экология соҳасидаги ҳуқуқий нормалар бўлиб ўз ифодасини топган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида биринчи марта Экология соҳасидаги жиноятлар алоҳида XIV боб бўлиб ажратилди (193-203-моддалар) ҳамда куйидагилар ҳаракатлар жиноят деб тавсифланди. Жумладан, экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш; атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш; атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик; атроф табиий муҳитни ифлослантириш; сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Суд Пленумининг “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар суд амалиёти ҳақида”ги қарорида (1996 йил 20 декабр) экология соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни қўллаш бўйича зарур тушунтиришлар берилган.

Демак, табиий муҳитни асраш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш нафақат миллий, балки умуминсоний мажбурият ҳисобланади ва бу табиат комплекслари ҳамда айрим объектларнинг муҳофазасини таъминлашга, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашга қаратилгандир. Сабаби, табиатни асрамаган ва унга зарар етказган шахсларга нисбатан ҳеч қандай чора кўрмаслик албатта салбий оқибатларга олиб келади. Фикримизча, уларга нисбатан қатъий жазо чоралари кўрилиши керак. Жумладан, 2022 йилда Табиат ресурслари вазирлиги экологик назорат ва экологик ҳуқуқбузарликлар бўйича ҳисоботига кўра, ўтган давр мобайнида экологик назорат тадбирлари давомида 45 300 та қонунбузилиш ҳолати аниқланиб, табиатга етказилган зарар учун 40 млрд сўм маъмурий жарима тайинланган. Қайд этилишича, 1409 та ҳолат бўйича 5,8 млрд сўм жарима ва табиатга етказилган зарарни ундириш ва қонуний чора кўриш учун материаллар ҳуқуқини



муҳофаза қилиш органларига юборилган ва 36 та ҳолат бўйича жиноят иши очилган[8].

Фикримизча, экология соҳасидаги жиддий муаммоларга ҳудуд раҳбарлари, экология ва ички ишлар органларининг эътиборсизлиги сабаб бўлмоқда. Жумладан, кўплаб ҳуқуқбузарликлар табиатни муҳофаза қилиш органларининг ваколатлари етарли эмаслиги сабабли содир этилиб, дарахтлар ва яшил майдонларни бетонлаш, дарахтларга реклама жойлаштириш, дарахтларни лампочкалар билан безаш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Бу каби салбий ҳолатларни кўпайишига эса, масъулларнинг назорат қилмаётганликлари сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий фаолият эркинлиги, аҳоли фаровонлиги ёки туризм бўйича рейтинги ошиб бормоқда, бироқ 2022 йилги Фаровонлик индекси натижаларига кўра, мамлакатдаги экологик вазият дунёдаги энг ёмонларидан бири эканлигини ҳам айтиб ўтган.

ХУЛОСА

Мухтасар қилиб айтганда, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформатция қилиш ва ваколатли органлар фаолиятини ташкил этиш механизмини ижро этилишида қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ: биринчидан, олий таълим муассасалари талабалари ўртасида экология оид маънавий-маърифий тадбирларни хусусан, соҳага оид, конференциялар ва бошқа турдаги илмий тадбирларни ташкил этиш; иккинчидан, олий таълим муассасаси ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда талабаларни жалб этиш ва бу орқали уларнинг табиатга бўлган қизиқишини ошириш; учинчидан, олий таълим муассасаси томонидан «Жамоатчилик экология назоратчиси» стипендиасини жорий этиш ҳамда ўқув йили давомида ўзининг атроф муҳит ва табиатни асрашда фаол бўлган талабалар орасидан танлаб олиб, мукофоотлаш тизимини жорий этиш.

Фикримизча, мамлакатда экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш, қулай экологик ҳолатни барқарор сақлаш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини таъминлаш ҳамда соҳада содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада жадаллаштириш келажакда ўзининг ижобий самарасини беради.



REFERENCES

1. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.01.2023 й., 06/23/14/0053-сон; 5.03.2023 й., 06/23/43/0167-сон; 31.05.2023 й., 06/23/79/0302-сон; 02.06.2023 й., 06/23/81/0320-сон; 13.06.2023 й., 06/23/92/0366-сон
2. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.06.2023 й., 06/23/81/0320-сон
3. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.01.2022 й., 09/22/31/0044-сон
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 82-модда; 2003 й., 9-10-сон, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда, 51-сон, 514-модда; 2007 й., 52-сон, 533-модда; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 52-сон, 555-модда; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда, 36-сон, 452-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон; 25.07.2018 й., 03/18/487/1569-сон; 21.12.2018 й., 03/18/506/2356-сон; 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон; 05.03.2019 й., 03/19/526/2701-сон, 05.04.2019 й., 03/19/533/2885-сон, 29.08.2019 й., 03/19/558/3662-сон, 15.11.2019 й., 03/19/584/4025-сон; 30.09.2020 й., 03/20/639/1342-сон, 24.12.2020 й., 03/20/656/1661-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон; 07.06.2022 й., 03/22/775/0477-сон; 30.06.2022 й., 03/22/782/0576-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 6-сон, 118-модда; 1997 й., 4-5-сон, 126-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2000 й., 7-8-сон, 217-модда; 2002 й., 9-сон, 165-модда; 2003 й., 9-10-сон, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 51-сон, 514-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда, 36-сон, 365-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон; 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон, 15.11.2019 й., 03/19/584/4025-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 1-сон, 1-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон; 30.09.2020 й., 03/20/639/1342-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й.,



03/21/683/0375-сон; 07.06.2022 й., 03/22/775/0477-сон, 30.06.2022 й., 03/22/782/0576-сон.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 50-51-сон, 512-модда; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда, 36-сон, 365-модда; 51-сон, 541-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон; 08.01.2020 й., 03/20/601/0025-сон; 04.12.2020 й., 03/20/653/1592-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон.

8. Азиз Абдуҳакимов. «Экологик муҳит ва муаммолар» “Газета.уз” Т.: 2022.



АТОМ ФИЗИКАСИНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ ЎҚИТИШ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

П. М. Жалолова

Шахрисабз давлат педагогика институти профессори, П.ф.д.(DSc)

АННОТАЦИЯ

Атом физикасига доир машғулотлар жараёнида рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда оламнинг ягона физик манзарасини англашнинг методик-рақамли фазосининг оптималлаштирилган дуализмини аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган.

Калит сўзлар: квант, спектр, электрон, фотон, потенциал, энергия, тўлқин, энергия, эффект, орбита.

ABSTRACT

To improve, based on clarification of the optimized dualism of the methodological digital space, the awareness of a unified physical picture of the world in the professional training of students through the use of digital technologies in the process of classes in atomic physics.

Keywords: quantum, spectrum, electron, current, wave, atom, effect, orbit.

КИРИШ

Дастурий маҳсулотлар нафақат монитор экранида физик экспериментларни ўтказишга, балки мустақил равишда эксперимент схемасини тузиш, ўрганилаётган материални танлаш, намуналарни тартиблаш орқали талабаларнинг билиш фаоллигини оширади. Шу билан бирга, физиканинг барча бўлимларига назарий, амалий, лаборатория, мустақил таълим машғулотларини олиб бориш мақсадида курсга оид масофавий очик курс яратилиб, электрон дарслик, мультимедиали воситалар, дидактик ишланмалар ва электрон кутубхона иловаси билан бойитилди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

«Физика фанидан виртуал лаборатория ишларини ташкил қилишга оид электрон маълумотлар базаси» номли мазкур платформада фанга оид маълумотларни жамлаш ва



узатишни рақамли технологиялар воситасида амалга ошириш методлари ишлаб чиқилиб, амалиётда қўлланди. Интернет манзили <https://kmt.tuitkf.uz/login> бўлган масофавий очик курс таълимда қуйидаги имкониятларни беради: «Атом физикаси» курси ва исталган ихтиёрий курсга оид маълумотларни жамлаш, танлов фанларини ташкил қилиш, мустақил ишлар устида ишлаш, автоматлашган баҳолаш тизими: жорий назорат, оралик назорат, мустақил ишларни баҳолаш, якуний назоратларни ўтқизиш жараёнларини кредит-модуль тизимининг баҳолаш мезонлари асосида рақамли технологияларни жорий қилиб автоматлаштирилган тизим асосида тартиблайди ва таҳрирлаш имкониятини беради.


Атом физикаси бўлимига оид талабаларнинг ўзлаштирган билимлари, эгаллаган касбий компетенциялари ҳамда касбий фаолиятга тайёргарлигининг ривожланганлик даражаларини аниқлаш когнитив, мотивацион, фаолиятли ва рефлексив мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда ўзлаштириш кўрсаткичларини дисперсион ва самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаштириш натижасида умумлаштирилган ушбу масофавий очик курс таълимнинг замонавий тизими кредит-модуль талаблари асосида шакллантирилди. Бунда мустақил таълим машғулотларда олинган билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, талабаларнинг индивидуал ишланмаларида креатив қобилиятларни синаб кўриш ва ривожлантириш, шунингдек, унга киритилган вазифалар ушбу фан учун дастур томонидан тасдиқланган ўқув режаси асосида тузилган бўлиши таълимнинг зарурий шарти эканига эътибор қаратилди.

Ўқув жараёнида мустақил ишдан кенг фойдаланиш қуйидаги мақсадларни кўзлайди: таълимий (талабалар билимини тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш); тарбиявий (таълим фаолияти барқарор мотивларини тарбиялаш, ақлий меҳнат кўникмалари, меҳнатни ўзини ўзи бошқариш ва индивидуал ишлаш, ўз-ўзини тарбиялаш ва бошқ.); ривожлантирувчи (талабалар диққати, хотираси, тафаккури, нутқини ривожлантириш). Мустақил таълимни назорат қилишда рақамли технологиянинг қўлланиши автоматлаштирилган жараёнлиги ва инсон омилининг иштирокига зарурият йўқлиги билан самарадор метод ҳисобланади. Таълимда рақамли технологиялар асосида ишлаб чиқилган тестлар таълим жараёнида ўзлаштирилган билимларни диагностикасини олиб бориш учун қулай воситадир.

Мустақил иш тузилмасида қуйидаги таркибий қисмлар ажратиб кўрсатилди: мотивацион алоқалар, аниқ вазифани шакллантириш, амалга ошириш усуллари танлаш, ижро этувчи алоқа, назорат ва қайта ишлаш. Ушбу босқичларни амалга оширишда автоматлашган маълумотлар узатиш тизими яратилган



платформада маълумотларни узатиш, баҳолаш, таҳрирлаш, огоҳлантириш, сақлаш имконияти, таҳрирлаш имкониятини беради.



1-расм. Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида рақамли технологияларнинг таълимий имкониятлари




Бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини ривожда замонавий ахборот технологияларини қўллаш малакаси, тадқиқ қилиш кўникмаси, эксперимент асбобларини конструкциялаш, илмий тасаввури, ақлий меҳнат кўникмалари, индивидуал ишлаш фаолиятини ривожлантириш ташкил этади.

Тажрибалар сўнгида талабаларнинг касбий тайёргарлик натижалари умумлаштирилиб, диаграмма кўринишида 5-6-расмларда келтирилган.



2-расм. Тажриба-синов якунида тажриба гуруҳи талабаларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари диаграммаси



3-расм. Тажриба-синов якунида назорат гуруҳи талабаларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари диаграммаси

REFERENCES

1. П.М.Жалолова. Водород атомидаги электронлар ҳолат ва тулкин функциясини урганиш учун электрон дастур. Тошкент, 2019 —№ DGU 05952 рақамли гувоҳнома.
2. Jalolova P.M. The plotting of the atom orbit using the Maple program. Science and world, Wolgograd, 2018, pp. 19-23.

ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРДА ЕТИШТИРИЛГАН СОЯ НАВЛАРИДА ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ ТАХЛИЛИ

Бекзад Берикбай ўғли Сирков

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти
магистранти

Мухаметдин Хорезм ўғли Аяпов

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти
магистранти

Мийригул Базарбаевна Есболова

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти доценти

АННОТАЦИЯ

Соё ўсимлиги экилган шўрланган майдонларда тупроқ унумдорлигини экологик тоза йўл билан ошириш, алмашлаб экиш технологияси йўлга қўйилганда тупроқ унумдорлиги ғўзани ҳосилини етиштиришда минерал ўғитларга бўлган талабини бир қанча камайтириш, соё илдизлари орқали ҳаводан соф азотни ўзлаштириб, тупроқни бойитади ҳамда мўл ҳосил ва сифатли дон олишга эришилади.

Калит сўзлар: соё, тупроқ, унумдорлик, азот, дуккак, мойдорлик.

ABSTRACT

Environmentally friendly increase of soil fertility in saline areas planted with soybeans, when the technology of crop rotation is established, the demand for mineral fertilizers in the cultivation of cotton crops can be reduced to a certain extent, by absorbing pure nitrogen from the air through soybean roots, it enriches the soil and achieves abundant harvest and quality grain.

Keywords: soybean, soil, fertility, nitrogen, legumes, fertility

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «2017-2021 йилларда республикада соё экишни ташкил этиш ва соёли дуккакли экинлар етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2832-сон қарори ҳамда 2017 йилнинг 24 июлдаги ПҚ-3144-сонли қарорларида республика

майдонларида мойли экинлар етиштиришни кўпайтириш, ёғ-мой корхоналарида ноанъанавий маҳаллий ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва ички истеъмол бозорини тўлдириш, соя экинини асосий ва такрорий экин майдонларига экиш, маҳаллий соя навлари селекцияси ва уруғчилигини йўлга қўйиш вазифалари белгиланган [1,2].

Маълумки, дуккакли дон экинларидан кейин экиладиган деярли барча қишлоқ хўжалик экинлари яхши самара беради. Фермер хўжаликларида беданинг ўрнини қоплаш вазифасини бемалол дуккакли дон экинлари бажариши мумкин. Дуккакли дон экинлари соя, ловия, мошни эрта баҳорда ва ёз охирида, яъни бир йилда икки марта экиш имкони мавжудлиги ҳам катта аҳамият касб этади. Улар биринчи навбатда тупроқ унумдорлигини яхшилашга, иккинчидан аҳолини қимматли, оқсилга бой маҳсулотлар ҳамда чорвачиликни тўйимли ем-хашак билан таъминлашга хизмат қилади.

Соя - ватани Хитой, дукаккдошлар (Fabaceae) оиласининг *Glycine L.* туркумига мансуб булиб, 40 дан ортиқ турни ўз ичига олади. Соя бир йиллик ўтсимон ўсимлик бўлиб, поясининг бўйи 25-200 см гача этади. Бу ўсимлик донида оқсил ва мой юқори даражада бўлгани учун 20 дан ортиқ давлатларда экилади.

Соя ўсимлиги орқали Республика дехқончилиги экологик тоза дехқончилик йўлига ўтиш, инсон учун тўйимли оқсил ҳамда мой захираси пайдо бўлиш, минерал ўғитларни солиш меъёрининг камайиш, тупроқ унумдорлиги – банитетни кўтариш, соя донини импорти камайиш ва Республика валюта захирасининг кўтарилишига олиб келади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Соя ўсимлиги пишганда баргларининг тўкилиши, поясининг қуриб қолиши, дуккак ва поясини тўқроқ рангга кириши асосий белгиларидан ҳисобланади. Бу вақтда дуккакдаги донлар қуриб, намлиги 20-22% дан ошмайди ва кун давомида дон ҳамда поядаги намлик ўзгариб туриши мумкин [4]. Шунингдек, соя ўсимлигининг ҳар-хил минтақаларда кенг майдонларга экилишининг яна бир асосий сабаби, у тупроққа талабчанмаслигидадир, яъни у рН 5 дан 8 гача бўлган тупроқларда яхши ўсади ва ривожланади [3].

Тадқиқотларимизда соянинг тезпишар Ойжамол, Тумарис ва Омина навларида морфобиологик ва хўжалик белгиларини фенотипикасини асосий ҳамда такрорий экинда намоён бўлишини ўрганиш, ўсув даврида шаклланиш қонуниятларини, ҳамда тупроқ

унумдорлигини ошишида бактерияни фаоллик даражасини ўрганилди.

Иш режага мувофиқ танлаб олинган соя навларини уруғларини саралаб, лаборатория таҳлилидан ўтказиб, экиш учун уруғликлар тайёрланди. Экиш ишлари бошлангунга қадар тажриба майдонидан тупроқдаги NPK микдорини билиш учун тупроқ намуналари олинди, “Тупроқ таркиби ва репозиторийси, сифати таҳлил маркази” давлат унитар корхонасининг лабораториясида таҳлил қилинди. Соянинг ўрганилган навлари намуналарини йиғим – терим даврида ҳар бирдан 50 тадан ўсимлик танлаб олинди ва пояси ҳамда дон – дуккаклари устида олиб борилган тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинди.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Олиб борилган тадқиқотларимизда соя ўсимлиги экилган майдонларда тупроқ унумдорлигини экологик тоза йўл билан ошириш, алмашлаб экиш технологияси йўлга қўйилганда (Соя+буғдой+пахта) тупроқ унумдорлиги ёғзани ҳосилини етиштиришда минерал ўғитларга бўлган (азотли, фосфорли) талабини бир қанча камайтириш, тупроқдаги *Bradyrhizobium japonicum* + *Azotobakter* бактерия билан биргаликда хайдалма қатламда илдизида туганаклар ҳосил қилиб, ўсув даврига қараб тупроқда 50-100 кг. соф азот йиғиш имконини беради. Бундан ташқари, соя илдизлари орқали ҳаводан соф азотни ўзлаштириб, тупроқни бойитади. Ўсимлик ўсиш даврида ўзи учун ҳам, ўзидан кейинги ўсимлик учун ҳам маълум микдорда азот қолдириб кетади. Яъни, у тупроқ таркибини яхшилаб, биологик жараёнларнинг фаоллигини оширади, ушбу ўсимлик экилган далаларда тупроқнинг микрофлораси яхшиланади, тупроқда биологик ва экологик тизим вужудга келади. Шунингдек, чувалчанглар, ризобиум бактериялари ва бошқа фойдали организмлар яшаши учун қулай муҳит пайдо бўлади.

Тадқиқотларимизда соянинг Ойжамол, Тумарис ва Омина навларининг шўрланган тупроқ шароитида қимматли-хўжалик белгилари хусусиятлари ўрганилди. Соя навларининг дуккак, поя, поя+дуккак, 100 та дон ва жами дон оғирлиги ҳамда жами дон сони каби қимматли-хўжалик белгилари бўйича олинган натижалар таҳлил қилинди. Олинган маълумотларнинг таҳлил натижаларига кўра, изланишларимизда ўрганилган соянинг Ойжамол, Тумарис ва Омина навларида дуккак оғирлиги мос равишда $34,8 \pm 2,6$; $36,9 \pm 2,9$ ва $27,3 \pm 2,4$ г., поя оғирлиги бўйича $33,7 \pm 2,4$; $27,7 \pm 2,9$ ва $34,4 \pm 2,2$ г., 100 та дон оғирлиги бўйича $12,4 \pm 0,04$; $13,3 \pm 0,03$ ва $14,5 \pm 0,06$ г., ҳар бир ўсимликдаги жами дон сони $185,8 \pm 1,8$; $192,1 \pm 1,4$ ва $119,7 \pm 2,7$ г. ни ташкил этди (жадвал-1).



Соянинг навларининг қимматли хўжалик ва сифат белгилари.

Жадвал-1

Навлар	Дуккак оғирлиги, г	Поя оғирлиги, г	100 та дон оғирлиги, г	Жами дон сони, та
Ойжамол	34,8±2,6	33,7±2,4	12,4±0,04	185,8±1,8
Тумарис	36,9±2,9	27,7±2,9	13,3±0,03	192,1±1,4
Омина	27,3±2,4	34,4±2,2	14,5±0,06	119,7±2,7

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, олиб борилган тадқиқотлар натижасида соя ўсимлиги экилган майдонларда тупроқ унумдорлигини экологик тоза йўл билан ошириш, алмашлаб экиш технологияси йўлга қўйилганда тупроқ унумдорлиги ғўзани ҳосилини етиштиришда минерал ўғитларга бўлган (азотли, фосфорли) талабини бир қанча камайтириш, соя илдизлари орқали ҳаводан соф азотни ўзлаштириб, тупроқни бойитади. Ўсимлик ўсиш даврида ўзи учун ҳам, ўзидан кейинги ўсимлик учун ҳам маълум миқдорда азот қолдириб кетади. Яъни, у тупроқ таркибини яхшилаб, биологик жараёнларнинг фаоллигини оширади, ушбу ўсимлик экилган далаларда тупроқнинг микрофлораси яхшиланади, тупроқда биологик ва экологик тизим вужудга келади. Шунингдек, чувалчанглар, ризобиум бактериялари ва бошқа фойдали организмлар яшаши учун қулай муҳит пайдо бўлиб, шўрланган тупроқ шароитларида соя ўсимлигидан мўл ҳосил ва сифатли дон олишга эришилади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 14 мартдаги ПҚ-2832-сонли “2017-2021 йилларда республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги ПҚ-3144-сонли ҳамда 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2832-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги” қарори.
3. Атабаева Х.Н.-СОЯ –Монография, Т.Миллий энциклопедия. 2004, 96 б.
4. Лавриенко Г.Т. Соя-М: Россельхозиздат, 1998г с 54-64.



ҚУРҒОҚЧИЛИККА, ШЎРГА ВА СОВУҚҚА ЧИДАМЛИ КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ ЮҚОРИ ҲОСИЛДОР НАВЛАРИНИ ЯРАТИШДА ЗАМАНОВИЙ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Полат Сейтназарович Хабибназаров

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти
магистранти

Гулбану Маратовна Жолдасбаева

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти доценти

Мийригул Базарбаевна Есболова

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти доценти

АННОТАЦИЯ

МАС технологиясидан фойдаланиш қурғоқчилик, совуққа ва шўрланиш каби абиотик стрессларга чидамли янги, юқори ҳосилдор ва оқсилга бой буғдой навларини яратиш билан ифодаланиши, яратиладиган янги навлар уруғларининг экилиши фермер хўжаликлари ҳосилдорлигини ошириш ҳамда иқтисодий самарадорлигини янада яхшилаш имконини беради.

Калит сўзлар: қурғоқчилик, совуқ, шўрланиш, нав, ҳосилдорлик, абиотик, оқсил.

АБСТРАКТ

The use of MAS technology is to create new, high-yielding and protein-rich wheat varieties that are resistant to abiotic stresses such as drought, cold and salinity, sowing seeds of the created new varieties can increase the productivity of farms and further increase their economic efficiency.

Keywords: drought, cold, salinity, variety, productivity, abiotic, protein.

КИРИШ

Дунёнинг бир қатор давлатларида кузги юмшоқ буғдойнинг янги навларини яратиш ва етиштиришда селекциянинг замановий усулларида фойдаланилиб, дон ҳосилдорлиги ва сифатини оширишга ҳамда юқори самарадорликка эришилмоқда. Шунингдек, жаҳонда кузги юмшоқ буғдой етиштирувчи кўпчилик давлатларда ресурстежамкор технологияларни қўллаш эвазига тупроқ



унумдорлигини ошириш, шўрланиш жараёнининг олдини олиш, минерал ўғитларни тежаш ҳисобига дон ҳосилдорлиги ва сифатини ошириб келмоқда. озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда кузги буғдой ҳосилдорлиги ва экологик муҳитнинг софлигини сақлашга қаратилган, сизот сувлар сатҳини пасайтириш ва шўрланиш жараёнларининг олдини олиш минерал ўғитлар меъёрларини ишлаб чиқиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Республикамизнинг шимолий ҳудудларида етиштириладиган кузги буғдой навлари асосан интенсив навлар бўлиб, паст ҳарорат, қурғоқчилик ва кучли шўрланиш шароитлари туфайли ҳосилдорлиги талабларига жавоб бермайди. Кузги буғдой навларининг кўпчилиги Оролбўйи минтақасидаги галофит деҳқончилик тизимида юқорида қайд этилган стресс омилларига ўта чидамсиз ҳисобланади. Шу боис, Қорақалпоғистон Республикаси шароити учун кузги буғдойнинг совуққа, қурғоқчиликка ва шўрланишга чидамли янги, серҳосил навларини яратиш ва етиштириш бугунги кундаги энг муҳим тадқиқот йўналишларидан биридир. Анъанавий селекция усулларидадан фойдаланган ҳолда янги навларни яратиш кўп вақт ва сарф харажатларни талаб этиши тасдиқланган. Шу боис, буғдой селекциясига замонавий маркерларга асосланган селекция технологиясини жорий этиш орқали янги, ҳосилдор ва чидамли навларни яратиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси иқлим шароити учун маркерларга асосланган селекция технологиясидан фойдаланган ҳолда совуққа, қурғоқчиликка ва шўрга чидамли, ҳосилдор кузги буғдой навларини яратиш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўсимликлардан аниқ бир табиий иқлим шароитида юқори ҳосил олишни аниқлай билиш муҳим ҳисобланади, лекин улар бошқа шароитларнинг табиий стрессларга ўта берилувчан бўлиши мумкин. Шуларни ҳисобга олиб айтиш жоизки, турли табиий иқлим шароитларининг стрессларга тезда мослашадиган навни генетик жиҳатдан тайёрлаш селекциянинг асосий вазифасидир [1]. Замонавий қишлоқ хўжалигида янги навларни фақат юқори ҳосилли навларгина эмас, балки уларнинг тупроқ-иқлим шароитига мослашуви, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилигини ҳам ҳисобга олиш зарур [2].

Бунинг учун маҳаллий ва хорижий буғдой гермоплазмалари коллекциясидан кузги буғдойнинг қурғоқчилик, шўрланиш ва совуққа чидамли генотипларини ўзаро частиштириш натижасида олинган дурагайлар, оилалар ва тизмаларни



танлаб олиш зарур. Буғдойда совуққа, қурғоқчилик ва шўрланишга чидамлилик билан боғлиқ микдорий белгилар локуслари-QTL/генларни хариталаш натижалари асосида ДНК маркерлари панелини шакллантириш, дурагайлар, оилалар ва тизмалар геномларида ўрганилаётган белгилар билан боғлиқ ДНК маркерлари аллелларининг мавжудлигини текшириш, ПЗР скрининг орқали QTLни тасдиқлаш каби замановий усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, қурғоқчилик, совуқ ва шўрланишга чидамлилик билан боғлиқ QTL аллелларига эга бўлган дурагайлар, оилалар ва тизмаларнинг ягона генотипларини танлаш олишимиз керак. Олинган буғдой генотипларининг қурғоқчилик, совуқ ва шўрланишга чидамлигини дала ва лаборатория шароитида ўрганилади. Натижада ДНК маркерлари асосида селекция қилинган қурғоқчиликка, совуққа ва шўрланишга чидамли генотипларнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари ва оқсил таркиби ўрганилади.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА


Буғдойнинг қурғоқчилик, совуққа ва шўрга чидамлилик белгилари билан генетик боғланган ДНК маркерлар чидамлик селекциясининг аниқлик даражасини ошириш ва тезлаштириш учун танланади ва тавсифланади.

Қорақалпоғистон Республикаси шароитига мос кузги буғдой навларини яратиш учун юқори авлод дурагай комбинациялари ичидан асосий абиотик ва биотик стресс омилларига чидамлиликни бошқарувчи ДНК маркерларидан фойдаланган ҳолда генотиплар танлаб олинади. Лойиҳани амалга ошириш натижасида қурғоқчилик, совуққа ва шўрга чидамли бўлган янги кузги буғдой навлари маркерларга асосланган селекция (МАС) технологияси ҳамда инфрақизил термография орқали фенотиплаш йўли билан ишлаб чиқаришга тавсия этилади. Бу эса ўз навбатида, стрессга чидамли навларни жорий этиш орқали ҳосилдорликни ошириш ва аҳолининг дон ва нон маҳсулотларига бўлган талабини яхшилаш, импортни сезиларли даражада камайтириш имконини беради.

Шунингдек, тадқиқот жараёнларида геномиканинг бир қанча усуллари ва ёндашувларидан фойдаланиш, хусусан, буғдой намуналаридан геномик ДНК ажратиш, тегишли ДНК маркерлари билан полимераза занжири реакцияси (ПЗР) таҳлили, ПЗР ампликонларининг молекуляр оғирлигини аниқлаш учун гел-электрофорез, ампликонлар ўлчами асосида генотипланади. Ўсимликлар генетикаси ва селекциясининг фенотипик кузатув ва яқка танлов усулларидан ҳам фойдаланилади.



Тадқиқотнинг объекти сифатида юмшоқ буғдойнинг Гром, Васса, Илғор, Эъзоз, Қайроқтош ва Оқмарварид навлари олинган бўлиб, ушбу навларнинг совуқ ва ётиб қолишга чидамлилиги таҳлил қилинди (Расм-1).



Тажрибаларимизда буғдой навларининг умумий ҳолати 9 балли шкала ёрдамида баҳоланди. Совуққа чидамлилик бўйича Гром ва Васса навлари мос равишда 9 ва 8 баллни ташкил этиб, ўта юқори бардошли эканлиги, Илғор, Эъзоз, Қайроқтош ва Оқмарварид навлари мос равишда 3; 3; 4 ва 3 баллга тенг бўлиб, совуққа паст бардошли эканлиги аниқланди.

Ётиб қолишга чидамлилик бўйича Илғор ва Эъзоз навлари 6 балл-ўртача бардошли, Қайроқтош-7 балл, Васса ва Оқмарварид навлари 8 балл-бардошли ҳамда Гром нави 9 балл-ўта юқори бардошли эканлиги намоён бўлди.

ХУЛОСА

Яқунда МАС технологиясидан фойдаланган ҳолда муваффақиятли яқунланиши қурғоқчилик, совуққа ва шўрланиш каби абиотик стрессларга чидамли янги, юқори ҳосилдор ва оқсилга бой буғдой навларини яратиш билан ифодаланadi. Яратилган янги навлар уруғларининг экилиши фермер хўжаликлари ҳосилдорлигини ошириш ҳамда иқтисодий самарадорлигини янада яхшилаш имконини беради.

REFERENCES

1. P.N., Fox and A.A., Rosille. Reference sets of genotypes and selection for yield in unpredictable environments. 1982. Crop Sci. 22; 1171-1174.
2. Железнов А., Урсул А. «Стратегия адаптивной интенсификации сельского хозяйственного производство. Кишинев, 1983 г.

ANDRAGOGIK YONDASHUVNING TIL TA'LIMIDAGI O'RNI

Madina Alimova

Alisher Navoiy nomidagi ToshDO'TAU tadqiqotchisi

ANNOTATSIYA

Zamonaviy, raqobatbardosh xodimga ish faoliyati davomida istiqbolli rejalarini ro'yobga chiqarishda ta'lim ko'maklashib turadi. Muvaffaqiyatning kaliti o'z ustida tinimsiz ishlash, yangi bilimlarni olishda deb ayta olamiz. Hamda muloqat madaniyati bilan bir qatorda til bilish ko'nikmalariga ham ega bo'lishi talab etiladi. Maqolada til ta'limida androgogik yondashuvning ahamiyati haqida qarashlar berilgan.

Kalit so'zlar: andragogika, pedagogika, psixologiya, xorijiy til, metodika.

KIRISH

Ta'lim, o'qish haqida so'z borganda bizni ko'z oldimizga yosh bola, o'smir yoshdagi o'quvchilar kelishiga o'rganib qolganmiz. Lekin rivojlanib borayotgan zamonaviy dunyoda yoshi katta shaxslar ham doimiy bilim olishga, malakasini oshirishga ehtiyoji balanddir. Muvaffaqiyatga erishish uchun o'z sohalari doirasida malaka oshirishlari, qayta tayyorlov kurslarida o'qish, o'z ustida ishlash, yangi kasblar o'rganishga bo'lgan ehtiyoj borligi sabab kattalar ta'limi (androgogika)ga bo'lgan qiziqish oshmoqda. Ayniqsa 1998-yil YuNESKO tomonidan Gamburgda o'tkazilgan Butunjahon konferensiyasida kattalar ta'limi XXI asrda "eshiklarni ochuvchi kalit" deb e'tirof etilgani hamda Birlashgan Millatlar Tashkilotining (BMT) 1999-yilni "Xalqaro keksalar yili" deb e'lon qilish to'g'risidagi qarori munosabati bilan andragogikaga qiziqish kuchaydi.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

Komillikka intiladigan shaxs mehnat faoliyatidan ajralmagan holda yangi bilim, ko'nikmalarni oladi va saboqlarni ish jarayonida qo'llab malakaga aylantiradi. Ularga yangi bilimlarni berish jarayonida bolalar va kattalar ta'limidagi farqlarni bilish kerak. Bolalar ta'limi va kattalar ta'limini ajratib turadigan asosiy omil bu tajribaning mavjudligi hamda katta yoshli o'rganuvchilar ta'limda undan foydalana olishlaridir. Tajriba insonga kamolot hamda yetuklikni beradi va aynan shu sabab kattalar o'rganish jarayonida hal qilmoqchi bo'lgan muammolarni keltirib chiqaradi. Katta o'rganuvchilar uchun ta'lim jarayoni real hayotdagi o'z qiyinchiliklarini hal qilish



vositasidir. Bu o‘rinda andragogika va pedagogikaning munosabati alohida qiziqish uyg‘otadi. Agar siz semantika va rasmiy mantiqqa amal qilsangiz, unda andragogika kattalar ta‘limi fanidir, pedagogika esa bolalar ta‘limi fanidir. “Andragogika” tushunchasi ilmiy atama sifatida 1833-yilda nemis pedagog -tarixchisi A.Kapp tomonidan fanga kiritilgan hamda grek tilidan (Andros – erkak, odam; agogeyn-yetaklash) olingandir. Shunday qilib androgogika bu - “katta odamni yetaklash” degan ma‘noni anglatadi. Ushbu termin o‘qitishga dahldor bo‘lgani uchun, o‘qitish yordamida yetaklash ma‘nosida tushuniladi. XX asrning 1950-1970-yillarida androgogika kattalar ta‘limi haqidagi mustaqil yo‘nalish sifatida rivojlanishi F.Peggeler, B.Smolovichev, L.Turos va boshqalarning nomlari bilan bog‘liq. 1970-yillarda andragogika asoslarining yakuniy shakllanishi amerikalik olim M.Nouls izlanishlari bilan bog‘liq. Uning “Kattalar ta‘limida zamonaviy amaliyot. Androgogika pedagogikaga qarshi” ishi yangi fan asoslarini shakllantirgan.

Quyidagi mualliflarning tadqiqotlari andragogik yondashuvni o‘rganishga bag‘ishlangan: L.V. Linevich (2002), S.A. Filina (2005), A.V. Glazyrina (2006), A.I. Kukuyeva (2010) va boshqalar L.V. Linevich universitetda talabalarni o‘qitishga andragogik yondashuvga bag‘ishlangan dissertatsiya tadqiqotida texnik oliy o‘quv yurtidagi andragogik sharoitlarni belgilaydi va ilmiy asoslaydi. Andragogik yondashuvning mohiyati muallif tomonidan ta‘lim maqsadlarini konkretlashtirish, ta‘lim tamoyillarini taqsimlash, ta‘lim mazmunini qurish mezonlari va tamoyillarini ishlab chiqish, ta‘lim faoliyatini tashkil etish usullari va shakllarini tanlash orqali taqdim etiladi.

Kattalar deganda biz qaysi yosh qatlamini tushunamiz? Kattalar ta‘limiga ehtiyoj mehnat bozori bilan bog‘liq. Bu esa mehnatga layoqatli qatlamni o‘z ichiga olishini bildiradi. Yosh masalasida adabiyotlarda turlicha qarashlar bor lekin yaxlit ma‘lumot berilmagan. Xususan rus olimi S.I.Zmeyovning izlanishlarida o‘n sakkiz yoshdan oltmish besh yoshgacha deb qayd etilgan. Ta‘lim jarayonida andragogik yondashuvga amal qilish orqali samarali natijaga erishish mumkin. Bu o‘rinda psixologlar katta yoshli ta‘lim oluvchini o‘quvchi yoki talabadan farqlab turuvchi 5 ta asosiy belgilarni belgilab berishgan. Biz ularni bilib olishimiz va til o‘rgatish jarayonida o‘rinli qo‘llay olishimiz kerak. Ular quyidagilar:

Avvalo, katta yoshli inson o‘zini mustaqil, o‘z-o‘zini boshqaradigan shaxs sifatida anglaydi va uni boshqarish harakatiga ko‘p hollarda tanqidiy munosabatda bo‘ladi.

Keyin, katta yoshli inson dunyoqarashni shakllantiradigan hayotiy, ijtimoiy, kasbiy tajribaning katta zahirasini to‘playdi va

kelayotgan har qanday axborotni shu tajriba nuqtai nazaridan baholaydi.

Uchinchidan, katta yoshli inson o'qishga amaliy yondashadi, o'qish yordamida hayotiy muammolarini hal etishga harakat qiladi.

To'rtinchidan, o'quvchi yoki talabdan farqli ravishda, u olgan bilimlarini shu zahoti qo'llashga va o'quv jarayonidan shu zahoti qoniqish hosil qilishga harakat qiladi.

Beshinchidan, uning axborotni idrok etish jarayoni emosional baholash bilan birga kechadi, bunda uning miyasi salbiy hissiyot uyg'otadigan har qanday axborotni to'xtatib qo'yishga harakat qiladi.

Andragogika kattalar ta'limining nazariy asosidir. Til andragogikasichi? bu katta yoshdagi o'rganuvchilarning yosh xususiyatlari, kommunikativ kompetensiyasini shakllantirish va rivojlantirish, mazkur jarayonni pedagogik tomondan boshqarish uchun ta'sirli usullarni ochib beradigan hamda metodikaning xorijiy tillarni o'rgatish bo'limidir. R.P.Milrud izlanishlariga ko'ra kattalar uchun xorijiy til kurslariga asosiy talablar quyidagilar:

- qo'yilgan maqsadga mos o'quv dasturni tuzish;
- o'quv dasturi mazmuning shaxsiy ahamiyati;
- kursning amaliyligi.

Bu talablarga amal qilgan holda kattalarga til o'qitish jarayonida mavjud muammolarga ham e'tibor qaratish kerak. Katta yoshli auditoriyalarda xorijiy tilni o'rganish bilan bog'liq quyidagi muammolarni ko'rishimiz mumkin:

-Xorijiy tilni o'rganishda shaxsiy tajribaning borligi. Katta yoshli shaxsning maktab va undan keyingi ta'lim jarayonida shakllangan tajribasi sababli o'rganish jarayoniga o'z qarashlari bo'ladi. Masalan ko'p kattalar zamonaviy kommunikativ o'quv metodini tan olishmaydi. Bu metodga ko'ra til turli hayotiy vaziyatlar kommunikatsiya vositasi sifatida xizmat qiladi. Ular grammatik tarjima usullarini avzal ko'rishadi.

- Ijtimoiy majburiyatlar. Katta odamlar hayoti kundalik, oilaviy, professional tashvishlar bilan bog'liq bo'ladi. Shu sababli chet tilini o'rganishga vaqti yetmaydi. Til o'rganish nafaqat vaqt balki investitsiya hamda kuch sarflashni talab etadi.

-Moliyaviy muammolar. Hammada ham chet tillarini qo'shimcha o'rganish uchun kurslarga borish sharoiti bo'lavermaydi. Ana shunday kurslarda o'qituvchi nazorati, til o'rganish muhiti bo'ladi bu esa o'z o'rnida til materialini oson o'zlashtirishiga imkon beradi.

-Til o'rgatish materiallarni tanlanishi. O'rganuvchining professional faoliyatiga oid til materialidan foydalanishi, bu



so‘zlashuv mashqlariga ham taalluqlidir. Aksariyat darslarda faqat gapirish ko‘nikmasi shakllanishiga da‘vogar bo‘lishadi, yozuv ko‘nikmasi qiziq emas kabi fikrlarni aytishlari mumkin. Biroq barcha til bilish ko‘nikmalari bir biri bilan chambarchas bog‘liqdir.

- Bilish darajalarini har xilligi . Odatda o‘rganuvchilar tezroq o‘zlashtirishlariga zahiradagi bilimlari sabab bo‘lishi mumkin. Biroq bor bilimlarning to‘g‘ri emasligi yangi bilim olishga salbiy ta‘sir qiladi . Tajribaga ko‘ra bunday yangilash bilimlarni unutish qiyin kechadi.

-Professional maqom. Katta yoshli o‘quvchining kasbiy holati ham kommunikatsiya jarayonini belgilaydi. Professional maqom o‘qituvchi tomonidan tanlanadigan vazifalarda muhim rol o‘ynaydi.

-Begona madaniyatni qabul qila olmaslik. Katta yoshli auditoriyaning ongiga o‘z madaniyati singgani o‘rganish jarayonini susaytirishi mumkin . Chunki til –bu madaniyatning o‘ziga xos ko‘rinishidir. Kattalardagi dunyo qarashni shakllanganligi, lingvistik fikrlash mavjudligi boshqa madaniyatning xususiyatlarini, til tuzilishini qabul qila olmasligi ham chet tilini o‘rganishda qiyinchiliklarga sabab bo‘lishi mumkin.

XULOSA

“Pedagogika”(bolalarga ta‘lim berish) hamda “andragogika” orasida katta farqlar mavjud. Pedagogikadagi metodik yondashuv andragogik ta‘limda ijobiy natija bermasligi mumkin. Shiddat bilan rivojlanayotgan zamonda soha doirasida olingan bilimlarni yangilab borilishi talab etilmoqda. Andragogik ta‘lim orqali kadr nafqat o‘zi balki faoliyat yurutayotgan tashkilotini rivojlanishiga ham o‘z hissasini qo‘shayapgan bo‘ladi. Yuqorida aytilganlarning barchasiga asoslanib kattalar auditoriyasida yangi ma‘lumotni idrok etish va o‘zlashtirish sifatiga ta‘sir qiluvchi omillarni hisobga olish kerak degan xulosaga keldik. Kattalar aniq maqsadga ega ekanligi yuqori motivatsiyadir boshqa tomondan o‘quv jarayoniga ta‘sir qiluvchi psixologik to‘siqlar borligi til o‘rganish jarayonida yosh xususiyatlari ahamiyatli ekanini ko‘rsatadi.

REFERENCES:

1. Asqarova O‘.M. va boshqalar.Andragogika (o‘quv qo‘llanma). N.2014
- 2.Abdiyev A. 2023. “Pedagog kadrlar malakasini oshirish tizimida andragogik yondashuvni joriy etish”. O‘zbekiston: til va madaniyat 1(4): 4–12.



3. Громкова М.Т., Андрагогика теория и практика образования взрослых. М.: ЮНИТИ-ДИАНА, 2017
4. Кох М.Н., Пешкова Т.Н. Основы педагогики и андрагогики. Учебное пособие. Краснодар. 2015
5. Knowles, M.S. The Modern Practice of Adult Education: from Pedagogy to Andragogy (Rev. Ed.) / M.S. Knowles. – N.Y.: Association Press. – 1980.– 400 p.
6. Мильруд Р.П. Актуальные проблемы языковой андрагогики // Вопросы современной науки и практики. Университет им. В.И. Вернадского. 2016. №1(59) С.176-180
7. Хофизова Л.Ю. Негативное влияние жизненного опыта взрослых обучающихся на процесс обучения иностранному языку // Современные проблемы науки и образования. 2015. № 5.
8. Shodmonova M. Ona tili va adabiyot o'qituvchilarining kasbiy tayyorgarligini rivojlantirish texnologiyalari: monografiya. Toshkent: Nodirabegim, 2021.-3b.



PROSPECTS AND ACHIEVEMENTS OF MODERN COLLOID CHEMISTRY

Ilkhomjon Melikuzi ugli Khamrakulov

ilyachemist92@gmail.com

ABSTRACT

Colloid chemistry, a branch of physical chemistry, has seen remarkable advancements in recent years, opening up new avenues for scientific exploration and practical applications. This article delves into the prospects and achievements of modern colloid chemistry, highlighting its relevance in various industries and the fundamental insights it offers into the behavior of colloidal systems. We discuss key methods and techniques that have contributed to these achievements and explore how colloid chemistry is shaping the future of materials science, pharmaceuticals, and environmental science.

Keywords: Colloid chemistry, colloidal systems, nanoparticles, self-assembly, surface chemistry, applications, nanotechnology.

АННОТАЦИЯ

Коллоидная химия, раздел физической химии, за последние годы добилась значительных успехов, открыв новые возможности для научных исследований и практического применения. В этой статье рассматриваются перспективы и достижения современной коллоидной химии, подчеркивается ее актуальность в различных отраслях промышленности и фундаментальные идеи, которые она предлагает в отношении поведения коллоидных систем. Мы обсуждаем ключевые методы и приемы, которые способствовали этим достижениям, и исследуем, как коллоидная химия формирует будущее материаловедения, фармацевтики и науки об окружающей среде.

Ключевые слова: Коллоидная химия, коллоидные системы, наночастицы, самосборка, химия поверхности, приложения, нанотехнологии.

INTRODUCTION

Colloids are ubiquitous in our daily lives, even if we may not always recognize them. From the milk we pour into our morning coffee to the lotions we apply to our skin, colloidal systems play a vital role in a wide range of applications. Colloid chemistry, which focuses on understanding the behavior of these systems, has evolved significantly over the



years. Modern colloid chemistry not only provides us with a deeper understanding of nature's processes but also opens doors to groundbreaking innovations across various fields.

In this article, we will explore the prospects and achievements of modern colloid chemistry, discussing the methods that have enabled these advancements and the implications they hold for industries such as materials science, pharmaceuticals, and environmental science.

Methods: Modern colloid chemistry relies on a variety of experimental and theoretical methods that allow scientists to study the properties and behavior of colloidal systems with precision. Some of the key methods include:

1. **Dynamic Light Scattering (DLS):** DLS is a non-invasive technique used to measure the size distribution of particles in a colloidal suspension. By analyzing the fluctuations in scattered light, researchers can determine the hydrodynamic radius of particles, providing crucial information about their size and mobility.

2. **Electron Microscopy:** Transmission Electron Microscopy (TEM) and Scanning Electron Microscopy (SEM) have revolutionized our ability to visualize colloidal structures at nanoscale resolution. These techniques enable the direct observation of nanoparticles, aggregates, and their interactions.

3. **Zeta Potential Analysis:** Zeta potential measures the electrostatic charge at the surface of colloidal particles. It plays a crucial role in understanding the stability and behavior of colloidal dispersions. A higher absolute zeta potential usually indicates greater electrostatic repulsion between particles, preventing aggregation.

4. **X-ray Scattering Techniques:** Small-angle X-ray scattering (SAXS) and wide-angle X-ray scattering (WAXS) provide information about the size, shape, and internal structure of colloidal particles. They are particularly useful for studying complex colloidal structures and their phase behavior.

5. **Nanoparticle Synthesis and Characterization:** Modern colloid chemistry has seen a surge in the development of novel synthesis methods for nanoparticles, including chemical, physical, and biological approaches. Characterization techniques like X-ray photoelectron spectroscopy (XPS) and nuclear magnetic resonance (NMR) help verify the composition and purity of synthesized particles.

6. **Computational Modeling:** Theoretical methods, including molecular dynamics simulations and Monte Carlo simulations, have become indispensable tools in colloid chemistry. These models can predict the behavior of colloidal systems under various conditions, providing valuable insights into their properties.

Discussion: 1. Nanoparticle Engineering:

One of the most significant achievements of modern colloid chemistry is the precise engineering of nanoparticles. Researchers can now tailor nanoparticles in terms of size, shape, surface chemistry, and even internal structure. This level of control has far-reaching implications in various fields.

In the realm of materials science, nanoparticles find applications in catalysts, advanced coatings, and high-performance materials. For example, gold nanoparticles with specific shapes exhibit enhanced catalytic properties, opening up new possibilities in green chemistry and energy conversion processes.

2. Self-Assembly:

Colloidal systems are known for their ability to self-assemble into ordered structures. Modern colloid chemistry has unraveled the secrets of self-assembly, allowing scientists to design materials with precisely tuned properties. For instance, by manipulating the surface chemistry of colloidal particles, researchers can induce them to form photonic crystals with unique optical properties, holding promise for applications in optical computing and sensing.

3. Drug Delivery and Biomedicine:

In the pharmaceutical industry, colloidal systems such as liposomes and nanoparticles are being used for targeted drug delivery. These systems enable the controlled release of drugs, reducing side effects and improving therapeutic outcomes. Furthermore, advances in colloid chemistry have facilitated the development of nanomedicines that can target specific tissues or cells, enhancing the efficacy of treatments for various diseases.

4. Environmental Remediation:

Modern colloid chemistry is also making significant contributions to environmental science. Colloidal nanoparticles can be used to remove contaminants from water and soil. Functionalized nanoparticles can selectively adsorb pollutants, heavy metals, and organic compounds, offering a sustainable approach to environmental remediation.

5. Energy Applications:

REFERENCES

1. Н.О. Полвонов, У.Э. Каюмов “ОБЗОР И АНАЛИЗ СУЩЕСТВУЮЩИХ МЕТОДОВ СТЫКОВКИ КОНВЕЙЕРНЫХ ЛЕНТ” // I Евразийский горный конгресс 2021г. 201-202 ст
2. Polvonov, N. O., Atakulov, L. N. (2021). Method of conveyor belts jointing when using special vulcanization compounds. ISJ Theoretical & Applied Science, 08 (100), 17-21.
3. Атакулов Л.Н., Полвонов Н.О., Каюмов У.Э. Обзор и анализ диагностики определения дефектов конвейерной ленты // Universum: технические науки : электрон. Научн. Журн. 2022. 2(95).
4. Н.О. Полвонов., У.Э. Каюмов., Ш. Пардаева “ИЗБЕЖАНИЕ ПОВРЕЖДЕНИЙ КОНВЕЙЕРНОЙ ЛЕНТЫ С ПОМОЩЬЮ УСТРОЙСТВ КОНТРОЛЯ СХОДА ЛЕНТЫ” // I Евразийский горный конгресс 2021г. 234-235 ст
5. Polvonov N.O., “Tasmali konveyer tasmasining mexanik ta’sirlarga chidamliligini tahlil qilish” Academic Research in Educational Sciences, 885–892 p. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-2-885-892>
6. Атакулов Л.Н., Тошов Ж.Б., Каххаров С.К., Хайдаров Ш.Б. Метод обнаружения обрыва резинотросовых лент в местах их стыковки // Горный вестник Узбекистана. – Навои, 2018. – №3. – С. 61-65.



ЃЎЗА НАВЛАРИНИНГ КИЧИК НАВ СИНАШ КЎЧАТЗОРЛАРИДА МОРФОХЎЖАЛИК ВА ТОЛА СИФАТ БЕЛГИЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Зухра Алишер қизи Қутлимурадова

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти
магистранти

Сарбиназ Сапарбай қизи Бердибаева

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти
3-босқич талабаси

Айгул Юра қизи Абдуллаева

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти
2-босқич талабаси

АННОТАЦИЯ

С-4728 нави тола сифат белгилар бўйича андоза С-4727 навидан устун бўлиб, тола узунлиги $33,9\pm 0,17$ мм, микронейр кўрсаткичи $4,4\pm 0,03$ ни, солиштирма узилиш кучи $32,8\pm 0,12$ гс/текс, юқори ва ўртача узунлиги $1,14\pm 0,05$ дюйм ва толаси IV тип хослиги аниқланди. Истикболли С-4728 ғўза нави толасининг барча технологик белгилари бўйича жаҳон бозори талабларига тўлиқ жавоб беришидан далолат беради.

Калит сузлар: ғўза, нав, тола, узунлик, микронейр, тип.

ABSTRACT

For all the studied characteristics, the cotton variety S-4728 was superior to the standard variety S-4727, in fiber type IV, micronaire index - 4.4 ± 0.03 , specific breaking load - 32.8 ± 0.12 gf/tex, top average length - 1.14 ± 0.05 inches. According to all technological characteristics of the fiber, the promising cotton variety S-4728 meets the requirements of a market economy.

Keywords: cotton, variety, fiber, length, micronaire, type.

КИРИШ

Ҳар бир ғўза нави морфоҳўжалик ва тола сифати белгилари бўйича биридан фарқ қилади. Шунга кўра, бугунги кунга келиб, генетик ва селекционер олимлар томонидан айрим қимматли-хўжалик белгиларининг (тезпишар, ҳосилдор, тола



технологик сифати, сув танқислигига, касаллик ва зараркунандаларга чидамли) юқори кўрсаткичларига эга ғўза навлари яратилган ва яратиш ишлари давом этмоқда. Ҳосилдор, тезпишар, юқори сифатли тола берадиган навларни яратиш учун юқоридаги белгиларни ўзида мужассамлаштирган районлашган ва истиқболли ғўза навларини чатиштириб, улардан юқори кўрсаткичга эга бўлган генотипларни ажратиб олиш зарур. Ғўза навларидан олинадиган маҳсулотлар ичида энг қимматлиси тола ҳисобланади.

Ғўзанинг хўжалик учун қимматли бўлган кўпчилик белгилари мураккаб тузилишга эга бўлиб, уларнинг бу мураккаблиги қатор таркибий кўрсаткичларга боғлиқдир. Масалан, хўжалик белгиларидан – бир дона кўсакдаги пахта вазни, тола чиқими, тола узунлиги ва бир қанча сифат кўрсаткичлари асосий омиллардан ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ғўза навлари генотипик ва фенотипик жиҳатдан жуда хилма-хил бўлиб, лимит (кўрсаткичларнинг минимум ва максимум оралиғи) даражаси жуда ҳам юқори кўрсаткичга эгадир. Бу ишлаб чиқаришда бир қанча муаммоларни юзага келтириб қийинчиликлар туғдиради. Натижада деҳқонлар талабларини тўла қондира олмаслигига сабаб бўлмоқда. Бунинг асосий сабаби, белгилар маълум бир мувозанатликка эга эмаслигидандир. Белгилар мувозанатлигининг бузилиши ҳосилдорлик ва ҳосил сифатининг кескин тушиб кетишига олиб келади [1].

Тола микронейри – пахта толаси намунасининг ҳаво ўтказувчанлигига қараб толанинг ингичкалиги ва пишиб етилганлигининг кўрсаткичидир. Микронейр кўрсаткичи ҳозирги вақтда халқаро бозорда пахта толасининг пишиқлиги ва етилганлик даражасига қараб қабул қилинган, яъни биринчи ва иккинчи саноат навларида 3,5-4,9 оралиғида бўлиши керак. Олимларнинг таъкидлашича [3], микронейр кўрсаткичи толанинг чизиқли зичлиги билан ўзаро боғлиқ микрограммнинг дюймга нисбатини, шу билан биргаликда, толанинг пишиб етилганлик даражасини ҳам белгилайди. Шунингдек, толанинг ранги, жинлашдан кейинги сифати бўйича ташқи кўриниши, нуқсон ва ифлос аралашмаларнинг вазнли узилиши (%), намликнинг вазнли нисбати (%) ҳам унинг баҳосига катта таъсир кўрсатади.

Кейинги йилларда дунё бозорида толанинг микронейр кўрсаткичига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўрта толали пахта навлари учун микронейр кўрсаткичининг асосий диапазони 3,5-4,5 чегарасида бўлиши керак. Микронейр кўрсаткичи 4,9 дан



юқори ёки 3,5 дан паст бўлган ҳолатда белгиланган тартибда толанинг нархи камайтиради [2].

Тажрибада агротехник тадбирлар тажриба майдонида умумий қабул қилинган тарзда олиб борилди. Минерал ўғитлар экиш олдида, экишда ва вегетация даврида 3 марта озиклантириш йўли билан (1-чи озиклантириш шоналаш бошланганда, 2-чиси оммавий шоналашда, 3-чиси гуллаш – ҳосил тўплашда) берилди. Минерал ўғитларнинг йиллик меъёри соф ҳолатда N-250 кг/га, P₂O₅-180 кг/га ва K₂O-115 кг/га ни ташкил этди. Экиш далаларда 90x20x1 схемасида апрель ойининг учинчи декадасида ўтказилди. Чигитлар ерга 4-5 см чуқурликда экилди.

Тажрибамизда манба сифатида гўзанинг С-4727 ва С-4728 навлари ўрганилди. Тажриба олиб бориш жараёнида навларнинг муҳим тола сифати кўрсаткичлари ва қимматли хўжалик белгилари таққослаб ўрганилди. Бу навлар 3 та такрорланишдан, ҳар бир такрорланишда 6 та қатордан ҳаммаси бўлиб 36 қатор, 90x20x1 схемасида экилди. Ўсимлик униб чиққан кунидан бошлаб фенологик кузатувлар олиб борилди: 50% унувчанлик; 50% гуллаш; 50% кўсак очилиши ҳисоб-китоб қилинди. Навларнинг ҳар биридан 100 тадан ўсимлик ўрганилди ва НВИ аппаратида тола сифати кўрсаткичларини аниқлаш, генетик ва статистик таҳлил услублари қўлланилган.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Фенологик кузатув ишлари андоза нави ҳисобланган С-4727 навига таққослаб олиб борилди: унувчанлик ва унувчанлик қуввати, чинбарг чиқариш, шоналаш, гуллаш, кўсак очилиши, ўсимлик бўйи, моноподиал ва симподиал шохлар сони ва битта ўсимликдаги кўсақлар сонини ҳисобга олинди. Кузатувлар натижасига кўра, С-4728 нави андоза навига нисбатан мос равишда унувчанлиги 0,5-0,4 кунга, гуллаши 1,8-2,1 кунга, кўсак очилиши 2,9-4,5 кунга эрта бўлганлиги кузатилди. Ҳосил шохлари 1,4-5,2 донага, битта ўсимликдаги кўсақлар сони 2,2-3,1 донага кўп эканлиги аниқланди (жадвал.1).

Вегетация даврининг ўсимликлар қийғос гуллаган вақтида I дала кўриги ва ўсимликлар кўсакка кирган даврида II дала кўриклари ўтказилди. Дала кўриклари барча оилалар бирма-бир кўздан кечирилди ва ўсимликларни чиқитга чиқариш асосан навга хос бўлмаган, сийрак кўчат олинган, зараркунандалар билан зарарланган ҳамда касалликлар билан касалланган қаторларда олиб борилди.

1- жадвал

Фенологик кузатувлар натижалари

№	Фенологик кузатувлар	C-4727			C-4728		
		M±m	σ	V,%	M±m	Σ	V,%
1	Унувчанлик (50%, кун ҳисобида)	8,7±0,13	0,92	15,2	8,2±0,11	0,87	13,8
2	Гуллаш (50%, кун ҳисобида)	58,2±0,17	1,08	17,4	56,4±0,14	0,97	15,7
3	Кўсак очилиши (50%, кун ҳисобида)	112,3±0,23	1,12	18,1	109,4±0,19	1,02	16,1
4	Ўсимлик бўйи, см	106,3±0,98	9,76	9,33	97,6±0,83	8,35	8,56
5	Ҳосил шохлари сони, дона	12,0±0,12	0,61	7,2	13,4±0,11	0,53	6,3
6	Битта ўсимликдаги кўсақлар сони, дона	17,2±0,29	1,47	22,4	19,4±0,22	1,32	20,5

2-жадвал

Қимматли-ҳўжалик белгиларининг натижалари

№	Белгилар	2021 йил						2022 йил					
		C-4727			C-4728			C-4727			C-4728		
		M±m	σ	V,%	M±m	σ	V,%	M±m	σ	V,%	M±m	σ	V,%
1	Бир дона кўсақдаги пахта вазни, г.	5,5±0,10	0,53	9,51	6,2±0,09	0,52	8,38	5,5±0,12	0,53	9,51	6,7±0,36	0,73	11,0
2	Ҳосилдорлик, ц/га.	34,2±1,3	2,14	24,6	41,4±1,12	1,88	19,7	32,8±1,3	2,14	24,6	41,6±1,12	1,88	19,7
3	Тола чиқиши, %	34,4±0,23	1,27	3,70	38,1±0,23	1,26	3,36	34,1±0,23	1,27	3,70	39,4±0,62	1,23	3,12
4	Тола узунлиги, мм	33,2±0,09	0,63	1,90	33,7±0,11	0,81	2,40	33,0±0,09	0,63	1,90	34,4±0,65	1,29	3,76
5	1000 дона чигит вазни, г.	115,2±0,16	0,84	2,01	118,6±0,1	0,76	1,89	114,7±0,16	0,84	2,01	123,0±0,1	1,05	7,92

3-жадвал

Тола сифат кўрсаткичлари (Республика "Сифат" маркази маълумотлари)

№	Белгилар	2021 йил						2022 йил					
		C-4727			C-4728			C-4727			C-4728		
		M±m	σ	V,%	M±m	Σ	V,%	M±m	Σ	V,%	M±m	σ	V,%
1	Mic	4,7±0,06	0,36	7,22	4,3±0,05	0,29	6,16	4,8±0,07	0,41	7,82	4,3±0,04	0,26	5,84
2	Str	29,8±0,14	1,05	3,54	30,4±0,20	1,09	3,64	29,6±0,17	1,12	3,78	30,7±0,2	1,11	3,71
3	Len	1,09±0,05	2,55	2,34	1,14±0,05	2,70	2,41	1,09±0,05	2,83	2,42	1,14±0,05	2,63	2,39
4	Unf	84,4±0,11	0,58	0,69	84,5±0,13	0,74	0,87	84,2±0,11	0,55	0,74	84,6±0,17	0,81	0,80
5	Elg	8,2±0,08	0,42	5,11	10,0±0,17	0,94	9,41	8,3±0,12	0,47	5,23	10,1±0,16	0,88	9,22
6	SFI	4,35±0,12	0,64	14,7	4,99±0,14	0,77	15,5	4,33±0,11	0,59	14,2	5,01±0,1	0,74	15,1

Ѓўза навлари ҳосилидан териб олинган якка танлов ўсимликлари ва оилаларнинг лаборатория шароитида бир ўсимликдаги пахта оғирлиги, чигитни толадан ажратиш, тола чиқими ва узунлиги, бир дона кўсақдаги пахта вазни ва 1000 дона чигит вазни андоза навига таққослаб ўрганилди.

Лаборатория шароитида ғўзанинг истиқболли C-4728 навини, Давлат реестрига киритилган C-4727 нави билан таққослаб ўрганилганда андоза навига нисбатан мос равишда қуйидаги натижалар олинди: битр дона кўсақдаги пахта вазни бўйича 0,7-1,2 г., ҳосилдорлик 7,2-8,8 ц., тола чиқими 3,7-5,3%, тола узунлиги 0,5-1,4 мм

ҳамда 1000 дона чигит вазни 3,4-8,3 г. юқори бўлганлиги кузатилди (жавдал.2.).

Изланишларимизда териб олинган андоза нави С-4727 ва истиқболли С-4728 навларидан 100 тадан якка танлов ўсимликларининг тола сифат кўрсаткичлари Республика «Сифат» марказида аниқланди. Кейинги йилларда дунё бозорида толанинг микронэйр кўрсаткичига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўрта толали пахта навлари учун микронэйр кўрсаткичининг асосий диапазони 3,5-4,5 чегарасида бўлиши керак. Микронейр кўрсаткичи 4,9 дан юқори ёки 3,5 дан паст бўлган ҳолатда белгиланган тартибда толанинг нархи камайтиради.

С-4728 нави микронейр кўрсаткичи андоза навига нисбатан мос равишда 0,4-0,5 га паст бўлганлиги кузатилди. Демак, С-4728 навининг толаси жаҳон бозори талабларига тўлиқ жавоб беради. **Str**-солиштирама узилиш кучи кўрсаткичи бўйича С-4727 навидан 0,6-1,1 гс/текс га, **Len** – юқори ўртача узунлик белгиси андоза навидан икки йилда ҳам бир хил яъни 0,05 дюймга юқори бўлиб, С-4728 нави IV типга мансублигини кузатилди. **Unf** – узунлик бўйича бир хиллик индекси белгиси бўйича С-4728 нави андоза навига нисбатан 0,2% га юқори бўлганлиги кузатилди.

Elg (Elongation) - узилишдаги узайиши HVI тизимидаги динамометрда толанинг узилишдаги узайиши фоизда (%) ифодаланади. Ушбу кўрсаткич бўйича С-4728 нави андоза навига нисбатан 1,8% юқори натижа кўрсатди. **SFI (Short Fiber Index)** – калта толалар индекси намунадаги узунлиги 0,5 дюймдан (12,7 мм) калта бўлган толалар узунлиги бўлиб, фоиз (%) ҳисобида ифодаланади ва С-4728 нави андоза навидан мос равишда 0,64-0,68% юқори натижа кўрсатди (жадвал.3.).

ХУЛОСА

Қорақалпоғистон Республикаси шароитида кичик нав синаш кўчатзорида ғўзанинг С-4728 нави С-4727 нави билан таққсолаб ўрганилганда тола сифат белгилар навидан устун бўлиб, тола узунлиги $33,9 \pm 0,17$ мм, микронейр кўрсаткичи $4,4 \pm 0,03$ ни, солиштирама узилиш кучи $32,8 \pm 0,12$ гс/текс, юқори ва ўртача узунлиги $1,14 \pm 0,05$ дюйм ва толаси IV тип хослиги аниқланди. Истиқболли С-4728 ғўза нави толасининг барча технологик белгилари бўйича жаҳон бозори талабларига тўлиқ жавоб беришидан далолат беради.

REFERENCES

1. Тўйчиев Х.Ю., Курязев З.Б., Ризаева С.М. Бир дона кўсақдаги пахта вазининг статистик таҳлили. // А.А. Абдуллаев



таваллудининг 80 йиллигига бағишланган “Ўзанинг дунёвий хилма-хиллиги генофонди-фундаментал ва амалий тадқиқотлар асоси”. Халқаро илмий анжуман. – Тошкент. 2010. – Б. 128-130.

2. Эгамбердиев А.Э., Ибрагимов Ш.И., Амантурдиев А.Б. Ўза селекцияси, уруғчилиги ва биологияси. // – Тошкент. 2009. – Б. 17.

3. Wendell J.F., Brubaker C.L. and Seelanan. The origin and Evolution of Gossypium. In: Stewart J.M.; Oosterhuis D.; Heitholt J.J. and Mauney J.R., editors, Physiology of cotton. // Springer, Dordrechuis, The Netherlands. – 2010. – P. 1-18.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСРОИЛ БИЛАН САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ

Шохрухбек Турғунбой ўғли Зокиров

мустақил изланувчи

АННОТАЦИЯ

Давлатлараро иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик ўзаро муносабатларни ривожлантиришда муҳим ҳисобланади. Чунки иқтисодий соҳа ҳамкорликнинг мазмунини, ўзаро манфаатлар уйғунлигини ва алоқалар ривожининг истиқболлини белгилаб бериши билан аҳамиятлидир. Ўзбекистон Исроил муносабатларининг савдо иқтисодий жиҳатларини тадқиқ қилиш орқали ўзаро муносабатларнинг ўсиш даражаси ва истиқболларини прогнозлаш мумкин бўлади.

Калит сўзлар: иқтисодий манфаатлар, “Ҳапоел” банк, Исроил лоббисининг аралашуви, аграр соҳа.

ABSTRACT

Cooperation in the interstate economic sphere is important in the development of mutual relations. Because the economic sphere is important because it determines the content of cooperation, the harmony of mutual interests and the perspective of the development of relations. By studying the trade and economic aspects of Uzbekistan-Israel relations, it will be possible to forecast the level of growth and prospects of mutual relations.

Keywords: economic interests, "Hapoel" bank, intervention of Israel lobby, agrarian sector.

КИРИШ

Исроилнинг Ўзбекистондаги асосий стратегик иқтисодий манфаатлари бу ўз маҳсулот ва хизматларини сотиш учун бозор ва давлатимизнинг транспорт йўллари, хом-ашё материаллари ва энергия манбаларидан фойдаланишдир.

Собиқ Иттифокдан мустақилликка эришган Марказий Осий минтақаси давлатларига хусусан, Ўзбекистонга иқтисодий жиҳатдан ўзлаштириш учун исроиллик ишбилармонлар биринчилардан бўлиб келди. Улар истеъфодаги ва амалдаги дипломатлар, махсус хизмат ходимлари, ҳарбийлар ва мамлакат сиёсий элита вакиллари билан шахсий алоқаларидан фойдаланиб, ўз бизнесларини йўлга қўйишга



киришишиди. Исроил бизнеси Марказий Осиё бозорига кириши ва ўзлаштириши ҳақида матбуотда кам ёритилган бўлсада, Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорлик борасида муваффақиятли фаолиятни амалга оширди.

Жумладан, Исроилнинг йирик бизнесга йўналган иқтисодий компонентнинг роли ошди. Исроилликлар ишбилармонлар томонидан жуда тез суратларда Ўзбекистон иқтисодиётининг энг муҳим тармоқлари бўлган энергетика, нефт ва газ қазиб олиш, табиий ресурсларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳаларига кириб боришга уринишлар бўлди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистонга Исроил бизнес вакилларининг кириб келишида Исроил ташқи разведка идораси МОССАДнинг собиқ раҳбари ўринбосари **Д.Кимхе** муҳим рол ўйнади. Д.Кимхе Совет Иттифоқи кулашидан олдин ҳам минтақанинг мусулмон республикаларидаги сиёсий элиталар билан кенг алоқаларни ривожлантирган бўлиб, айнан у Ш.Айзенберг, Б.Штейнмец ва Й.Мейманларни 1991 йилда Марказий Осиёнинг сиёсий элита ва истеблишмент вакиллари билан таништирган. Унинг ёрдамида исроиллик ишбилармонларнинг компаниялари Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон ва Қозоғистонда фаолиятни бошлади.

Шунингдек, Исроилнинг Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришида бугунги кунда Кнессет депутати **А.Либерманнинг ўзига хос ўрни бор**. А.Либерман 1997 йилда Исроил Бош вазири Б.Нетаняхунинг канцелярияси бош директори сифатида Марказий Осиё мамлакатлари бўйлаб сафаридан Исроилга қайтгач, Б.Нетаняхуга минтақа давлатларига Исроилнинг таъсирини ёйиш имкониятини бой бермасликни тавсия қилди. А.Либерман иқтисодиётнинг турли соҳаларида минтақа давлатларга кенг қўламли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Бош вазирга таклифлар беради.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримовнинг 1998 йил 14-16 сентябрь кунлари Исроилга амалга оширган расмий ташрифи икки томонлама сиёсий ва иқтисодий муносабатларни амалга оширишга сезиларли ижобий таъсир кўрсатди. Ташриф арафасида И.Каримов Исроилнинг “Время” газетасига берган интервьюсида ўз мақсади давлатлараро савдо-иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш эканини таъкидлади.

Жумладан, 1998 йил сентябр ойида Исроилнинг “**Хапоел**” банки ва Ўзбекистон Миллий банки ўртасида банк соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. 2000 йил

декабр ойида Б.Штейнмецга қарашли Исроилнинг "Бейтман Проджектс лимитед" компанияси Қашқадарё вилоятидаги Ўзбекистондаги энг йирик газ қонида компрессор станциясини қуриш бўйича қиймати **195,2 млн.долларлик** шартнома имзолади. Асосий кредиторлардан бири Исроилнинг "Хапоалим" банки бўлди ва ушбу лойиҳа 2003 йилнинг октябр ойида яқунланди ҳамда станция фойдаланишга топширилди. Исроил компанияси эса ўша пайтда **Ўзбекистондаги энг йирик хорижий инвесторга айланди.**

2000 йилнинг охирига келиб, Ўзбекистонда Исроилнинг уч йирик компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрастган, жумладан, қишлоқ хўжалиги бўйича лойиҳалари билан "М.А.Д." корпорацияси, томчилаб суғориш йўналишида "Негафим ЛТД" ва турли косметик маҳсулотлар билан шуғулланувчи "Лерона косметикс". Шунингдек, 2000 йилда Ўзбекистонда Исроил капитали иштирокида **24 та қўшма корхона** рўйхатга олинган. Ушбу корхоналар асосан савдо, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларида фаолият кўрсатган.

2001 йил 6 июль куни Тошкент шаҳрида Исроил миллий инфраструктура вазири А.Либерман ва Ўзбекистон Бош вазири У.Султонов "Савдо-иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш истиқболлари тўғрисида"ги қўшма Декларацияни имзолادилар.

2003 йил ноябрь ойида "Бейтман" Ўзбекистондаги энг йирик корхоналардан бири Навоий кон-металлургия комбинати билан "Коклатас" ва "Даугизтау" конларидан **олтин қазиб олиш лойиҳасини** молиялаштириш бўйича шартнома имзолади. **Исроил лоббисининг аралашуви** билан ушбу лойиҳага Европанинг бир неча банклари 200 миллион доллар миқдоридоридаги кредит ажратди. Натижада ушбу конлардан йилига 5 тонна эмас 20 тонна олтин қазиб олиш имконияти юзага келди.

Шу билан бирга, давлатлар ўртасида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш йўналишида яхши натижаларга эришилди. Қўшма семинарлар ташкил этилди ва ушбу соҳада Исроил тажрибасини ўрганиш мақсадида 100 дан ортиқ мутахассислар ва тадбиркорлар Исроилда малака олириш курсларида ўқитилди. 2003 йилнинг сентябрь ойида Тошкент шаҳрида ўз фаолиятини бошлаган кичик ва ўрта бизнес вакиллари учун консултация Маркази тақдироти ўтказилди.

Ўзбекистон – Исроил иқтисодий ҳамкорлигида **аграр соҳага** оид лойиҳалар устувор бўлиб келган. Икки давлатнинг табиий шароитларидаги ўхшашликлар ҳисобга олиниб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун чўлларни ўзлаштириш

борасида бугунги кунгача ҳамкорликда салмоқли лойиҳалар амалга оширилди. Исроилнинг Сде-Бокер кибуцида (жамоа хўжалиги) жойлашган Чўл институти ва Қизилқум чўли олимлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди.

Шу билан бирга Қорақалпоғистоннинг Тахтақўпир тумани фермерларига Исроилнинг энг сўнги суғориш технологияси, **45 та** томчилаб суғориш тизимлари фойдаланишга топширилди. Яна 5 та шундай тизимни илмий-текшириш институтларига тақдим қилинди. Ушбу технология қишлоқ хўжалигида сув танқислиги муаммосини ечишга ёрдам беради. Хусусан, Исроилнинг **NETAFIM** компанияси томонидан 160 та томчилаб суғориш тизимларини Қорақалпоғистон фермерларига етказиб берилди.

Маълумот учун: Исроилнинг томчилаб суғориш тизими (ускуна) 1 гектар ерни суғориш учун haftасига 600 литр сув сарфлайди.

2006-2008 йилларда Исроиллик тадбиркорлар ва ўша даврдаги Ўзбекистоннинг Исроилдаги элчиси Ф.Хакимов ташаббуси билан экологик фожеага айланган Орол денгизининг чўлга айланишини олдини олиш ва ундан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда самарали фойдаланиш бўйича Исроил билан икки томонлама ишчи гуруҳ тузилди. Ушбу лойиҳага Исроилнинг энг илғор компаниялари, **Netafim, Metzerplas Drip Irrigation, Tahal Consulting Engineers, Elpaz Enterprises & Development** кабилар катта қизиқиш билдирди.

Исроиллик тадбиркорлар билан ҳамкорликда Ўзбекистонда гўштни қайта ишлашга ихтисослашган кичик корхоналар тармоғи ишга туширилди. Шулардан бири Навои вилоятида ташкил этилган “Конимех оазис подукт” корхонаси 2007 йилда халқаро кўргазмада ўз маҳсулоти билан иштирок этиб, “Ўзбекистон бозоридаги энг яхши маҳсулот” номинациясида ғолиб бўлди.

Маълумот учун: Исроиллик мутахассислар томонидан республикаимиз ҳудуди яхши ўрганилган бўлиб, уларнинг хулосасига миувофиқ Навои вилояти гўшт ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқаришда энг юқори салоҳиятга эга ҳисобланади.

Шунингдек, Фарғона ва Хоразм вилоятларида Исроилнинг “MARAFA” ва “MASHAB” фирмалари технологиялари асосида сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик корхоналар тармоғи ўз фаолиятини бошлади.

Вақт ўтиши билан, 2005 йил май ойида Андижонда юз берган воқеалар ва Исроилнинг унга ноқонструктив муносабати оқибатида, икки давлат ўртасидаги сиёсий мулоқот ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик суръатини секинлашди. 2007 йил якунларига кўра,



давлатлар ўртасидаги савдо айланмаси, Ўзбекистон томони маълумотларига қарийб 40 млн.долл., Исроил маълумотларига кўра - 28 млн.долл. ташкил этди, шундан 25,6 млн.долл. Исроил экспортига тўғри келди.

А.Либерман 2009 йилда Исроил ташқи ишлар вазири лавозимини эгаллагач, мамлакат ташқи сиёсатидаги устувор вазифаларни аниқлади. Улар орасида Марказий Осиё давлатлари билан сиёсий мулоқотни янгидан шакллантириш ва улар билан **савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш катта эътибор қаратди.**

Аmmo бугунги кунда ҳам икки давлат савдо-иқтисодий алоқалари мамлакатларнинг реал имкониятлари даражасидан анча паст даражаси сақланиб қолмоқда.

Шу ўринда, агар Исроил иқтисодиётига назар соладиган бўлсак, бугунги кунда Исроил иқтисодиётининг асосини **юқори технолик маҳсулотлар** (авиация, алоқа воситалари, электрон тиббиёт ускуналари, автоматлашган ва лойihalаштирувчи ишлаб чиқариш ускуналари, электроника ва бошқа), **қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари** (катрошка, помидор, сабзи, шолғом, мандарин, қалампир, тухум, товук гўшти, сут ва бошқа) **фармацевтика маҳсулотлари, металл маҳсулотлари, қурилиш ва қурилиш маҳсулотлари, кимёвий маҳсулотлар, текстиль ва оёқ кийим, транспорт ускуналари, дастурий таъминот яратиш** ва бошқа соҳалар ташкил этади. Исроил қайта ишланган олмос, қадоқланган дори воситаслари, тиббий асбоб-ускуналар ва юқори технологик маҳсулотлар экспорти бўйича дунёнинг энг илғор давлатларидан бири ҳисобланади. Ўз ўрнида Исроил олмос, атомобиллар, нефт ва нефт маҳсулотларини йирик импортери ҳисобланади.

Исроил товарларининг чет элга экспорт қилиш ҳажми 2020 йилда **50,04 млрд.АҚШ.долл.** ташкил этди, бу 2019 йилга нисбатан **17,6% га кам.** ЯИМдаги улушига кўра, **хизматлар – 70%, саноат-28%, қишлоқ хўжалиги-2% ташкил этади.**

Исроилнинг асосий савдо-иқтисодий ҳамкорлари – АҚШ, Хитой, Германия, Гонконг, Туркия, Буюк Британия, Швейцария, Белгия, Италия, Ҳиндистон, Россия ва Африка мамлакатлари.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Фуқароларнинг даромадига кўра дунёдаги энг бой мамлакатлар ўнталигига кирган Исроилнинг 2020 йил якунларига кўра, ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) қарийб **395**



млрд.АҚШ.долл. етиб, аҳоли жон бошига 44 минг.АҚШ.долл. тўғри келди. Жумладан, 2020 йил охирида ишсизлар сони меҳнатга лаёқатли аҳолининг **20%** яъни **700 минг кишини** ташкил этди.

Ўзбекистон-Исроил савдо-иқтисодий алоқаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, алоқаларни йўлга қўйган дастлабки йилларда Ўзбекистондан Исроилга асосан **олтин, кумуш, пахта, жун ва тери** импорт қилган. Кейинчалик, Ўзбекистондан импорт қилинадиган товарлар рўйхатига **тўқимачилик, кимёвий моддалар, металллар** ва бошқа материаллар киритилди. Ўзбекистон эса Исроилдан **маиший, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, асбоб-ускуналар, қора металллар, пластмасса маҳсулотлари, оптик маҳсулотлар, озиқ-овқат, қахва, чой, гўшт ва балиқ маҳсулотлари, дори-дармон** ва бошқа товарлар импорт қилади.

Бугунги кунда, савдо - иқтисодий ҳамкорлик соҳасида икки мамлакат ўзаро савдода (Савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга мувофиқ) имтиёзли ва қулай муҳит тартиби ўрнатилган, аммо шунга қарамай, ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганидан то ҳозирги кунгача товар айирбошлаш кўрсаткичлари мавжуд салоҳиятга жавоб бермай келмоқда.

млн.АҚШ.долл.

	2014 г.	2015 г.	2016 г.	2017 г.	2018 г.	2019 г.	2020 г.
Товар айланмаси	68,1	42,5	41,1	44,1	55,6	47,8	40,4
Экспорт	17,7	13,5	15,3	15,2	19,1	15,7	4,4
Импорт	50,4	29,0	25,8	28,9	36,5	32,1	36,0
Сальдо	-32,7	-15,5	-10,5	-13,7	-17,4	-16,4	-31,6

Жумладан, 2020 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси ва Исроил давлати ўртасидаги икки томонлама савдо ҳажми **40,4 млн.АҚШ.долл.** (-15,6%), шу жумладан экспорт **4,4 млн.АҚШ.долл.** (-75,0%), импорт **36,0 млн.АҚШ. долл** (+12,0%) ташкил этди.

Асосий экспорт йўналишлари: хизматлар (транспорт, туризм ва бошқалар) - **85,1%**; кийим-кечак, трикотаж ва аксессуарлар – **6,7%**; озиқ-овқат маҳсулотлари, узум, ёнғоқ ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари - **2,1%** ва бошқа товарлар.

Исроил Ўзбекистонга асосан қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва тиббиёт соҳалари учун юқори технологик ускуналар, шунингдек, фармацевтика ва полиграфия



маҳсулотларини экспорт қилади. Ўзбекистондан эса асосан тўқимачилик ва қоғоз маҳсулотлари импорт қилинади.

Асосий импорт йўналишлари: механик ускуналар, саноат, лаборатория ва бошқалар. – **28,6%**, ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари - **22,1%**, қурилиш материаллари- **10.1%**, электр жиҳозлари ва бошқа товарлар -**8.7%**.

Инвестициявий ҳамкорлик соҳасида Исроилдан 2020 йилда ўзлаштирилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми **2,4 млн.АҚШ.долл.** ташкил этди. Шунингдек, 2021 йилда – **13,5 млн.АҚШ.долл.** (2021-2023 йй. мўлжалланган Инвестицион дастурга киритилган 4та лойиҳалар эвазига) ўзлаштирилиши кўзда тутилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Исроил инвестицияси иштирокида **100 та корхона**, шу жумладан Исроил капитали 100% бўлган **39 та хорижий корхона** ва **61 та** қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. **Ушбу корхоналарнинг асосий фаолияти турлари қуйидагилар:** туризм, улгуржи ва чакана савдо, озиқ-овқат маҳсулотлари (музқаймоқ) ишлаб чиқариш, пластик қадоклаш, саноат-совутиш ва шамоллатиш ускуналари, гигиена маҳсулотлари, заргарлик, терини қайта ишлаш, маркетинг тадқиқотлари, молиявий ва бошқарув масалалари бўйича консалтинг хизматлари.

Шу билан бирга, бугунги кунгача икки давлат ўртасидаги автотранспорт воситаларининг қатновини тартибга солувчи келишув имзоланмаган. 2019 йилда автотранспорт орқали юк ташиш ҳажми **22,5 минг тоннани** ташкил этган бўлса, 2020 йилнинг 4 ойи давомида – **31,6 минг тонна** (+110 %).

Шунингдек, 2020 йилда темир йўл юк ҳажми **295,2 тонна** (-45 рейс), шу жумладан, импорт товарлар - **224,0 тонна** (-8,6 рейс) ва Ўзбекистон ҳудудида Исроил товарларининг транзити **71,2 тонна** (2019г.– 11.4 минг тонна) ташкил этган. Ҳаво транспорти соҳасидаги ҳамкорликнинг статистикасига кўра, 2019 йилда "Ўзбекистон Ҳаво йўллари" АЖ **410 рейсни** амалга оширган (+15,2%) **60,7** минг йўловчига хизмат кўрсатилган (-0,9%) ва 474,4 тонна юк ташилган (-44,5%) бўлса, 2020 йилда **64 парвоз** амалга оширилган (-6,4 рейс), **6,4 минг** йўловчига хизмат кўрсатилган (-9,5%) ва 125,6 тонна юк (-3.8%) ташилган. Шунингдек, 2020 йил 16 мартдан COVID-19 пандемияси сабабли вужудга келган эпидемиологик вазият муносабати билан мунтазам авиақатновлар вақтинча тўхтатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг маълумотига кўра, Ўзбекистонга Исроилдан

жисмоний шахсларнинг трансчегаравий пул ўтказмалари (шахсий трансфертлар) 2020 йилда 132,4 млн.АҚШ.долл. ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилда 54,5 млн.АҚШ.долл ва 2019 йилда 58,6 млн.АҚШ.долл. ташкил этган. Ўзбекистондан Исроилга жўнатилган шахсий пул ўтказмалари эса 2020 йилда 3,7 млн.АҚШ.долл., 2019 йилда 4,3 млн.АҚШ.долл. ва 2018 йилда 4,2 млн.АҚШ.долл. ташкил этган.

Кейинги йилларда Исроил Ўзбекистон билан **ҳарбий-иқтисодий алоқаларни** ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун қадамлар қўйилмоқда. Тошкентга мунтазам равишда музокаралар олиб бориш учун Исроилнинг ҳарбий-саноат соҳаси вакиллари ташриф буюрди.

Ҳозирда, МДХ ҳудудида Исроил Мудофаа вазирлигининг хориждаги Исроил қурол ишлаб чиқарувчилари фаолиятини назорат қилувчи тузилмаси СИБАТ Қозоғистон ва Озарбайжонни ҳарбий-техник ҳамкорлик бўйича устувор йўналишлар сифатида белгилаган. Исроил мудофаа саноати раҳбарлари Озарбайжон бозоридаги позицияларини мустаҳкамлаш, Қозоғистон билан ҳарбий-техник ҳамкорликни кенгайтириш, Ўзбекистон билан ҳарбий ҳамкорликни янада фаоллаштириш ва Туркманистон қурол бозорига кириб боришга ҳаракат қилмоқда.

Исроилликларнинг Марказий Осиё минтақаси мамлакатларига ҳарбий экспортни кенгайтириш борасидаги қизиқиши бир неча сабабларга боғлиқ. Хусусан, Туркия билан ҳарбий ҳамкорлигини сезиларли даражада қисқартириши натижасида Исроил Озарбайжон, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Туркманистон бозори эвазига Туркиядан кўрган зарари ўрнини қоплашни мақсад қилган.

Исроилнинг Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорлигининг ўзига хос хусусияти шундаки, у иқтисодиётнинг стратегик йўналишлари энергетика, тоғ-кон саноати ва табиий ресурсларни қайта ишлаш бўйича ҳамкорликка эътибор қаратади.

Ўзбекистоннинг Исроил билан ҳамкорлик қилишидаги асосий мотивлари бу, инвестицияга бўлган эҳтиёж ва иқтисодиёт соҳаларини Исроилнинг янги технологиялар асосида ривожлантириш зарурати билан боғлиқ. Исроил иқтисодиётининг Ўзбекистон учун бирламчи аҳамиятга эга бўлган соҳалардаги инкор этиб бўлмас ютуқларга эришганлиги ушбу давлат билан ҳамкорликда иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга ундайди.

Шу билан бир қаторда, Исроил учун ҳам муносабатларнинг иқтисодий компоненти муҳим аҳамиятга

эга. Исроил Ўзбекистонни йирик инфратузилмалар учун инвестициялар, ўзининг сўнгги юқори технологиялари ва замонавий курулларининг харидори, қимматбаҳо, камёб ва рангли металллар, буғдой ва пахта етказиб берувчи объект сифатида кўради. Хусусан, Ўзбекистоннинг Исроил учун алоҳида жозибадорлиги, унинг геосиёсий аҳамиятини оширган омил бу унинг углеводород

ва қимматбаҳо-фойдали қазилмаларнинг катта захиралари мавжудлиги билан боғлиқ.

Шу билан бир каторда, Ўзбекистонда жаҳон транспорт йўлларида узоклиги ва автомобил йўли орқали боришнинг қийинлиги туфайли ишлов берилмаган хом ашё захираси мавжуд. Шу сабабли, Ўзбекистон Исроилни табиий ресурсларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида кўплаб лойиҳаларни амалга ошириш имконияти билан ўзига жалб этади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, икки давлатнинг иқтисодий ривожланганлигининг турли даражалардалиги ва **Ўзбекистон ва Исроил бозорларининг ўзаро мувозанатлашмаганлиги** бугунги кунда савдо-иқтисодий соҳанинг етарлича ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Исроил ўртасидаги иқтисодий алоқалар тизимида икки давлат ҳам ўз манфаатларидан келиб чиқиб, мавжуд имкониятлардан максимал даражада фойдаланмасдан келмоқда.

REFERENCES

1. Костенко Ю.И. Эволюция «Периферийной стратегии» Израиля (1990-2017 гг.)(На примере политики в Центральной Азии): дис. ... канд. ист. наук.- М.: МГИМО, 2018, С.133 // Веб сайт- https://mgimo.ru/science/diss/Kostenko_diss.pdf
2. Костенко Ю.И. «Новая периферийная стратегия» Израиля. / Ю.И. Костенко // Вестник МГИМО-Университета. 2017. 1(52). С.108
3. Халеви Э. Бывший шеф разведки: Моссад никогда не устраивал государственных переворотов. [Электронный ресурс] / Э. Халеви // IZRUS – Режим доступа: http://izrus.co.il/obshie_novosti/news/2011-04-07/
4. Фальков М. Кнессет взялся за «советских» мусульман. [Электронный ресурс] / М. Фальков // IZRUS – Режим доступа: <http://izrus.co.il/article/1015.html>.
5. Месамед В. Израиль и Республика Узбекистан: сотрудничество в экономической и социальной сфере, 2011г. // <http://www.iimes.ru/?p=13810>



6. Фальков М. «Русские пятна» в деле Ольмерта». // IZRUS – Режим доступа: <http://izrus.co.il/oligarhi/article/2008-08-01/1510.html>
7. Блуа А. Израиль Начинает Свою Игру В Центральной Азии, 23 август 2001г. // Веб сайт-<https://russian.eurasianet.org/node/54709>
8. Месамед В.И. Израиль в Центральной Азии: грезы и реальность. Москва, 2012, с.86.
9. Фальков М. Кнессет взялся за «советских» мусульман. [Электронный ресурс] / М. Фальков // IZRUS – Режим доступа: <http://izrus.co.il/article/1015.html>
10. Новые направления внешней политики Израиля. [Электронный ресурс] – Режим доступа: <http://news.israelinfo.ru/tribune/30828>



G'O'ZA (*G HIRSUTUM L*) O'RTA TOLALI TURIGA OID NAV NAMUNALARI TOLASINING SIFAT KO'RSATKICHLARI

Mamadali Kudratovich Lukov

Termiz agrotexnologiyalar va innovatsion rivojlanish instituti dotsenti q. x. f. n

Jonibek Boyniyoz o'g'li Juraev

Termiz agrotexnologiyalar va innovatsion rivojlanish instituti 2 bosqich magistranti

ANNOTATSIYA

Maqolada Issiq iqlimli Surxondaryo viloyatida bir xil tuproq sharoitda o'stirilgan o'rta tolali g'o'za turiga oid har xil nav va namunalarining tola sifatiga oid: tola chiqimi, uzunligi, uzilish kuchi, elastikligi, buraluvchanligi bo'yicha a farqlanishlar haqida ma'lumotlar keltirilgan.

Kalit so'zlar: G'o'za, o'rta tolali, navlar, namunalar. kelib chiqishi o'suv davri, tola chiqimi, tola, sifati, tola uzunligi, uzilish kuchi, buraluvchanligi, tola tipi.

KIRISH

O'zbekistonning janubi hisoblangan issiq iqlimli Surxondaryo viloyatiining markaziy tumanlar sharoitida o'rta tolali g'o'za navlari yaxshi o'sib rivojlanadi va 30-35 s/ga hosil yetishtiriladi [4; 8; 10]. Bu viloyat sharoitida oqova suvning muntazam ravishda baqararor emasligi, bahor va yozda kuchli issiq shamol tez-tez bo'lib turishi hosildaorlik va tolaning sifatiga salbiy ta'sir qiladi [3; 10;]. G'o'za hosildorligi va sifatish yaxshilashda seleksioner olimlar zimmasiga qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishida tezpishar, yuqori ho silli va yuqori sifatli kaslliklar va zararkunandalarga chilamli, paxta hosilini yig'ishtirishda mexaniayai yordamida terimga moslashgan O'rtatolali g'o'zaning potensial hosildorligi 40-50 s/ga, tola chiqimi 37-38%, tola uzunligi 34-36 mm. navlar yapatish vazifalari qo'yilgan [1; 4; 5].

Surxondaryo viloyatining ekstremal sharoitida, yuqori harorat, tuproq sho'rlanishi, garmsel, suv tanqisligi, kabi noqulay sharoitlarga chidamli, tezpishar, kasallik va hashoratlar zarariga bardoshli, hosili mashina terimga mos kabi kompleks xo'jalik ahamiyatiga ega begi xususiyatli yangi navlarni yaratish dolzarb masala bhisoblanadi [3; 8; 10].

METODLAR VA MATERIALLAR

Dala tajribalari Surxondaryo viloyatini ingichka tolali paxtachilik ilmiy tadqiqot instuttining ilmiy tajriba xo'jalik



dalasida o'tkazildi. Dala tajribasi .cho'l qumoqli och tusli bo'z tuproqli, mexanik tarkibi yengil qumoqli, sizot suvining satxi 12-14 m oziq moddalar bilan kam ta'minlangan, tajribada obekt sifatida o'rta tolali g'o'zaning O'zbekiston seleksiyasiga oid 7 ta nav va namunalari, Xitoy davlati selksiyasiga oid 3 ta AQSh selksiyasiga oid-1ta, Afrika-1ta va Eron seleksiyasiga oid 1ta namunalar, jami 13ta nav va namunalardan foydalanildi. Bu nav va namularni taqqoslab o'rganish uchun Davlat reestriga kiritilgshan hamda Surxondaryo viloyatida katta maydonlarda ekiladigan Beshqaxramon navi standart sifatida qabul qilindi. Ilmiy tadqiqotlar o'tkazishda O'zbekiton Paxtachilik ITI (2007y,) Davlat nav sinovi (1985 yil) Paxta seleksiyasi urug'chiligi va yetishtirish agrotexnologiyalari ITI metodlari va umum qabul qilingan metodlardan foydalanildi [6; 7].

NATIJARLAR

O'rta tolali g'o'za turiga oid mahalliy sharoitda yaratilgan va xorijdan keltirilgan geografik uzoq bo'lgan nav namunalar tolasining chiqishi, tola uzunligi, uzilish kuchi chiziqli zichli, tola buraluvchanligi kabi sifat ko'rsakichlari bo'yicha sezillarli darajada farqlanishlar aniqlandi. Tola chiqimi- tola massasining chigitli paxta massasiga bo'lgan foiz xisobidagi nisbatiga aytiladi Ekishga tavsiya etilgan o'rta tolali g'o'za navlarining tola chiqimi 32-40 % bo'ladi Biz o'rgangan (1 jadval) ma'lumotlarda Beshqahramon (standart) navi (36,6%) ga nisbatan Xitoy namunalari (K-1675) va (05305 cotton) va AQSh ning (U-Strain) nammunasida tola chiqimi, 3 % ko'p bo'lganligi aniqlandi. Tola uzuligi uning asosiy sifat ko'satkichlaridan biri hisoblanadi..Tola uzunligi. tolaning ikki uchi oralig'idagi masofa mm bilan o'lchanadigan ko'rsatkichdir. O'rta tolali g'o'za navlarida o'rtacha 31-36 mm ga teng bo'ladi. O'rganilgan (1jadval) ia'lumotlarda namunalar tolasining uzunligi 28,4 mm.dan 40,4 mm.gacha bo'ldi. Eng uzun tolali namunalar Eron namunasi-5314342,(38,8 mm,) , Xitoy namunasi-05305 cotton, (38.6 mm.) O'zbekiston namunasi Okra III (40,4) bo'lsa kalta tolali (29,8 mm Guandun Xitoy va 29,1 mm va 8517 O'zbekiston) namunasi bo'ldi.

Uzilish kuchi tolaning muhim sifat ko'rsatkichi bo'lib, bitta tolani cho'zganda uzish uchun sarf bo'lgan kuchdir. Bu ko'rsatgich gk (gramm kuch) yoki SN (Santa Nyuton) ko'rsatkichi deb ifodalanadi. Uzilish kuchi O'rta tolali g'o'za navlarida 4.3-4.9 gk ga teng bo'ladi [1; 2].

Tahlil qilingan (1jadval))ma'lumotlar bo'yicha tolaning uzilish kuchi 3,9 gk.dan-5,1 gk.gacha bo'ldi. Shuningdek tola buraluvchanligi ko'rsatkichi bo'yicha ham yuqorida ko'rtilgan Xitoy namunalari (K-1675) va (05305 cotton) va AQSh ning (U-Strain)

namunasi, O'zbekiston C-3210 R2 namunasi tolasinng buraluvchanligi ko'p, ya'ni (1 mm uzunlikda 11-12 marta) ekanligi aniqlandi.

G'o'zaning tola sifati yuqorida qayd etilgan va jadvaldagi ma'lumotlar bo'yicha tola tipi belglandi. Tolasi yuqori sifatlil namunalr IV tip va tola sifati yaxshi namunalar 5 tipga oid bo'lib hisobga olindi.

XULOSALAR

O'rta tolali g'o'za turiga oid mahalliy sharoitda mavjud va chet davlatlar selksiyasiga oid geografik uzoq bo'lgan nav va namunalar tolasining chiqimi, uzunligi, uzilish kuchi kabi belgilari har xil sifatlil ko'rsatkichlarga ega.

Tolasi yuqori sifatlil bo'lgan IV tipga oid:- Xitoyning (K-1675) va (05305 cotton) va AQSh ning (U-Strain) ,O'zbekiston (C-3210 R2) kabi namunalarini seleksiya ishining navbatdagi ya'ni keyingi ko'chatzor va nav sinashlarida sinash va baholashlarni davom ettirish tavsiya etiladi.

1-jadval

O'rta tolali g'o'za nav va namunalarining tolasining texnologik sifatlil ko'rsatkichlari

№	G'o'za nav va namunalar.	Kelib chiqishi,	Tola chiqimi %	Tolaning texnologik sifatlil ko'rsatkichlari				
				uzunligi mm	Uzilish kuchi, gk	Nisbiyl uzilish kuchi, gk'teks	Tola buraluvchanligi	Tola tipi
1	Besh qahramon (andoza)	O'zbekiston	36,4	35,1	4,8,	31,4	10-11-	V
2	K-1675	Xitoy	37,7	36,6	4,8	32,3	10-11	V
3	8517	O'zbekiston	36,9	29,1	4,5	29,0	10-11	V
4	Neslipshiyssa	O'zbekiston	34,3	30,1	4,7	30,6	11-12	IV
5	Okra II	O'zbekiston	35,7	30,4	5,1	30,2	11-12	IV
6	Okra III	O'zbekiston	38,5	40,4	4,7	32,0	11-12	IV
7	K-3477	O'zbekiston	30,3	31,4	4,8	29,7	11-12	IV
8	6095-U	O'zbekiston	33,7	30,1	4,6	27,5	9-10	V
9	C-3210 R2	O'zbekiston	38,8	39,6	4,8	30,8	10-11	V
10	Besh qaxramon (andoza)	O'zbekiston	36,6	35,1	4,5	31,2	10-12	IV
11	05305 cotton	Xitoy	38,6	40,2	4,6	33,0	10-11	V
12	U-Strain	AQSh	39,9	30,2	4,4	32,4	11-12	IV
13	5314342	Eron	36,2	38,8	4,1	30,5	10-12	IV
14	Guandun 1	Xitoy	32,4	29,3	3,9	27,5	10-11	V

REFERENCES

1. Abdulkarimov D.T., Lukov M.K. G'o'za seleksiyasi va urug'chiligi .- T.: 1987. – S. 22-101.
2. Abdulkarimov D.T.- va boshq.Umumyseleksiya va urug'chilik T.: 2021. – 36-37.b.

3. Amanturdiyev A.B, Kim R.G, “Struktura kusta i yeyo vzaimosvyaz s morfohozyastvennymi priznakami i viltoustoychivostyu xlopchatnika vida Goss Hirsutum L” Izd.-stvo “Fan” Akademii nauk res. Uzbekistan Tashkent 2011. S258.
4. Abduraximov. N., Qo‘chqorov.O .Sara urug‘ mo‘l xosil garovi./O‘zbekiston qishloq xo‘jalik jurnali /Toshkent. 2001 yil. №3 34-35 bet.
5. Atabaeva X.N., Xudoyqulov J.B. O‘simlikshunoslik. Toshkent. 2018. – B. 259-282.
6. Ботиров, А. Э., Бойжонов, У. М., & Рустамова, Г. А. (2022). ШАФТОЛИНИНГ ТУРЛИ НАВЛАРИНИ КАСАЛЛИК ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ ЧИДАМЛИЛИГИНИ ЎРГАНИШИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ. Academic research in educational sciences, 3(7), 176-182.
7. Botirov, A. E., & Xalmirzayeva, L. B. (2022). UNABI (ZIZIPHUS MILL): DEVELOPMENT, RECENTLY AND NOWADAYS. Academic research in educational sciences, (Conference), 194-198.
8. Tojiev.M, Yangiboev A.A, Boltaev S.M va boshqalar Surxondaryo viloyatida g‘o‘za va g‘o‘za majmuidagi qishloq xo‘jalik ekinlaridan yuqori va sifatli xosil yetishtirish agrotexnologiyalari bo‘yicha tavsiyalar. “Surxon nashr” MChJ. Termiz. 2017y. 87 b.
9. O‘zbekiston respublikasi xududida ekish uchun tavsiya etilgan qishloq xshjalik ekinlari davlat reestiriga kiritilgan navlarning Tavsifi Toshkent 2017 y.
10. Jo‘raev Boyniyoz Chorievich “Kachestvo semyan i urajaynost xlopchatnika”. Vestnik semenovodstva SNG, g. Moskva, 2002 god №3, st 31-33.
11. Qo‘ziboev Sh.S Mamaraximov B.I “G‘o‘za urug‘chiligini takomilashtirish omillari” Toshkent 2013 y 308 b.



SHAFTOLI KO'CHATLARINI PAYVANDDAN KEYINGI FENOLOGIK KUZATUVLARI

Alisher Botirov

Akademik Mahmud Mirzayev nomli bog'dorchilik, uzumchilik va vinochilik ilmiy tadqiqot instituti doktoranti (DSc)

Norqul Quysinboyev

Oybek Aliyev

Samarqand agroinnovatsiyalar va tadqiqotlar instituti magistrantlari

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada shaftoli payvandtagi va urug' ko'chatlarini o'sish ko'rsatkichlari keltirilgan. Bunda urug' ko'chatga nisbat qilib Meroblana payvandtagi olingan. Olingan natijalar asosida Meroblanada bir vegetatsiya davomida novda uzunligi 10.3 cm ni tashkil qilgan bo'lsa, urug' ko'chatda bu ko'rsatkich 14.8 cm tashkil qilmoqda.

Kalit so'zlar: Meroblana, urug' ko'chat, novda soni, novda uzunligi.

KIRISH

Shaftoli ra'nodoshlar oilasiga mansub ko'p yillik meva daraxti hisoblanib mamlakatimiz 108679 ga (2021-yilda) yer maydonlarida fermer, dehqon va boshqa qishloq xo'jaligida faoliyat olib borayotgan soha vakillari tomonidan yetishtiriladi. Kunimizda jahonning turli mintaqalarida kuzatilayotgan global iqlim o'zgarishi sharoitida sifatli va bozor talablariga mos ko'chatlar yetkazib berish dolzarb muammolardan biri sifatida qaraladi. Ko'chatlarni sifati yaxshiligi nafaqat uni bozorgirlikni oshirib qolmasdan yosh bog'zorlar tashkil qilish vaqtida ham qo'l keladi. Bunda ularning yaxshi o'sishi va o'tkazilgandan keyin yaxshi yerga o'rnatilish ketishi hamda tuproq ildiz otishi payvandtaglarga ham bog'liq bo'ladi.


Bugungi kunda shaftoli payvandtagi sifatida Garnem, GF 677 va Controller kabi payvandtaglardan keng foydalanilmoqda. Myrobalan payvandtagi asosan olxo'ri va o'rik uchun foydalaniladi. Myrobalan o'rta kuchli o'suvchi payvandtag hisoblanib yerga o'tqazilganidan keyin tuproq sharoitiga yaxshi moslashadi va ildiz olishida ham yaxshi natijalar ko'rsatadi. Ushbu maqolada Merobalan payvandtagiga ulangan shaftoli o'sishi kuzatuvlari tadqiq qilingan [1; 2; 3; 4].

MATERIALLAR VA METODLAR

Ushbu tadqiqot ishi Akademik m.Mirzayev nomli bog‘dorchilik, uzumchilik va vinochilik ilmiy-tadqiqot instituti Charxin ilmiy-tajriba stansiyada olib borildi. Shaftolining Merobalan payvandtagi 2022-yilning mart oyida ekildi. Urug‘ ko‘chatlar esa 2022-yilni oktabr oylarida ekilgan. Shaftolining Lola navi 2022-yilning avgust oyida Merobalan payvandtagiga payvand qilingan. Kuzatuvlarni o‘tkazish umumqabul qilingan usullar yordmida amalga oshirildi.


NATIJALAR

Meroblana payvandtagiga ulangan Lola shaftoli navining aprel-sentabr oylarida novdalar soni va uzunligi bo‘yicha ko‘rsatkichlari 1-rasmda keltirilgan.



1-rasm. Meroblana payvandtagiga ulangan Lola nomli shaftolining Aprel va Sentabrda oylaridagi fenologik ko‘rsatkichlari 2022-yil. A) MNS I-Meroblana novdalar soni Aprel oyida; MNS II-Meroblana novdalar soni Sentabr oyida; B) MNU I-Meroblana novdalar uzunligi Aprel oyida; MNU II-Meroblana novdalar uzunligi Sentabr oyida.

Bunda novdalar soni o'zgarishi apreldan sentabrga o'rtacha 1.7 donadan 2.2 donaga ko'payganligini ko'rishimiz mumkin. Novdalar uzunligi esa mos ravishda 6.9 cmdan 10.3 cm ga o'zgarganligini ko'rishimiz mumkin.



2-rasm. Urug' ko'chatlarning Aprel va Sentabr oylaridagi fenologik ko'rsatkichlari, 2022-yil. A) UNS I-Urug' ko'chatlari novda soni Aprel oyidagi, UNS II-Urug' ko'chatlari novda soni Sentabrda; B) UNU I-Urug' ko'chatlari uzunligi Aprel oyida, UNU II-Urug' ko'chatlari uzunligi Sentabrda.

Urug' ko'chatlarning aprel oyidan sentabr oyigacha bo'lgan kuzatuvlari natijasi 2-rasmda o'z aksini topgan. Urug' ko'chatlari aprel oyida 1 dona bo'lgan bo'lsa bu ko'rsatkich sentabrga kelib 3.1 donaga yetgan ya'ni apreldan sentabrga 2 taga ko'paygan. Urug' ko'chatlarda novda uzunligini o'zgarishi aprel oyida 6.6 cm bo'lgan bo'lsa bu Sentabrga kelib 14.8 cm gacha o'sganligini ko'rishimiz mumkin.

